

50
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚУВАСОЙ ТАДБИРКОРЛИК УҚУВ ИЛМИИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

МИРЗАЕВ Т. Р. ДОДОБОВЕВ Ю. Т.

ПРОКУРОРЛИК КАСБИ

(олий ўқув юртларининг талабалари
учун ўқув қўлланма)

Тошкент — 2003.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎУВАСОЙ ТАДБИРКОРЛИК ЎҚУВ ИЛМИЙ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

Т. Р. МИРЗАЕВ, Ю. Т. ДОДОБОВ

ПРОКУРОРЛИК КАСБИ

(олий ўқув юртларининг талабалари учун ўқув қўлланма)

Тошкент 2003

Ижтимоий ҳаётнинг оқилона тартибга солинганлиги, яхшилиқнинг доимо ёмонликдан устун эканлигига ишонган одамзоднинг турли-туман, аксарият ҳолларда бири-бирига мос келмайдиган ва зид бўлган манфаат ҳамда интилишларининг мақбул мувозанати мавжудлиги қонун шарофати биландир. Жамият ҳаётининг осойишта, барқарор даврларида ҳам, тараққиётнинг кескин бурилиш даврларида ҳам инсон қонунга таянади.

Қонунчиликдаги нуқсонлар, «кемтик»лар иқтисодиётдаги, ижтимоий ҳаёт ва бошқа соҳалардаги жараёнларни тартибга солишга ҳалокатли таъсир этади. Собиқ Иттифоқ тартибига кирган республикалардаги бозорларнинг аянчли аҳволи, кўплаб фуқароларнинг қашшоқликда кун кечириётгани фикримизга яққол мисол.

Амалда қонунларнинг ижроси борасидаги аҳвол ҳам кўнгилдагидек эмас. Янги бир таркиб топган давлатларда ижтимоий интизомнинг умумий пасайиши билан бир пайтда ҳуқуқий нигилизм кучайиб кетди. Бундай хавfli касалликка фуқароларнинг бир қисмигина эмас, балки кўплаб мансабдор шахслар, ҳокимият намоёндалари ҳам дучор бўлишди. Давлат ва жамоат назоратининг барбод бўлган аввалги тизими ўрнига янги яхлит назорат тизими изма-из вужудга келтирилмади. Айрим хорижий моделларнинг ўйламай-нетмай кўр-кўрона кўчириб олиниши қонунийликни таъминлаш ишига катта зарар етказди. Хусусан, судларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан йироқлаштирилганлиги, эндигина оёққа тураётган ва зарур ресурслар билан етарли даражада таъминланмаган суд ҳокимиятининг мустақиллигини гипертрофиялаштириш ўзини оқламади.

«Қонунда тақиқланмаган ҳамма нарсани қилиш мумкин» деган иборада ифодаланган ҳулқ-атвор принципини тарғиб қилиш ва жамиятнинг ҳаёт фаолиятига жорий этиш ҳам собиқ Совет республикаларида қонунсизликни зъж олишига сабаб бўлди. Ушбу «шиор»нинг бузғунчилиқ кучи тегишли қонунчилик базаси мавжуд бўлмаган, янги ҳуқуқий тизим эндигина шаклланиб бораётган бир шароитда бошланган туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар даврида айниқса яққол сезилди.

Аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бўлган ишончи танг аҳволга тушиб қолганлиги тўғрисида ҳам айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Ушбу органларнинг фаолияти, иш натижадорлиги одамни хушнуд қилмайди. Айниқса жиноятчилик авжга минган шароитдаги аҳвол ачинарли. Милиция, прокуратура, хавфсизлик хизмати, солиқ ва божхона хизмати органларининг ишлари жамият олдида анча ошкора бўлиб қолган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш механизмининг жиддий шатаксираб қолганлиги очиқ-равшан кўзга ташланди. Ошкоралик пайдо бўлганлигига қарамай субъектив қарашларни, меъёрбузишлар ва англашилмовчиликларни четлаб ўтишнинг иложи бўлмади. Жумладан, мушкулликдан ўз манфаати йўлида фойдаланиш мақсадида прокуратурага нисбатан қилинган конъюктура тўғрисидаги сиёсий ҳуружлар, унинг илдизига болта уриш, моҳиятан олганда, прокурорлик назоратига бутунлай барҳам бериш учун қилинган волюнтаристик ҳаракатлар фикримизнинг далилидир.

Қонунийликда танглик кўринишлари ва бунга йўл очиб берган вазиятлар рўйхатини давом эттириш мумкин. Бироқ, тақдим этилаётган «Прокурорлик касби» деб номланган ушбу китобнинг қанчалик долзарб, зарур эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун юқорида келтирилган мисолларнинг ўзиёқ кифоя, деб ўйлаймиз. Унда қонунийлик устидан назорат қилишнинг универсал органи сифатида прокуратура тўғрисида, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги ўрни, вазифалари, асосий фаолият йўналишлари, мазмун ва шакллари ҳақида ҳикоя қилинади.

I-БОБ.

«PROCURO» — ДЕМАККИ «ЖОНКУЯРЛИК ҚИЛАМАН», «БОШҚАРАМАН» (ТАРИХГА САЕХАТ).

«Прокурор», «прокуратура» сўзларининг ўзаги лотинча «procurator» бўлиб, сўзма-сўз таржимаси «жонкуярлик қиламан», «бошқараман» деган маъноларни англатади. Агар энг қадимги цивилизацияни олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг давлат тузилишида прокурор деган шахс бўлмаган. Бироқ, Қадимги Рим даврига келибоқ, прокурор лавозими амал қила бошлаган. У суд ва тижорат ишларида римлик фуқаронинг ишончли вакили вазифасини ҳам, уй бошқарувчиси ва наместник, яъни ўз қўлига бутун ҳокимият, шу жумладан суд ҳокимияти ваколатларини жамлаган вилоятлар бошқарувчиси вазифасини ҳам бажарган.

Прокуратуранинг дастлабки тарихи, қисқача қилганда, юқорида баён этилганлардан иборат. Табиийки, бу маълумотлар билан чекланиб бўлмайди. Прокуратура фаолиятдан кўзланган мақсадни қандай талқин этишдан қатъий-назар, эътироф этиш лозимки, унга хос вазифалар, масалан, жиноятни ўрганиш, қонуннинг ижроси устидан назорат қилиш каби вазифалар ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин вужудга келган. Вужудга келмаслиги мумкин ҳам эмасди. Зеро, энг мукаммал қонунлар ҳам уларнинг ижросини кузатиш механизми бўлмаса, қуруқ гап-лигича қолиб кетади. Худди шундай фикрни жиноятни ўрганиш, жиноятчилар ва бошқа ҳуқуқбузарларни давлат номидан қоралаш вазифаларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Бундай вазифаларни амалга ошириш зарурати ҳуқуқ, ошобарин, ҳуқуқбузарлик пайдо бўлиши биланоқ юзага келди. Даставвал, қонунларнинг ижроси устидан кузатиш, қонунбузарларни таъқибга олиш вазифаларини бевосита олий ҳукмдорлар (қироллар, князлар, подшолар, олий ҳокимиятни амалга оширувчилар ва бошқа шу кабилар), уларнинг Понтий Пилатга ўхшаш ноиблари амалга оширишган. Бироқ, бу вазифаларни ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашувига, давлатчилиқ ва ҳуқуқий тизимларнинг ривожланишига қараб, секин-аста алоҳида-алоҳида ажра-

тиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлашнинг бошқа чора-тадбирларини айрим-айрим тарзда туркумлаш зарурати пайдо бўлди. Жиноят ишларини тергов қилиш ва қараб чиқиш устидан назорат олиб борувчи махсус орган сифатида прокуратура дастлаб XII-XIV асрларда Францияда пайдо бўлган, деб ҳисобланади.

Мазкур мамлакатнинг тажрибасига ўз вақтида Пётр I мурожаат қилганлиги бежиз эмас. Хусусан, рус ҳукмдори 1722 йил Россия прокуратураси ташкил этилишида қонунларнинг ижроси устидан назорат қилишга даъват этилган олий мансабдор шахсни «генерал-прокурор» деб номлаб, Францияга тақлид қилган. Бироқ, Ғарб намуналаридан тўғридан-тўғри нусха кўчириш билан чекланиб қолганда, подшо Пётр Буюк Пётрга айланмасди. Бу масалада ҳам россиялик ислохотчи ўз йўлидан, кўп жиҳатдан бетакрор йўлдан борди. Таъкидлаш жоизки, Россияда прокуратура йўқдан бор бўлмади, унинг подма хоҳиш иродаси ҳамда амрларнинг ижроси устидан давлат назорати, кузатиш фаолияти тарзидаги замини мавжуд эди.

Давлат аппаратининг фаолиятини кузатиш ва назорат қилишни ташкил этиш борасидаги дастлабки уринишлардан бири XVII асрнинг иккинчи ярмида бўлган. Подшо Алексей Михайлович Маҳфий буйруқ муассасасини ташкил этган бўлиб, унга асосан «унинг шоҳона фикрлари беистисно унинг кўнглидагидек бажарилишини» таъминлаш вазифаси юкланган. Диққатга сазовор жойи шундаки, ушбу муассасанинг фаолияти қатъий марказлаштирилган бўлиб, бевосита мўтлақ ҳокимга бориб тақаларди. «...ушбу буйруқда подшонинг ўзидан бўлак боярлар ҳам, дума одамлари ҳам зикр этилмаган ва улар ишларини юртишдан четда эдилар...». Назорат органи ҳуқуқларни берилган Маҳфий буйруқ давлат бошқарувининг қолган органлари устидан турарди.

Подшо вафотидан кейин ушбу буйруқ фаолияти ҳам барҳам топди. Кенг қамровли назорат органи тузиш учун навбатдаги уруниш 1711 йилда бўлиб, Пётр I аини бир вақтнинг ўзида сенаторлар ва фискаллар лавозимларини таъсис этди. Барча ишлар устидан ҳуфёна кузатув олиб бориш, ноҳақ суд, ғазна йиғимларидаги фирромлик ва бошқа шу кабилар тўғрисида хабар топиш фискал зиммасида эди. «Ноҳақлик», яъни ҳуқуқбузарлик аниқлан-

ган тақдирда фискал айбдор ким бўлишидан қатъи-назар, уни Сенатга чақириб, фош этиши лозим бўлган. Обер-фискал фармонида кўрсатилганидек «ақлли ва қалол» бўлиши керак. Фискаллар учун разнадан мунтазам ҳақ тўлаш жорий этилмаганди. Уларнинг ҳуқуқ тартиботни таъминлаш борасидаги меҳнатларига дастлаб «ноҳақлик» қилаётганлардан мусодара қилинган пул ёки мол-мулк қийматининг ярми, кейинчалик эса, учдан бир қисми ҳисобидан ҳақ тўланарди.

Пётр 1 ўзининг қонунчилик фаолиятида кенг назорат фаолиятини амалга оширувчи фискал хизматининг ишига бир печа марта мурожаат қилган, унинг ваколат доирасини, ташкилий тузилмасини, фаолият тартибини аниқлаштирган. Хусусан, 1714 йил 14 мартдаги фармонга биноан фискалларга қинғирликлардан «хуфёна ва очиқ-ошкора» хабар топиш ҳуқуқ берилган. Бироқ, назоратни яширин тарзда олиб бориш фискал фаолиятида устун турарди. Бу ҳол, чамаси, давлат назорат органи сифатида фискал хизмати фаолиятининг энг заиф жойларидан бири эди. Айниқса, фискалларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш борасида белгиланган тартиб билан уйғунлаштирилганда соҳтакорликлар кўп бўларди. Бу ҳақда, хусусан, барча ҳолларда ҳам хуфёна юритишни афзал билган обер-фискал Нестеровнинг порахўрлиги фош бўлиб, у қатл этилганлиги ҳам далолат беради.

Фискал хизматини ривожлантириш билан мутаносиб равишда назорат фаолиятининг янада такомиллашган шаклини, энг аввало, унинг оммавийлиги ва ошкоралигини кучайтириш йўналишида янги усуллар топиш ишлари олиб борилди. 1715 йилдаёқ генерал-тафтишчи лавозинининг таъсис этилганлиги бу борадаги жиддий қадам бўлди. Тарихчиларнинг фикрига кўра бу лавозим «генерал-прокурор»нинг бевосита ўтмишдошидир. Пётр 1 фармонида қуйидагича таъкидланган: «Василий Зотов Бош тафтишчи ёки фармонлар ижросининг кузатувчиси деб эълон қилинади, кўрсатилганларнинг ҳаммаси бажарилиши, лозим». Бироқ, Пётр 1 киритган ушбу янгилик бесамара бўлиб чиқди. Бунга асосий сабаб — одамлар танлашдаги хатолик бўлди. Замондошларининг далолат беришича, Василий Зотов ўзининг салбий хусусиятлари туфайли зиммасига юкланган масъул вазифаларни удалашга қодир бўлмаган.

1717 йилда генерал-тафтишчи лавозими барҳам толиб, давлат назоратининг мақбул шаклини қидириш давом эттирилди. Назорат вазифалари, масалан, Сенатнинг обер-котиби ва ҳатто гвардия офицерлари зиммасига юклатилди. Офицерлар ҳар ойда галма-гал Сенатга юборилар эди. Генерал-прокурор ва обер-прокурор лавозимлари Пётр 1 томонидан 1722 йил 12 январда таъсис этилган. (1996 йилдан бошлаб ушбу сана «Россия Федерациясининг прокуратураси ходимлари куни» сифатида нишонланади). 1722 йил 27 апрелда эса, «Генерал-прокурор лавозими тўғрисида» фармон чиқарилиб, унда янги муассасанинг фаолияти батафсил регламентланди.

Фармон чиқарилиши учун олдиндан катта тайёргарлик ишлари олиб борилди, жумладан, хорижий тажриба синчиклаб ўрганилди. Унга Россиядаги воқеликни ҳисобга олган ҳолда танқидий баҳо берилганлигини таъкидлаш айниқса муҳимдир. «Генерал-прокурор лавозими» деб номланган фармон лойиҳасининг олти таҳрири сақланиб қолган. Ушбу ҳужжат устида Пётр 1 шахсан пухта ишлади. Пировард натижада, янги лавозимнинг номланишини истисно қилганда, асосан Францияда қонунларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш тажрибаси баён этилган биринчи таҳрирдан деярли ҳеч нарса қолмади.

Генерал-прокурорнинг мақомини, фаолияти характери ва вазифаларини белгилаб, Пётр 1 ушбу лавозим турмушимизнинг ўткир кўзи ва давлат ишларининг мутасаддис бўлади деган мазмунда жуда мантиқий ва лўнда таъриф берган. Фармонда давлат миқёсидаги конкрет мансаб ҳақида гап борса-да, амалда марказий органларни ҳам, маҳаллий органларни ҳам назоратга олувчи бутун бир тизим яратилди. Унга бевосита давлат бошлиғига ҳисобдор бўлган Ҳукуматни бошқарувчи Сенатнинг генерал-прокурори бош этиб тайинлади. Сенат сафида генерал-прокурорнинг ёрдамчилари — обер-прокурорлар ҳам бор эди. Кейинги бўгин — ҳайъат прокурорлари ва губернялардаги суд органларининг прокурорлари.

Сақлаб қолинган фискал хизмати, моҳиятан олганда, эндиликда прокуратура тасарруфига ўтказилди. Генерал-прокурорга Сенатнинг қонунларга (подшо фармонлари ва регламентларига) эид бўлган қарорларига протест келтириш ва ҳатто подшога дарҳол маълум қилган ҳолда

уларнинг амал қилишини тўхтатиш ҳуқуқи берилди. Генерал прокурор лавозими тўғрисидаги фармонда қимнидир асосиз маломатга қўймаслик мақсадини кўзлаб, ушбу нозик масалада шошмашошарлик қилмаслик ҳақида огоҳлантирилган. Шу билан бирга прокуратура зиммасига Сенат қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барча давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ижро этилишини кузагиб бориш вазифаси юклатилди. Генерал-прокурор ҳозирги замон тили билан айтганда, қонунчилик ташаббуси билан чиққани ҳоллари ҳам маълум.

Масалан, эман дарахтидан фақатгина кемасозлик мақсадларида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги қоида амалда бўлган бир пайтда Москвада эман дарахтидан кесилган ўтинлар сотилаётганлигини аниқлаган Генерал-прокурор Сенатга тегишли тақдимнома киритган. Оқибат натижада конкрет иш («бундай сотувчиларни ушлаш») бўйича қарор қабул қилинди дегани эмас, балки замонавий қилиб ифодаланганда, эманзорларни қўриқлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳам юзага келди.

Пётр 1 ўзи яратган прокуратурани юксак даражада қадрлаган. Бу ҳақда фармондаги қуйидаги норма ҳам далолат беради: «Генерал-прокурор ва обер-прокурорлар бизнинг суддан ташқари ҳеч қандай суд тасарруфида эмас».

Шундай қилиб, 280 йил муқаддам (1722 йил) ягона, қатъий марказлашган, маълум мазмунда қонунлар ижроси устидан назоратнинг ноёб тизими бўлмиш умумдавлат Россия прокуратураси дунёга келди. Олий давлат назоратининг шакли («давлатнинг кўзи») бўлган ушбу тизим ислоҳотчи-подшо амалга ошираётган туб ўзгаришлар шароитида амалдаги ҳуқуқ-тартиботни сақлашга, уни мустаҳкамлаш учун кўмаклашишга даъват этилганди.

Прокуратура давлат органлари тизимида тезда муҳим ўрнини эгаллаганлигига кўп жиҳатдан унинг раҳбари беҳато танланганлиги ҳам сабаб бўлди. Бу лавозимга граф Павел Иванович Ягужинский тайинланди. У ҳам Пётрнинг кўплаб сафдошлари каби таниқли бўлмаган уругдан — литвалик камбағал органчи оиласидан эди. Ақлли, туйғун, хушфеъл Павел Ягужинский, таъбир жоиз бўлса, ўзини ўзи яратган кишилар жумласига киради. Жуда

саводхон бўлиб, бир неча тилни биларди. Ўзининг ҳайратга соладиган мансаб зинапоясининг дастлабки поғонасида Пётрнинг навқари, гвардия офицери бўлиб хизмат қилган. Подшонинг дипломатияга доир муҳим топшириқларини бажарган, хорижий сафарларида унга ҳамроҳлик қилган. Тарихчи В. О. Ключевский Ягужинскийни назарда тутган ҳолда Сенат эмас, балки Генерал-прокурор бутун бошқарув филдирагини ҳаракатга келтирувчи кучга айланиб қолди, деб таъкидлаган эди. Кўпгина замондошлари Ягужинскийни подшодан кейин давлат бошидан турган иккинчи шахс деб ҳисоблашарди.

Пётр I ўлимидан кейин прокуратура тақдири осон бўлмади. Унинг аҳамияти камситилди ва ҳатто йўққа чиқариб қўйилди. Айрим йиллар Генерал-прокурор лавозими бўш турди, прокуратура эса амалда бекор қилиб қўйилди. Қизиқ бир ҳолат. Россия давлатчилиги дармонсизланиб давлат тузилиши ва бошқарувда бош-бошдоқлик, тўс-тўполон ҳукм сурган, сиёсат эса, кўп жиҳатдан подшонинг инжиқликлари ва яқин атрофидаги кишиларнинг хийла-найранглари билан белгиланган бир пайтда прокуратура заифлашди. Масалан, Екатерина I бошқарган йилларда, Анна Леопольдовнанинг регентлиги даврида шундай бўлди. Ва аксинча, Россия давлатчилигининг юксалиш даврида, қонун ҳужжатлари интенсив такомиллаштирилган пайтда қудратли магнатлар ва амалдорларнинг ўзбошимчалиги маълум даражада чегараланди, прокуратура учун яхши дамлар бошланиб, унинг жамият ҳаётидаги роли кескин ошди.

Екатерина II ҳукмронлик қилган давр фикримизга далилдир. У Генерал-прокурорга мурожаат этиб, «чексиз ишончимдан фойдаланишингиз керак» деб таъкидланган. Екатерина II даврида Генерал-прокурор нафақат бошқа мансабдор шахслар ва давлат муассасаларидан юқори кўтарилди, балки прокуратуранинг ваколатли назорат органи сифатидаги иерархия тизими ҳам шакллантирилди. Генерал-прокурор лавозимини борган сари кўпроқ таниқли зотларнинг вакиллари эгаллай бошлашди. Уларнинг фамилиялари Россия тарихи билан озгина бўлса-да таниш кишига кўп нарсадан дарак беради: А. А. Вяземский, А. Н. Самойлов, А. Б. Куракин, А. А. Беклешов...

1801 йил сентябридан 1803 йилнинг октябригача Генерал-прокурор (ва адлия вазири) лавозимини Гавриил Романович Державин эгаллаганлиги алоҳида диққатга сазовор. Ҳа, гап айна ўша машҳур қасидалари ва ўткир сатиралар муаллифи Державин ҳақида бормоқда.

Айтиш лозимки, ислоҳотгача (1864 йилдаги суд ислоҳоти назарда тутилмоқда) прокуратура катта кучга эга бўлиб, давлат тузилиши механизмида, ҳокимият ва бошқарувни ташкил этишда муҳим ўрин эгаллаган. Таниқли рус ҳуқуқшуноси Анатолий Фёдорович Кони, масалан «ўрта», яъни губерня бўғинида прокуратуранинг ролини қўйидагича таърифлаган: «Губерня прокурори саройда рўзгор ишлари билан шуғулланувчи ходимлар билан бирга маҳаллий ҳокимият муассасасини ташкил этарди. Мазкур муассаса барча хизмат жойлари устидан назорат олиб борарди. Прокурорнинг «ўқидим» деган машҳур белгиси мавжуд бўлсагина уларнинг ҳужжатлари қонунга мувофиқ деб эътироф қилиниб, ижро этиларди...». Муаллиф фикрини давом эттириб «ёзадими, губерня маҳаллий бошқарув орасига юборилган маказий ҳукумат ҳокимиятининг делегати бўлиб, ўз бурчини англаган ҳолда ўзини «давлатнинг кўзи» деб ҳисоблаши учун барча асосларга эга эди».

Россиядаги 1864 йилги суд ислоҳотлари даврида прокуратуранини ташкил этишнинг Фарбий Европа варианты қабул қилинган бўлиб, унинг назорат вазифалари кескин чегараланди, прокуратура асосан жиноятни таъқиб этиш органига айланиб қолди. Маълумки, тарих турли вариантлар ва жанрларда такрорланади. Яқингинада ҳозирги Россия прокуратураси тамойилларини шакллантириш пайғида учига чиққан «ғарб тарафкашлари»нинг овозлари яна янграб қолди. Улар тараққий этган мамлакатларнинг тажрибасини рўқач қилиб, яна кўчирмачилик йўлидан боришни таклиф этдилар.

Шу муносабат билан яна А. Ф. Кони фикрига мурожаат қиламиз. «Суд уставларининг отахонлари» деб айтган эди у, прокуратуранинг аввалги жуда кенг миқёсли назорат вазифаларини бекор қилиб, «катта хато»га йўл қўйдилар. Прокуратуранини ташкил этишнинг хорижий намуналарини ўйламай-нетмай кўр-кўрона кўчириш «эхтимол, назорат нуқтан назаридан жуда чиройли бўлса керак, бироқ бизнинг маъмурий ҳаётимизнинг шарт-шароит-

ларига зид бўлиб, губерня тузилишининг ички эҳтиёжларига тескари эди. Чаналакзорга айланиб кетган супурги ўтлар ва қуриган дарахтлардан қутулиб, уларнинг ўрнида ёш ниҳоллар учун тезроқ жой очиш жазавасида ўрмонни қўриқлаб турган эман чопиб ташланди... «Бундай доно мушоҳада, бизнинг ҳозирги кунимиз учун ҳам долзарб бўлиб чиқди».

1917 йил ноябрида Россия прокуратураси навбатдаги гал бекор қилинди. Аммо, 1922 йилдаёқ, вақтинча чекланган доирада бўлса-да, ҳам қонунлар ижроси устидан назорат қилиш, ҳам жиноятни таъқиб қилиш вазифалари билан қайта тикланди. Бош прокурор ва Адлия халқ комиссари лавозимлари бирлаштирилди. 1933 йилдан бошлаб, прокуратура бошқа давлат-ҳуқуқ тузилмалари доираларидан мустақил, ҳоли орган сифатида амал қила бошлади. Секин-аста ушбу назорат органининг вазифалари ва ваколатлари кенгайтирилди, қонунчилик ҳокимияти томонидан назорат қилиниши кучайтирилди. Бу ҳол 1955 ва 1979 йилларда қабул қилинган норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIV боби прокуратурага бағишланган бўлиб, унинг 118-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар».

Прокуратура зиммасидаги вазифалари — қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлат манфаатларини юридик воситалар билан муҳофаза қилишдан иборат. А. Ф. Қони берган иборали таърифга кўра прокурор «қонунни жонли эслатувчисидир». Ушбу вазифани Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ҳам, энг чекка туман прокурори ҳам ўз ваколатлари доирасида бир ҳилда бажарадилар.

Сўнгги пайтларда назарий ишларда прокурорлик назорати жамиятда юз берадиган жуда хилма-хил ва мураккаб жараёнларни бошқариш учун ўта зарур бўлган давлат назорати турларидан биридир, деган фикр борган сари қатъий тус касб этиб бормоқда. Маълумки, бошқа-

рувни турли усулларда амалга ошириш мумкин. Ҳарбий бошлиқ ўзига топширилган бўлини ҳаракат қилиши учун буйруқ беради: мактаб қўнғироғи ўқувчиларга та-наффус тутаганлиги ва ҳамма ўз ўрнига бориб ўтириши кераклигидан дарак беради. Ҳукумат фармойишига би-ноан табиий офатдан зиён кўрган минтақа аҳолисига за-хира фондидан қўшимча пул маблағлари ажратилади: Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз фармони билан муайян шахсни вазир лавозимига тайинлайди ва айти шу орқали унга бирор бир тармоққа раҳбарлик қи-лишни топширади...

Бунинг ҳаммаси бошқаришга киради. Бироқ, бошқариш (В. И. Далнинг таърифича йўл, йўналиш кўрсатиб, идо-ра қилиш) бошқача тарзда ҳам бўлади. Масалан, ҳарбий хизматчилар, ўқувчилар, минтақалар ёки вазирларнинг... ҳаммасига (муайян қисмига) дахлдор умумий, кўп марта фойдаланишга мўлжалланган, аниқ бир одамга тегишли бўлмаган нормаларни, қоидаларни татбиқ этиш орқали ҳам бошқариш мумкин. Бу усул барча учун: ҳарбий бош-лиқлар учун ҳам, мактаб директорлари ва ҳатто Ҳукумат ва Президент учун рўёбга чиқариш орқали амалга оши-рилади. Қадимги ҳуқуқшунослар айтганидек, *ad ea debeat adaptariyus, quae frequenter eveniunt* — қонунлар тез-тез учраб турадиган ҳолларга мўлжалланган бўлиши керак.

Прокуратура қонунлар тўғри, бир хилда ижро этили-ши устидан кузатиб боришига, ким бўлишидан қатъи-назар, қонунбузарларни топишга, қонунбузарликларга барҳам берилишини талаб қилишга, бунга йўл қўйганлар-ни жавобгарликка тортиш масаласини кўтаришга даъват этилган.

Қонунда фуқаролар, давлат, унинг органлари, ҳар қан-дай юридик шахс ҳатти-ҳаракатларининг энг мақбул вари-антлари тўғрисидаги тасаввур ўз ифодасини топади. На-фақат фуқароларнинг қонун олдидаги жавобгарлиги, бал-ки давлатнинг ҳам фуқаролар олдидаги жавобгарлиги кайд этилади. Қонун бутун жамият ҳаётининг устунидир. Интизом ва жамоат тартиби бевосита қонунларнинг ҳола-тига, уларга қай даражада риоя этилишига боғлиқ, фуқа-ролар, давлат, жамият манфаатлари химояси қонунлар ёрдамида таъминланади. Ижтимоий барқарорлик ва жа-мият тараққиётининг замирида қонунга риоя этиш ётади.

Одамлар қонунларнинг аҳамиятини қадимги даврдаёқ яхши англашган. Қонунни ҳурматлаш руҳида тарбиялаш мукаммал фуқарони шакллантиришнинг шартларидан бири ҳисобланган. Афина аҳолиси вояга етгач, қасамёд қабул қилган. Унинг матнида жумладан: «Мен доимий амал қилувчи ҳокимиятга бўйсунаман, мавжуд қонунга, шунингдек халқ келишиб қабул қиладиган янги қонунларга итоат этаман» деган сўзлар бўлган.

Мамлакатимиз бошдан кечираётган ўтиш даврида қонунларга аниқ риоя этиш алоҳида аҳамият касб этади. Уюшқоқлик, бошқарув қарорлари ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган, ҳуқуқни татбиқ этишнинг бир хилдаги амалиёти мавжуд бўлган шароитлардагина ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Қисқача қилиб айтганда, ислоҳотлар самарали ўтказилиши учун қонунийлик ва барқарор ҳуқуқ-тартибор зарур. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деб номлаган фундаментал асарларида таъкидлаганларидек: «Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуслик, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид тугдиради».

Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикаларда ҳозир кузатилаётган салбий кўринишлар барчанинг эътироф этишича ислоҳотлар ҳаддан зиёд қимматга тушаётганидан далолатдир. Бундай аҳволга кўп жиҳатдан ислоҳотлар учун ҳуқуқий база тайёрланмаганлиги, қонунга нисбатан нигидистик муносабат оқибати сифатида изоҳ бериш мумкин. Қонунга ҳурматсизлик иқтисодиётдаги тангликнинг асосий сабабларидан бири бўлди. Иқтисодиётда танглик ўз навбатида қонунийликдаги тангликни юзага келтирди.

Қонунийлик соҳасидаги танг аҳвол қонунчилик аҳволининг қониқарсизлиги билан боғлиқ эканлиги, шакшубҳасиздир. Ҳозир мавжуд қонунларимиз ҳақиқатан ҳам маромига етган тугал тизим эмас, анчагина нуқсонларга эга, баъзида бир-бирига зид келиб қолади. Умуман

олганда аҳвол кўнгилдагидек эмас, албатта, унга имкон қадар тезроқ барҳам бериш керак.

Бирок, бу асосий муаммо эмас. ҳозирги қонушлар, афсуски, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, фуқароларнинг оспини қонунга итоат руҳида шакллантиришни таъминлаш, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, тадбиркорликни ривожлантириш имконини бермайди, мазмунидаги гап-сўзлар, моҳиятан олганда, ўқувсиз раҳбарликни, жамиятнинг барча қатламларини чулғаб олган салбий ижтимоий кўринишларни, тартибсизлик, жазосизлик, ҳуқуқий нигилизм вазиятига барҳам беришда бошқарув тузилмалари ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларининг ҳаракатсизлигини ниқоблашга уринишдан бошқа гал эмас.

Қонунларни таққид қилиш мумкин ва керак. Соғлом, амалий таққид, шак-шубҳасиз, қонунларни такомиллаштириш учун замин яратди. Бирок, амалдаги қонун ҳужжатларига ҳолис баҳо беришни ҳам унутмаслик лозим. Ҳолис баҳо эса, қанчалик ноизчил, зиддиятли, нуқсонли бўлмасин, мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт учун зарур бўлган барқарор ҳуқуқий тартибни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг пухта ҳимоясини таъминлаши мумкинлигидан далолат беради.

Винобарин, ҳамма иллат, энг аввало, жамиятда таркиб, топган қонунга нисбатан муносабатда, барча жойларда кенг тарқалган қонунларни бажармаслик, уларнинг талабларини писанд қилмасликда. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, башарти, қонунларнинг ижроси яхши йўлга қўйилмаган бўлса, хатто энг мукаммал қонунлар ҳам самара бермайди. Ва аксинча, мукаммал қонун ҳужжатлари мавжуд бўлиб, уларга қатъий риоя этилса, доимо яхши натижалар кутиш мумкин.


Қонунларни ижро этиш шартлиги исбот талаб қилмас ҳақиқат. Шунга асосланган ҳолда Президент И. Каримов таъкидлаганларидек, «Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам буздан иетино эмас. коррупцияга ва жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига биздаги қизиқиш асло бежиз эмас. Албатта, бу борада кенг тарқалган ва умум эътироф этилган бир фикрни, яъни тоталитаризмдан демократия ва бозор муносабатларига ўтишдек мураккаб давр моҳиятан асосий сиёсий, иқтисодий ва маданий тузилмаларни син-

дириб ташлашни англатади, бу эса ахлоқ-одоб меъёрларига салбий таъсир этади ва жиноятчилик ва коррупция муқаррар равишда кучаяди, деган хулосани, эслатиб ўтиш мумкин. Лекин бу ҳодисалар давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва пировардида ёш истиқлолимизга қандай таҳдид солишини чуқур тушуниш учун, афтидан, биргина шу таърифнинг ўзи камлик қилади».

Негадир турли вақтларда керакли натижага қонунда ифодаланган қондаларни изчил бажариш орқали эмас, балки ёлғончилик, юлғичлик, зўравонлик, оғдириш йўли билан тезроқ эришиш мумкин, деб ҳисобланган.

Кўпгина мамлакатлар, шу жумладан, янги «ғарб тарафкашлари» томонидан тажрибаси кўкларга кўтарилаётган мамлакатлар ҳам юқоридаги ҳолатга дуч келадилар. Бироқ, собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикаларда қонунларни ижро этмаслигининг ҳалокатли оқибатлари яққол ва хавfli намоён бўлмоқда. Бу айниқса ўтиш даврига хосдир. Ижтимоий ҳаётнинг қайси томони олиб қарамайлик, кузатилаётган хатолар, нуқсонлар, салбий ҳодисалар ва жараёнлар қонуннинг ижро этилмаслиги билан бевосита боғлиқ эканлигини кўриш мумкин, ҳуқуқий талаблар бажарилмаслиги оқибатида иқтисодиётда солиқ тўловини амалга оширмаслик тизими вужудга келиб, ишлаб чиқариш асосларининг қўпорилишига, иш ҳақи тўлашнинг оммавий тарзда кечиктирилишига сабаб бўлди.

Қонунларни бузиш, масалан, Россия капиталининг мисли кўрилмаган миқёсда хорижга оқишини келтириб чиқарди. Қонунга итоатсизлик фермер хўжалиklarини ривожлантиришни жиддий заифлаштириб, амалда таҳдидга солиб қўйди. Қонун ҳужжатларини қўпол бузиш замирида фуқароларнинг омонатларини жамлайдиган ташкилотлар (жамғармалар, банклар, фирмалар) тузиш амалиётини юзага келтирди. Бундай ташкилотларнинг раҳбарлари ўзларига мақбул «пирағида»ларни қуриб, миллионлаб соддадил омонатчиларни доғда қолдиришди. Собиқ иттифоқдош республикаларда солиқларга доир қонунларга риоя этмаслик бюджетдаги йўқотишларга сабаб бўлмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, мудофаа, маданият, фан, тиббиёт каби соҳаларни, асосий ижтимоий дастурларни моддий таъминлашда узилишлар пайдо бўлмоқда.



Еш давлатлар, уларнинг бошқарув тузилмалари мамлакатни чулғаб олган қонунсизлик денгизига бамайлихотир қараб ўтирибдилар, деб бўлмайди. Давлатлар ялпи ҳуқуқбузарликлар, айниқса жиноятчилик сони ортиб бораётганидан жиддий ташвишдалар. Қонунларга риоя этиш масаласида юзага келган ўта номақбул бир вазиятда жиноятчиликка қарши кураш умуммиллий муаммо эканлиги, ниҳоят, давлат даражасида реал эътироф этилди. Қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Прокуратура амалга оширадиган назорат фаолиятининг хос хусусиятлари нималардан иборат?

Прокуратура назорати жуда кам ҳолларни, масалан, конституцион назоратга даҳлдор масалаларни истисно қилганда, ҳуқуқий муносабатлар соҳаларининг деярли барчасига татбиқ этилиши сабабли умумий, кенг қамровли ҳисобланади. Прокуратура ҳуқуқий тартибга солиш воқитлари иерархиясида энг юқори ўринда турадиган қонунларнинг ижросини назорат қилади. Нафақат конкрет юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар (масалан, директорнинг муайян ходимни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғи), балки кўп марта қўллашга мўлжалланган барча қонун ости норматив ҳужжатлар ҳам (масалан, вазирлик ва идораларнинг йўриқномалари, қоидалари, низомлари ва шу кабилар) қонунларга мувофиқ бўлиши керак.

Прокуратура — жамиятнинг норматив ҳаёти учун ўта зарур бўлган «вазминлик ва қарама-қаршилиқлар» тизимининг муҳим бўғинидир. У ўз фаолияти билан ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўзаро ҳамкорлик қилишларида, «энига» ҳам, «бўйига» ҳам ягона давлат ҳокимияти сифатида келишган ҳолда амал қилишига кўмаклашади. Прокуратура органлари ўз ваколатларини давлат ҳокимияти органларига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат бирлашмаларига тобе бўлмаган ҳолда мустақил ва Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида амалда бўлган қонунларга қатъий риоя этган ҳолда амалга ошириш принципиал жиҳатдан ниҳоятда муҳим.

Баён этилганлар прокуратурани қатъий марказлаштириш, қуйи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурорига бўйсунган ҳолда ягона тизим сифатида фаолият кўрсатиши объектив зарурат эканлигидан далолат беради.

2-БОБ.

АМАЛДАГИ ҚОНУН НУҚТАИ НАЗАРИДАН.

Мазкур бобда узоқ йиллар давомида прокуратуранинг умумий назорати деб аталган фаолият ҳақида гап боради. ҳозирги вақтда ушбу атама қонунда ишлатилмаган бўлса-да, кундалик амалиётда ундан кенг фойдаланилади. Биз ҳам шу одатга амал қиламиз. Масаланинг моҳияти эса, қуйидагича:

Прокурорлик назоратининг жуда кенг соҳаси мавжуд бўлиб, унинг зиммасидаги вазифа — Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари ва идоралари, вакиллик (қонун чиқарувчи) ва ижроия органлари, Маҳаллий ўзини ўзи боқариш органлари, ҳарбий бошқарув органлари, назорат органлари, уларнинг мансабдор шахслари қонунларни қандай ижро этаётганликларини кузатишдан, шунингдек, улар қабул қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар қонунларга қай даражада мувофиқлигини текширишдан иборат. Ушбу тармоқ доирасида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилишини назорат қилиш нисбатан мустақил йўналишдир. «Умумий» деб аталиши, эҳтимол, унчалик ҳам маъбул ифода бўлмаса керак. Бироқ, унутмаслик керакки, ҳар қандай маҳсус атама ёки бу даражада шартли бўлиб, жонли ҳаётнинг барча қирраларини, ўзи англатаётган ҳодисанинг барча белгилари, аломатлари ҳамда нозик томонларини ифода қила олмайди. Бу жуда конкрет фаолият бўлиб, ўзининг аниқ белгиланган доирасига, объектлари ва субъектларига, услуб ва шаклларига, кўзга ташланадиган натижалари ва бошқа шу кабиларга эга. Агар яқин ўтмишда умумий назорат тушунчаси прокурорлик тизимини умуман бадном этиш учун нотўғри талқин этилганлигини ҳисобга олсак, юқоридаги ҳодат алоҳида такидлашга лойиқ.

Ушбу бобнинг сарлавҳаси сифатида фойдаланилган: «Амалдаги қонун нуқтаи назаридан» деган жумла қадимги римликларнинг формуласидир. Прокуратура айти мана шу мавқедан туриб, Ўзбекистон формуласидир. Прокуратура айти мана шу мавқедан туриб, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, вакиллик (қонун чиқарувчи) ва ижроия органларининг, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда санаб ўтилган бошқа органларнинг

индивидуал қарорлари ва ҳуқуқий ҳужжатларига баҳо беради. Булар жумласига ижроия ҳокимиятининг кўп сонли органлари, маъмуриятлари ҳамда туманлар ва шаҳарлар ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларининг, итсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя қилинишига даҳлдор масалаларда эса, ҳозир мавжуд бўлган юзлаб ва минглаб тижорат, нотижорат ташкилотларининг бошқарув органлари ҳамда раҳбарларининг қарорлари, низомлари йўриқномалари, қондалари, буйруқлари, фармойишлари, юридик аҳамиятга молик бошқа хатти-ҳаракатлари ва ҳужжатлари киради.

Шундай дейиш мумкин: прокурорлик назоратининг тор иқтисослашган тармоқларида прокурорлик вазифалари амалга ошириладиган соҳаларни истисно қилганда, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар умумий назорат соҳасидир.

Прокуратура «амалдаги қонун нуқтаи назаридан» ишлаб чиқариш ва истиснолмога, меҳнат ва мулкка доир муносабатларда, савдо-сотиқ, молия, солиқ, ҳокимият ва бошқарув, назорат, ижтимоий таъминот, таълим, тиббий хизмат кўрсатиш, ердан фойдаланиш, атроф табиати, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларда юқорида санаб ўтилган ҳуқуқни татбиқ этиш субъектларининг хатти-ҳаракатлари ва ҳужжатларини кузатиб боради.

Умумий назорат амалдаги қонунларнинг катта қисмини қамраб олади. Бу фаолиятнинг жамиятдаги умумий муҳитга, бутун ижтимоий ҳаётнинг ривожига бевосита ва жиддий таъсир кўрсатиш хусусияти ҳақида гапириб ўтмаслик мумкин эмас.

Умумий назорат ижтимоий муносабатларини тартибга солиш механизмининг зарур элементи сифатида фуқаролар ҳаётининг реал шарт-шароитларига, жамиятда амалга оширилаётган ва ижтимоий иқтисодий ўзгаришларнинг самараси ҳам кўп ҳолларда прокуратурани тутган мавқеига боғлиқ бўлади. Агар улар тегишли даражада қонун билан таъминланмаган бўлса, жамиятда тараққиётга эришиш мумкин эмас. Прокурорлик назорати қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот қарор топишида фаол қатнашиш орқали нобарқарорликни келтириб чиқарувчи кучни тийишга таъсир кўрсатади, жамият турмуш фаолиятининг мақбул режими-

ни сақлашга кўмаклашади, жамиятда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳуқуқий жиҳатдан самарали қўллаб-қувватланишини таъминлайди.

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фаолиятида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва тадбиркорликни ривожлантириши, бозор муносабатларини қарор топтириш ва такомиллаштириши ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга алоҳида ўрин берилди. Хусусан, прокуратура давлат мулкни хусусийлаштириш амалиётида кенг тарқалган сунистеъмолликларга қарши мурасасиз мавқени эгаллади. Юлғичларнинг фикри-ҳаёли равшан: мулк тақсим қилинмоқда, имкониятни бой бермаслик керак. Бироқ, бу ишга ҳуқуқни аралаштирмаслик маъқул, акс ҳолда иш чаппасига кетади.

Мулкни — давлат мулки ва жамоат мулки шаклида ўзгартириш борасида биринчи амалий қадамларга нисбатан дастлабки давлардаёқ собиқ Иттифоқ таркибида бўлган республикаларда турлича муносабат билдирилганлиги замондошларимизни хотирасида яхши сақланган. Матбуотда қатор танқидий мақолалар пайдо бўлиб, уларда хусусийлаштириш жараёни айрим йўналишларининг моҳияти давлатга қарши қаратилганлиги фош қилинди. Афсуски ўша даврда хусусийлаштириш тарафдорларининг ҳатти-ҳаракатлари прогрессив эканлигини, хусусийлаштириш мамлакат тақдири учун катта ижобий таъсир кўрсатишини ёқловчиларнинг палласи тош босди. Фақатгина ҳозирга келиб, давлат газнасини тўлдиришда хусусийлаштиришнинг улۇши оз эканлиги, қачонлардир умум-халққа қарашли бўлган мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга доир ҳужжатлар мазмунан жинойий тусда эканлиги аён бўлиб қолгандан кейин жиддий хатоликлар тўғрисида ва ҳатто иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг муҳим йўналиши зил кетганлиги ҳақида жар сола бошлашди. Ваҳоланки, Прокуратура назорат органи сифатида хусусийлаштиришнинг энг бошиданоқ жиддий сунистеъмолликлар тўғрисида бонг урганди.

Солиқларга доир қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш масаласига прокуратура ишла муҳим эътибор қаратилмоқда. Маълумки, солиқлар бюджетни тўлдиришнинг асосий манбаидир. Давлатнинг моддий фаровонлиги кўп жиҳатдан солиқ интизомининг ҳолати билан белгиланади. Ачинарлиси шундаки, назорат

қилувчи органлар текширув ўтказилган ҳар бир корхона ва ташкилотда солиқларга доир қонунлар бузилаётганлигини аниқламоқдалар. Воситачилик, кредит-молия, савдо-харид фаолиятида фойдани яшириш, камайтириб кўрсатиш, қўшимча банк ҳисобварақлари очиш, солиқ органларида қайта рўйхатдан ўтиш, солиқлардан бўйин товланинг бошқа шакллари кенг тарқалган. Солиқ органлари кўпинча айрим солиқ тўловчиларга асоссиз равишда имтиёзлар белгилайдилар ва ҳатто уларни солиқлардан озод ҳам қиладилар. Прокуратуранинг ташаббуси билан ҳар йили минглаб бундай қонунбузарликларга барҳам берилади.

Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назорат прокуратура фаолиятида алоҳида ўрин тутаяди. Ташқи савдони эркинлаштириш борасида назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташкилий вазифалари белгиланмаган. Ташқи савдони амалга оширишда қонунбузарлик кенг тарқалди. Ушбу соҳадаги нуқсонлар аксарият ҳолларда ўнглаб бўлмас моддий зарарлар келтириб чиқармоқда, давлатнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ташқи савдо операцияларида катта улушни ташкил этадиган стратегик муҳим ашё товарларини ғайриқонуний экспорт қилиш ёш давлатларга катта зиён келтирмоқда. Товарлар кўпинча демпинг нархларида сотилади. Гап нефть, ёғоч металллар ва бошқа қимматли материаллар ҳақида бормоқда. Валютани чет элга ўтказиш ёки у ерда қолдириш учун турли-туман усуллардан фойдаланилмоқда. Ушбу мақсадларда банкнинг рўхсатсиз хорижий банкларда ҳисобварақлари очилмоқда, валюта тушумлари қўшма корхоналарнинг муассислари бўлмиш хорижий инвесторларнинг ҳисобига ўтказилмоқда, валюта операциялари товарларни айрибош қилиш ниқобида амалга оширилмоқда ва бошқа шу кабилар.

Прокуратура органлари ташқи иқтисодий фаолиятга доир қонун ҳужжатларнинг бузилганлиги ҳолларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш юзасидан катта куч-ғайрат сарфламоқдалар. Ушбу фаолиятни тавсифловчи статистик маълумотлар ҳозирча унча кўп эмас, мазкур йўналишнинг янги эканлиги, ташқи иқтисодий фаолиятнинг кўпгина жиддий томонлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаганлиги, назорат услубиётининг мураккаблиги ўз

таъсирини кўрсатмоқда. Бироқ, назорат амалиёти кўрсаткичларининг динамикаси прокурорлар ҳатти-ҳаракатлари изчил интенсивлигининг барқарорлигидан, прокурорлар воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириши ўткирлашганидан далолат беради. Хусусан, ташқи иқтисодиётга доир қонун ҳужжатларини бузган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш чораси тез-тез қўлланадиган бўлиб қолди.

Прокуратура кредит-молия муносабатлари каби бевоқиф бозор соҳасига доир қонунларнинг ижроси устидан ҳам кузатув олиб боради. Сўнгги йилларда уларнинг криминал туси кескин ошди. Қалбаки авизо онда-сонда учраб турсада, умуман улар атрофидаги шовқин-сурон босилди. Бироқ, бошқа қонунбузарликлар: талон-тарож қилиш, мансабни сунистеъмом қилиш ва айниқса порахўрлик сақланиб қолди дегани эмас, балки уларнинг кўлами кенгайди ҳам. Банклар кўп ҳолларда узоқ вақт лицензиясиз ишлайди. Имтиёзли кредитлар олиши керак бўлган одамлар кўпинча четда қолиб, бошқаларга бериб юборилади. Банклар томонидан даромадларни яшириш кенг кўлам касб этган.

Банкларнинг миждозлар топшириқларини бажариш муддатларини бузиши иқтисодиётга, ижтимоий соҳага катта зиён етказмоқда.

Сўнгги вақтда солиқлар ва бюджетга бошқа тўловларни ўтказиш бўйича банк операцияларини қалбаки расмийлаштириш амалиёти борган сари кенгаймоқда. Тўловчи тўловни беками-кўст амалга оширади, банк унга тегишли ҳужжатларни топширади, маблағ эса бюджетга эмас, мутлақо бошқа жойга, қоида тариқасида, тижорат тузилмаларига кетади. Бунда назоратнинг бўшлиғига, жазонинг номуқаррарлигига таянилади, шунингдек кутилмаганда банкнинг ёпилишига умид қилинади, агар шундай ҳолат юз берса, ишнинг на боши, на охири топилади. Банк соҳасидаги вазиятга сўнгги вақтларда прокуратуранинг эътибори борган сари кўпроқ қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда прокуратура мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назорат қилиш бўйича ўз куч-гайратини сезиларли даражада кучайтирди. Мамлакатда иқтисодий ўзгаришлар ривожланишининг суръатлари кўп жиҳатдан мулкдорларнинг ҳуқуқларига аниқ

ва ҳамма жойда риоя этилишига боғлиқ. Мулкдорларнинг мустақиллиги уларга берилган ҳуқуқларнинг мазмуни билан таъминланади. Мулкнинг чекланишига фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимига ҳос бўлган волюнтаризмга, мулкдорлар ҳуқуқлари соҳасига бемалол суқилишига ҳозирги замонда йўл қўйиб бўлмайди. Бироқ, ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари шу вақтга қадар ҳам товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишларига аралашини ўзларига эп кўриб, у ёки бу тарзда уларнинг ҳуқуқларини камситмоқдалар. Хусусан, мақсулотларни реализация қилиш асоссиз равишда тақиқланмоқда. Фойданинг муайян қисми ҳеч бир асоссиз маҳаллий эҳтиёжларни молиялаш учун олиб қўйилмоқда. Ҳокимият вакиллари кўпинча ижара шартномаси талабларини инкор этиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Ана шундай кўринишларнинг ҳаммасига қарши прокуратура курашмоқда, мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларига барҳам бериш учун катта куч-гайрат сарфламоқда.

Жамиятда юз берган ўзгаришларга мос равишда прокуратура ишида тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш қонуний тарзда етакчи йўналишлардан бирига айланди. Тадбиркорлик мамлакатда бозор муносабатлари қарор топиши жараёнини энг изчил тарзда намоён этади. Индаллосини айтганда, тадбиркорлик ҳозирги пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча иқтисодий ислоҳотларнинг ўзагидир. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлининг стратегик жиҳатдан асосланганлиги, чамаси, ҳозирга келиб ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Аввал бўлганидек, ҳозир ҳам асосий вазифа — тадбиркорлик дағал бозор шарт-шароитларида эмас, балки ҳақиқий бозор шарт-шароитларида амалга оширилишини кўзлаб. Ушбу жараёнга цивилизациялашган шакл беришдир. Бунинг учун ҳуқуқий нормаларнинг талабларини ижро этиш йўлида тадбиркорлик фаолиятига давлат томонидан мадад берилиши ва у ҳимоя қилиниши керак. Афсуски, бу иш хатолардан ҳоли бўлмади.

Тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ижросига эриша бориб, прокуратура тадбиркорликнинг цивилизациялашган шакллари қарор топтиришдан иб-

рат мақсадларга етишишга, унинг мавқеи мустаҳкамла-
нишига, тадбиркорликни салбий таъсирлардан ҳимоя қи-
лишга кўмаклашади. Бунга эҳтиёж борлиги шак-шубҳа-
сиз. Прокурорлик назоратининг амалиёти тадбиркорлик-
ни унинг нормал ривожланиши учун ҳалақит қилаётган
турли ғайриҳуқуқий қатламлардан имкон қадар тезроқ
тозалаш зарурлигидан далолат беради. Соҳта тадбиркор-
лик ҳозирги кунда ҳам энг кенг тарқалган кўриниш ҳи-
собланади. Тадбиркорликнинг бирор бир шакли ниқоби-
даги ушбу кўриниш бошқа мақсадни, қоида тариқасида,
жамиятга зид мақсадларни кўзлайди. Тегишли рухсат-
номасиз (лицензиясиз) ишлаш, хўжалик ширкатлари ва
жамиятларининг давлат рўйхатидан ўтиш қоидаларига
риоя этмаслиги, устав ҳужжатларида назарда тутилма-
ган фаолият билан шуғулланиш, солиқлар тўлашдан
бўйинтовлаш, ҳисобот интизомига риоя этмаслик, мажбу-
риятлар бўйича тўловлардан бўйинтовлаш ва бошқа шу
каби қонунбузарликлар тадбиркорликнинг ривожланиши-
га тўсқинлик қилмоқда. Истиқболда тадбиркорликни ри-
вожланишига, унинг ҳуқуқий базаси такомиллаштирили-
шига, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг тар-
тибига доир талабларнинг мураккаблашишига, тадбиркор-
ликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада ку-
чайтириш зарурлигига асосланиб, жуда катта ишонч би-
лан хулоса қилиш мумкинки, тадбиркорлик фаолияти тўғ-
рисидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш про-
куратуранинг назорат амалиётида етакчи йўналиш си-
фатидаги аҳамиятини яна узоқ вақт сақлаб қолади.

Табиатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари-
нинг ижроси устидан назорат қилиш прокурорларнинг
ишида муҳим ўрин тутди. Бу масала сўнгги йилларда
экологик вазият ўта кескинлашганлиги туфайли янада
муҳим аҳамият касб этди. Ишлаб чиқариш суръатлари-
нинг пасайганлигига, кўпгина корхоналарнинг ёпилган-
лиги ёки ярим қувватда ишлаётганлигига қарамай сув
ҳавзалари, ҳаво ва ернинг интенсив ифлосланиши давом
этаётганлиги кўзга ташланмоқда.

Умумий назорат доирасида прокуратура ҳуқуқни му-
ҳофаза қилиш потенциалининг катта қисмини рўёбга чи-
қаради. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ва

фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат тубдан янгилашиб бораётган жамият ҳаётининг асосий принципини рўёбга чиқаришнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Таъкидлаш жоизки, жамият ўз тарихида биринчи марта шахс манфаатларининг устуворлигига асослана бошлади. Бу — прокуратура серқирра фаолиятининг энг мураккаб участкаларидан бири ҳисобланади. Бундай ишда жамиятимиз, умуман давлат, унинг айрим органлари, шу жумладан, прокуратура бой ҳуқуқий анъаналарга эга эмас. Шу вақтга қадар ҳам инсон, шахс, фуқаро бор-йўғи «винтча» ҳисобланган ўтмиш қолдиғи сақланиб қолган.

Прокуратуранинг фуқаролар эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти тор ихтисосдаги (фақатгина солиқ ёки божхона ва шу кабиларга доир) ваколатлар билан чекланиб қолмаган. Прокурор ўзи эга бўлган воситалар ва услублар орқали ҳуқуқбузарликнинг барча соҳаларида фуқароларнинг ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди.

Прокуратура органларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари кенг қамровли бўлиб, турли йўналишлар бўйича амалга оширилади.

Ҳозирги шароитларда қонунга нисбатан ошкора нигилизмнинг кенг тарқалганлиги туфайли фуқароларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларини бузиш хавфи тус олган. Мулк шаклининг ўзгарганлиги, давлат корхоналари иқтисодиётнинг нодавлат секторига ўтказилганлиги, ҳар қандай вазиятда ҳам фойда олишни кўзловчи ахлоқнинг қарор топганлиги, меҳнатга доир ҳуқуқбузарликларнинг кўпайишига таъсир қилмасдан қолмади. Ижроия ҳокимияти органлари, тижорат ва нотижорат тузилмалар раҳбарияти томонидан ишга қабул қилиш масаласида қонунга асосланмаган чекловлар жорий этилмоқда.

Корхоналарнинг раҳбарлари ишга қабул қилиш вақтида турли шартлар қўядилар. Табиийки, бу шартлар меҳнат шартномаси (контракт)нинг матнида ўз ифодасини топмайди, бироқ ходимнинг ҳақиқий аҳволини реал белгилаб беради. Ёш аёлларга ишқий мазмундаги шартлар қўйилади. Иш кунининг давомийлиги нормадан ортқ

белгиланади. Дам олиш куни ва ҳар йилги ҳақ тўланадиган таътил берилмаслиги қўйиладиган шартларнинг биридир.

Ходим кўпинча мутлақо ҳақ-ҳуқуқсиз бўлиб қолади. Масалан, ёш сотувчининг тажрибасизлигидан фойдаланиб, сунъий равишда камомад келтириб чиқарилади. Қарзни узиш учун у сариқ чақага ишлашга мажбур, ишдан бўшаш ҳуқуқидан маҳрум.

Иш ҳақини ўз вақтида тўламаслик узоқ вақтдан бери ижтимоий кескинликнинг жиддий манбаи бўлиб қолмоқда.

Фойда кетидан қувиб, меҳнат шароитлари хавфсизлигини таъминлаш зарурати инкор этилади, натижада ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар рўй бермоқда. Қарабсизки, одамларнинг соғлиғи, баъзида эса, ҳаёти эвазига қўшимча фойда олинмоқда.

Хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этишга нисбатан муносабат ташвиш уйғотади. Уларнинг кўпчилиги оғир, зарарли иш шароитларида, тунги вақтда меҳнат қилишмоқда. Бола эмизувчи оналар ва ҳомиладор аёллар учун белгиланган шарт-шароитлар ва имтиёزلарга кўпинча риоя этилмайди. Маъмурий аксарият ҳолларда хотин-қизлар меҳнати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бажариш юзасидан ҳеч қандай чора кўрмайди.

Прокуратуранинг инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат қилиш борасидаги иш йўналишлари ҳақидаги гапни давом эттириб, фуқаро ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўладиган маъмурий амалиёт, шу жумладан, инсон шахсининг эркинлиги ва дахлсизлигини асоссиз чеклаш устида тўхтаб ўтиш зарур.

Ушбу муаммолар сўнгги йилларда борган сари кўпроқ эътиборни тортмоқда. Маъмурий таъсир чораси қўллаш ҳуқуқини олаётган органларнинг сони ортиб бормоқда, маъмурий тартибда жазо олганлар шиддат билан кўпаймоқда. Мавжуд маълумотларга қараганда ҳозир тўрт кишининг бири маъмурий жазога тортилмоқда. Айни бир вақтда жамиятда интизом суъсаймоқда, маъмурий таъсир чораси қўллаш ҳуқуқига эга бўлган органлар фаолиятининг қай даражада қонунийлиги устидан назоратнинг самарадорлиги пасайиб кетмоқда. Бундай ҳолатлар прокуратурадан маъмурий амалиёт қонун талабларига аниқ

мувофиқ бўлишига эришиш учун ўзида мавжуд бўлган воситалардан аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланиши талаб қилади. Ушбу соҳада эҳтимол тутилган қонунбузарликларнинг вариантларига баҳо берилар экан, ишонч билан айтиш мумкинки, уларнинг энг хавфлиси маъмурий тартибда ушлаш тўғрисидаги қарордир.

Маъмурий тартибда ушлаш маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юритилишини таъминлаш чоралари жумласига киради. Моҳиятан олганда, бундай ушлаш ҳибсга олишнинг айна ўзи бўлиб, ўртадаги фарқ муддати анча қисқароқ эканлиги ва жиноий эмас, балки маъмурий жараёнда қўлланишидадир. Бироқ, мазмун бир хил — эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклаш.

Қонунда маъмурий тартибда ушлаш асослари ва тартиби бағавсил регламентланган. Афсуски, уларга кундалик ҳаётда кам риоя этилади. Қонунга мувофиқ, маъмурий тартибда ушлаш ҳуқуқи ички ишлар, солиқ полицияси ва божхона органларига, чегара қўшинларига, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва ҳарбий автомобил назорати органлари мансабдор шахсларига берилган. Бошқа органлар бундай ҳуқуққа даъвогар бўлмайдилар. Шунинг учун тегишли ваколатга эга бўлмаган орган ёки мансабдор шахс томонидан амалга оширилган ҳар қандай ушлаш ноқонуний ҳисобланиб, жиноий жавобгарликка бўлган жиддий жавобгарликкача сабаб бўлади. Ушлаш маъмурий ҳуқуқбузарлик мавжуд бўлсагина, амалга оширилиши мумкин.

Маъмурий тартибда ушлаш ушланган шахс учун анчагина жиддий оқибатлар келтириши мумкинлиги сабабли ушлаш тўғрисидаги қарор қонунда кўрсатилганидек, фақатгина тегишли органнинг бошлиғи ёки унинг муовини ёхуд катта мансабдор шахси томонидан қабул қилинади. Ўзга вариант йўқ, бинобарин, бошқа ҳар қандай ҳаракат гайриқонунийдир. Прокурорлар маъмурий тартибда ушлаш ноқонуний амалга оширилган ҳолларга кескин тўсиқ қўйиб, ушланган шахсни озод қилиш тўғрисида дарҳол қарор чиқарадилар.

Янги давр янги муаммолар келтириб чиқарди. Бозор муносабатларига ўтилишининг эълон қилинганлигини ўзини бизнесга урган кишиларнинг кўпчилиги шахсий меҳнат эвазига эмас, балки турли хил шубҳали молия

операциялари, аниқроқ қилиб айтганда, молия фириблари ҳисобига тезда бойиб кетиш имконияти деб тушундилар. Собиқ Иттифоқ тартибидаги республикаларда пайдо бўлган бизнесменлар сохта молия «пирамида»лари бунёд қилиб, фуқароларни ўзлари ташкил этган ташкилотларга пул қўйишга даъват эта бошлашди. Хўш, фуқароларчи? Қаллобларнинг ваъдаларига ишониб, катта фоизлар олиш илинжида топган-тутганларини қўшқўллаб топширдилар. Россиядан «МММ», «ЧАРА» ва бошқа шу каби акциядорлик фирмаларининг фириблари барчага ошкор бўлди. миллионлаб омонатчиларнинг тарвузи қўлтигидан тушиб қолди. Уларнинг сони ҳозирнинг ўзидаёқ 40 миллиондан ошиб кетди. Умуман олганда кутилмаган вазият деб бўлмайди. Уни ўз вақтида олдиндан тўла-тўкис кўра билиш мумкин эди. Мантиқан олганда воқеанинг ривожини соддагина. Омонатчи йиллик фоизларнинг юқорилиги ҳисобига осонгина бойиб қолишни мўлжал қилган. Шунинг ўзиёқ молия ишларига озгина бўлсада ақли етадиган одамда шубҳа уйғотиши керак эди. Ишга таваккалга қўл урилганлиги аён. Таваккал қилган киши ёки ютади, ёки ютқазади. Вазиятнинг тижорат таваккали билан боғлиқлиги гўёки давлатни ўзининг таланган фуқаролари тақдирига аралашидан ҳоли қиладигандек. Бундай мавқега айрим истиснолар билан кўнса ҳам бўлади. Бироқ, юз берган ҳодисанинг қўламдорлиги бунга йўл қўймайди.

Ўз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилаётганлиги ҳақида гап борганида давлатнинг четда туришга ҳаққи йўқ. Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинмаганлиги, шак-шубҳасиз, қонунчилик мукамал эмаслигидан ёки ҳуқуқни татбиқ этиш фаолиятидаги нуқсонлардан ёинки ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими куч-гайратининг самарали пастлигидан ёхуд уқтириб ўтилган иллатлар ҳаммасининг бир йўла ёки айримларининг омухтаси мавжудлигидан далолат беради.

Прокуратура давлат органлари орасида биринчилардан бўлиб тижорат тузилмаларининг синиши оқибатида ўз пул маблағларидан маҳрум бўлган фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклаш ишига киришди. Бу соҳада юзага келган аҳвол мамлакат миқёсида ўрганиб чиқилиб, фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни

таъминлаш, ноҳалол тадбиркорларнинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларининг олдини олиш юзасидан конкрет чора-тадбирлар белгиланди.

Прокуратура органлари фуқароларнинг уй-жойга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида доимий иш олиб бормоқдалар. Бундай фаолият давлат муҳтожларга беулу уй-жой беришни деярли рад этаётган, уй-жойдан фойдаланиш соҳасида бозор механизмлари амал қилиб турган бир шароитда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар йили прокуратура органлари томонидан уй-жой қонунлари бузилганлигининг минглаб ҳоллари аниқланиб, уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрилади. Вояга етмаганларнинг, ногиронларнинг уй-жойга доир ҳуқуқларига риоя этилиши масаласи прокурорларнинг диққат марказида. Сўнгги йилларда ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматда бўлмаганларнинг уй-жойга доир ҳуқуқларига риоя этилиши муаммоси долзарбликни касб этмоқда.

Пенсия таъминотига, ногиронларга доир қонунларнинг бузилишига қарши курашга прокуратура органлари жиддий аҳамият бермоқдалар.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоси ўтиш даври шароитларида юзага келган муаммоларнинг анча мураккабдир. Савдонинг эркинлаштирилиши, ташқи иқтисодий фаолиятдаги монополияга барҳам берилиши, ижроия ҳонимияти органларининг фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишдаги сусткашлиги моҳиятан олганда товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг мутлақ ҳукмронлигини келтириб чиқарди. Янада аниқроқ қилиб айтганда, воситачи — товарлар сотувчининг мутлақ ҳукмронлиги пайдо бўлиб, унинг олдида истеъмолчи ночор аҳволга тушиб қолди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузиш ҳоллари орасида, товарлар, ишлар ва хизматлар сифатининг пастлиги, яроқлилиқ муддати ўтган маҳсулотларни сотиш; озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашнинг таркибий талабларига риоя этмаслик; товарларни, энг аввало, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни (музлатгич, телевизор, магнитофон ва бошқа шу кабиларни) сифатсиз тайёрлаш ва сотиш; ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган товарларни сотиш каби ҳоллар одатий ва энг кўп тарқалган ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шаройтида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига риоя этиш — биринчи галда иқтисодий муаммодир. Умуман тадбиркорликнинг ва хусусан ҳар бир тадбиркорнинг ривожланишида муваффақиятга эришиш, фуқаролар учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва уларни сотувчи тижорат тузилмаларининг нуфузи юқоридаги муаммо қандай ҳал этилишига боғлиқ.

Бу муҳим ижтимоий муаммо ҳамдир. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати-миллат саломатлигининг, саноат маҳсулотлари ва хизматлар сифати — инсон фаровон турмушининг гарови, фуқаронинг ўзини гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга бурчли бўлган ҳокимиятга нисбатан муносабатини белгиловчи омилдир.

Прокуратура истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, ўз фаолияти орқали «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни «ишлашга» мажбур этади. Айгиш жоизки, ушбу Қонун ижро этилса, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига таҳдид қилаётганларнинг барчаси хушёр тортиб қолади. Прокуратуранинг ушбу йўналишдаги ишидан кўзланган мақсаднинг маъноси ҳам ана шунда.

Прокуратура органлари фаолиятининг ижтимоий аҳамияти «тилсиз манфаат» деб аталмиш манфаатлар ҳимоясини таъминловчи амалда ягона бўлган орган вазифасини бажаришида ўзининг яққол тасдиғини топади. Бу ўринда ўзининг айрим хос хусусиятлари туфайли ўзини ўзи ҳимоя қилишга қодир бўлмаган шахслар манфаатларининг прокуратура томонидан ҳимоя қилиниши назарда тутилмоқда. Гап вояга етмаганлар, қариялар, ногиронлар, муомалага лаёқатсизлар, давлатнинг мададига муҳтож фуқароларнинг бошқа тоифалари ҳақида гап бормоқда. Прокуратуранинг аралашуви туфайли етимларнинг пенсия олиш ҳуқуқларини бузиш, квартиралар хусусийлаштирилиши вақтида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини камситиш ҳолларига чек қўйилди.

Прокуратуранинг умумий назорат ишининг моҳияти ва аҳамияти очиб берилар экан, ушбу фаолият жиноятчиликка қарши кураш ишига баракали улуш қўшаётганлигини таъкидлаш лозим. Прокуратура умумий назоратни амалга ошира бориб, кўпинча жиноят фактларини, айниқса

иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни очади ва уларга нисбатан жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибда иш кўради. Прокуратуранинг умумий назорат фаолияти огоҳлантириш борасида ҳам катта салмоққа эга бўлиб, жиноятларнинг олдини олишда самарали наф келтиради. Бинобарин, умумий назорат иши жараёнида иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқлар ва эркинликларни муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонунбузарликларнинг кўлига кримпология тилида таъриф берилса, моҳият — жиноятлар содир этилишига йўл очиб берадиган сабаблар ва шарт-шароитлар бўлиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, умумий назорат муайян даражада жиноятчиликнинг илдизиши қирқади, йўлини тўсади, бу эса, жиноятчиликнинг олдини олишда жуда муҳимдир.

Ниҳоят, жиноятлар кўпинча умумий назорат амалиётида дуч келинадиган нисбатан хавфсизроқ бошқа ҳуқуқбузарликлар: маъмурий, интизомий жиҳатдан ноҳўя ҳатти-ҳаракатлардан, меҳнат, молия, ер ва бошқа тармоқларга доир қонун ҳужжатларини жиноий тарзда бузишлардан келиб чиқишини ҳам унутмаслик керак.

Прокуратура амалга оширадиган умумий назорат бўйича ишларнинг асосий йўналишлари ана шулардан иборат. Уларни бажариш учун прокуратурага қонун бузилганлиги ҳолларини аниқлаш, қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш имконини яратадиган ваколатлар берилган. Ваколатларни икки гуруҳга: қонунбузарликларни аниқлаш бўйича ваколатлар ҳамда қонунбузарликларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш бўйича ваколатларга ажратиш мумкин.

Қонунбузарликни аниқлаш анчагина мураккаб жараён. Маълумки, қонунбузарлик жавобгарликка сабаб бўлади, бундан эса, ҳеч қайси бир ҳуқуқбузар манфаатдор эмас. Қонунбузарлик излари яширилади, қилмиш қонуний ҳуқ-атворга мослаб ниқобланади, кўпинча эса, умуман йўқ қилиб ташланади. Прокурордан назорат фаолиятининг услубиёти ва тактикасини юксак профессионал маҳорат билан эгаллаш талаб қилинади. Кўпинча прокурор асл ҳақиқатни аниқлаш учун қонунбузарлар усталлик билан вужудга келтирган тўсиқларни енгиб ўтишига тўғри келади.

Қонунбузарликни аниқлаш бўйича прокурор ваколатларининг кўлами олдинда турган вазифаларни ҳал этиш учун турли воситаларни қўллаш имконини беради. Прокурор фаолияти қай даражада қонунийлиги устидан ўзи назоратни амалга ошираётган органларнинг ҳудудлари ва биноларига, монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.

Шундай қилиб, прокурор ўзи назорат қиладиган объектдаги иш шароитлари, жамоада юзага келган муҳит, ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйиб бераётган шартшароитлар билан шахсан танишиш имкониятига эга. Кўпинча прокурор объектга борган пайтида қонун бузилганлиги ҳолларини пайқайди. Вояга етмаганлар ва ёшларнинг меҳнати тўғрисидаги, меҳнатни муҳофаза қилиш, мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши кўпинча айни мана шу йўл билан аниқланади. Пайсалга солмасдан текширув ўтказиш тақозо этиладиган қонунбузарликлар тўғрисидаги сигналларни ўрганишда уқдирилган ваколатлардан фойдаланиш айниқса муҳим. Масалан, қонунбузарлар ўзларини фош этадиган материалларни яшираётганликлари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, дарҳол барча ваколатлардан фойдаланиш лозим.

Айрим ташкилотлар ва муассасаларда амалда бўлган кириш-чиқиш режими қоидаларида назарда тутилган бир галлик рухсатнома олиш прокурор учун шарт эмас, у хизмат гувоҳномасини кўрсатишининг ўзи kiffoя.

Прокурорга ҳар қандай ҳужжат билан танишиш, раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахслардан зарур ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотлар тақдим этишни, текширув ва тафтишлар ўтказишни, юзага келган масалаларни ҳал этиш учун мутахассис ажратишни талаб қилиш имконини берувчи ваколатлар қонунбузарликни аниқлаш учун жиддий аҳамиятга эгадир. Прокурорларга қонунбузарликлар бўйича тушунтиришлар бериш юзасидан мансабдор шахслар ва бошқа фуқароларни ўз ҳузурларига чақириш ҳуқуқи берилган.

Прокурор ўз ваколатларини, қоида тариқасида, қонунлар ижросини текшириш вақтида рўйбга чиқаради. Текширувни ўзига маълум бўлиб қолган қонунбузарлик да-

лийи тўғрисидаги маълумотга асосан ўтказди. Бундай маълумотлар жумласига аризалар, шикоятлар, бошқа муурожаатлар, матбуот, радио ва телевидениеда қонунбузарлик тўғрисида берилган хабарлар, назорат остидаги ҳудудга қонунийликнинг аҳволига доир статистик маълумотлар таҳлилининг натижалари, прокурорнинг шахсан ўзи қонунбузарлик аломатларини аниқлагани ҳоллари киради.

Қонунбузарликларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш, қонунбузарликларни жавобгарликка тортиш мақсадларида прокурор жиноят иш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш, ноқонуний ҳужжатга нисбатан протест келтириш, ноқонуний равишда маъмурий ҳисобга олинган шахсларни озод қилиш, тақдирнома киритиш ҳуқуқига эга.

Назорат амалиётига доир материалларда жиноят аломатларидан далолат берувчи маълумотлар етарли даражада мавжуд бўлса, прокурор томонидан жиноят иши қўзғатилади. Прокурор қўзғатган жиноят иши жиноятларни ўрганувчи тегишли органга жўнатилади. Прокурор ишни ўзи юритишига ҳам олиши мумкин.

Прокурорлар назорат текширувларига доир материаллар бўйича жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқидан эҳтиёткорлик билан фойдаланадилар. Жиноят таркиби белгиларига эса бўлган материаллар, одатда, моҳиятига кўра узилкесил қарор қабул қилиш учун тергов органларига юборилади. Бундай ҳуқуқдан прокурорлар, одатда, пайсалга солмай тергов ўтказиш зарурати бўлса ёки иш долзарб аҳамиятга эга бўлганда фойдаланадилар. Бундай вазиятлар, ҳусусан, давлат корхонасини хусусийлаштириш, солиқ тўловларидан озод қилинган ер участкаларини мулк сифатида бериш ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ масалалар ҳал этилишида мансабдор шахсларнинг порахўрлиги, хизмат лавозимини суиистеъмол қилиши далиллар аниқланган ҳолларда юзага келади.

Мазкур воситадан миллий мусибат тусини олган бюджет ва нобюджет маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланмаслик амалиётига тўсиқ қўйишда самарали фойдаланилади.

Прокурорлар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида иш қўзғатиш ҳуқуқидан анча кенг фойдаланадилар. Прокурор текширувлари пайғида аниқланадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар кенг тарқалганлиги билан ажралиб туради. Булар жумласига атроф муҳитни ҳимоя қилиш, монополияга қарши кураш қонунларини бузиш ҳоллари, савдо соҳасидаги қондабузарликлар ва шу каби бошқалар киради.

Сўнгги йилларда прокурор томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида иш қўзғатиш усули сайловлар ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларига барҳам беришда борган сари кенгроқ қўлланилмоқда.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида иш қўзғатилишига доир масалани ҳал этар экан, прокурор маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига амал қилади. Прокурорнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарори маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органга, мансабдор шахсга юборилади.

Прокурор протести аниқланган қонунбузарликка муносабат билдиришнинг асосий воситаларидан биридир. Протест қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан келтирилиб, прокурорнинг мавжуд зиддиятга барҳам бериш, ҳуқуқий ҳужжатни қонунга мувофиқлаштириш ёки уни тўлиқ ёҳуд қисман бекор қилиш тўғрисидаги талабининг ифода этади.

Протест ноқонуний ҳужжатни қабул қилган орган ёки мансабдор шахсга нисбатан келтирилади. Қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб эътироф қилиш масаласи юзасидан прокурор Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда судга ариза билан мурожаат қилиши ҳам мумкин.

Қонуннинг бир хилда ва аниқ қўлланилиши, қонунбузарликка барҳам бериш мақсадида фойдаланиладиган прокурорнинг муносабатини ифодаловчи прокурор протести бир вақтнинг ўзида ғайриҳуқуқий амалиётнинг олдини олишда ҳам самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Протест — прокурор муносабат билдиришининг анъанавий ва ўзига ҳос воситасидир. Уни профессионал қўллай билиш кўзга ташланадиган, реал натижалар беради.

Прокурор тақдимномаси — қонунбузарликлар, уларнинг сабаблари ва уларга йўл қўйиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадига эга бўлган прокурор муносабатини ифодаловчи ҳужжатдир. Тақдимнома прокурорлик текшируви материалларига асосан тайёрланади. Одатда тақдимнома туркум қонунбузарликларни назарда тутди. Бироқ, муносабат билдиришининг бундай шакли айрим ягона далилларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Тақдимнома прокурорлик муносабати ҳужжатлари орасида муносиб ўринга эга. Тақдимномада кўрсатма бериш оҳангининг пастлиги, у қўлланган органга прокуратура томонидан аниқланган қонунбузарликлар ва уларни келтириб чиқарган шарт-шароитларга барҳам бериш йўлини мустақил аниқлаш имконияти берилиши унинг қонунийликни қарор топширишининг бошқа воситаларига, дейлик, протестга нисбатан самараси камроқ эканлигини англатмайди. Тақдимнома прокурорлик назоратининг бошқа ҳуқуқий воситалари орқали ҳал этиб бўлмайдиган вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиб, шу жиҳатдан олганда қонунбузарликка барҳам бериш борасида зиммасига катта юк олади.

Тақдимнома эркин шаклда ёзилади. Бироқ, у қандай бўлишидан қатъи назар, ўз вазифасига — қонунбузарликларга, уларнинг сабаблари ва уларни келтириб чиқарган шарт-шароитларга реал барҳам беришни таъминлаши керак.

Прокуратура органлари томонидан судга даъво қилиш усули анча кенг қўлланилади. Юқорида бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлмаган ёки имконияти чекланган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги прокуратуранинг роли ҳақида гап борганди. Прокурорлар давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам фаоллик кўрсатадилар. Давлат ва муниципал мулкни ҳу-

сусийлаштириш жараёнида йўл қўйилган минглаб қонун-бузарликларга айна прокурорларнинг даъвоси бўйича тўсиқ қўйилади. Прокурорлар ер ислоҳоти ўтказиш, ҳарбий-саноат комплексини конверсия қилиш ва шу кабилар учун мўлжалланган маблағларни тақсимлашдаги қонун-бузарликларга фаол қаршилик кўрсатдилар. Иқтисодий фаолиятнинг деярли барча соҳаларида прокуратура ўзини умумдавлат манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида намоён этди. Ҳозирги даврни давлат ҳисобига, бутун халқ меҳнати билан яратилган неъматлар ҳисобига бойлик орттириш вақти деб билганларнинг жуда кўпчилиги прокуратура органлари «жиловни тортиб қўйиши» мумкинлигини англаб етдилар.

3-БОБ.

БИЗ ҲУҚУҚЛАРИМИЗДАН ЁМОН ҲОЙДАЛАНМАСЛИГИМИЗ КЕРАК.

Жиноят энг жиддий қонунбузарлик ҳисобланади. Қоида тариқасида, жиноятлар одамлар, жамият, давлат учун ўта оғир, ансарият ҳолларда ўнглаб бўлмас даражадаги оқибатлар келтириб чиқаради. Жиноятларнинг хавфлилик даражаси маъмурий, фуқаролик, меҳнат ҳуқуқбузарлиги ва бошқа жиноят тусига эга бўлмаган ҳуқуқбузарликларга нисбатан беқиёс даражада катта.

Жиноятчиликнинг ўсиш суръатларини тўхтатиш, ялпи ижтимоий хавфлилиги янада кучайишига, жамият организмининг барча каттача, томирларига кириб боришига йўл қўймаслик борасидаги ишга жуда кўп ҳам давлат, ҳам нодавлат тузилмалари жалб этилган. Улар орасида прокуратура органлари муҳим ўрин тутадн.

Прокуратуранинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолияти бир неча йўналишга эга. Шулардан бири — тезроқ-қидирув фаолиятини, сурштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг қонунларни ижро этиши устидан прокурорлик назоратидир. Бундай органларнинг рўйхати жуда узун. Масалан, жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, солиқ полицияси органлари томонидан бажариләди. Қонунга мувофиқ милиция, муайян тонфадаги ишлар бўйича эса, МХХ, божхона, чегара хизмати, ёнгиндан сақлаш давлат назорати органлари, ахлоқ тузатиш меҳнат муассасаларининг бошлиқлари, ҳарбий қисмларнинг командирлари ва бошқалар сурштирув органлари жумласига кирәди. Тезроқ-қидирув фаолияти билан ички ишлар органларининг тегишли аппарати (жиноят-қидирув, иқтисодий жиноятларга, уюшган жиноятчиликка, гиёҳванд моддалар билан ғайриқонуний муомала қилишга қарши кураш), шунингдек МХХнинг қўриқлаш хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг бошқа субъектлари шугулланади. Уларнинг асосий вазифалари жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очиш, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, жиноят ишларини тергов қилиш, яширинган жиноятчиларни қидириш, айб-

дорларни қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортиш ва ғайриҳуқуқий тажовузлар оқибатида етказилган зарар ўрнини қоплатиш.

Тезроқ — қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар қадимги Рим ҳуқуқшунослари таъбири билан айтганда, «ўз ҳуқуқларидан ёмон фойдаланаётган»лар ва жиноят-қонунчилигининг тақиқларини инкор қилаётганларни, жиноят содир этаётганларни фош этиш ва жавобгарликка тортиш борасида жуда катта иш олиб борадилар. Тезроқ ходимлар, суриштирувчи ва терговчилар «ҳодиса рўй берган жойни» кўздан кечиргнш, қатор ҳужжатларни ўрганиш, экспертларнинг ёрдамида ашёвий далилларни тадқиқ этиш, фақатгина бир иш юзасидан юзлаб ва ҳатто миглаб гувоҳларни сўроқ қилиш орқали кўплаб қидирув ва тергов версияларини ишлаб чиқадиладар. Кўзланган мақсад — пировард натижада асл ҳақиқатни аниқлаш, гумон қилинаётган, айблалаётган кишиларнинг айбига доир ишончли далиллар тўплаб, уларни одил судловга топшириш ёки бўлмаса, кимнингдир тухмати, хатоси оқибатида, ноқулай вазият, оддийгина англашилмовчилик туфайли ва кўплаб бошқа сабабларга кўра эл ўртасида маломатга қолган кишининг айбсизлигини, жиноят иштирокчиси сифатида гумон қилиниши асоссизлигини, жиноятга даҳлдор эмаслигини ишончли далиллар билан аниқлаб бериш.

Одатда, тасодиф ёки вақт тақозоси ёҳуд бузук ниятли ҳатти-ҳаракатлар оқибатида пухта яширилган ҳақиқатни, воқеанинг асл тафсилотини қидириб топишнинг ана шундай машаққатли жараёни прокурорнинг зийрак назорати остида амалга оширилади. Башарти, ҳатто прокурор аниқ иш бўйича «кескин ҳаракатлар» қилмаса-да (ноқунуний ушланганни озод қилмаса, суриштирувчи ва терговчининг қарорини бекор қилмаса, йўл қўйган қонунбузарлиги учун уларни жавобгарликка тортиш масаласини қўймаса ва бошқа шу каби ҳаракатлар қилмаса-да), тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва тергов устидан прокурор назорати амал қилишининг ўзиёқ катта маънони англатади.

Тезкор-қидирув ёки тергов ҳаракатлари ҳамisha прокурор томонидан қонунийлик мавқеидан туриб синчиклаб текширилиши мумкинлигини англаб етишнинг ўзиёқ тегишли мансабдор шахсларда жавобгарлик ҳиссини шакл-

лантиради ва ҳушёр тортиради, улар жиноятларнинг олдини олиш, ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларни фош этиш ва тергов қилишдан иборат хизмат вазифаларини талаб даражасида бажаришларига кўмаклашади.

Шунга қарамай реал воқелик шундайки, тезроқ — қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар, суриштирув ва дастлабки тергов органлари қонунларни ижро этиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида прокурор кўпинча жиноятчиликка қарши фаол, изчил кураш олиб боришга тўсқинлик қиладиган турли қонунбузарликларга кескин муносабат билдиришга мажбур.

Бундай ҳуқуқбузарликлар жумласига, энг аввало, жиноят иши қўзғатишни ноқонуний рад этиш, бундай ишларни тўқиб чиқарилган асослар бўйича тўхтатиш, жиноятларни ҳисобдан яширин далиллари киради. Ноҳалол ходимлар оқни қора қилиб (ёки аксинча) кўрсатиш учун гоҳида шундай маккорликка бориб етадиларки, буни кўрган киши ҳайратдан ёқа ушлайди.

Ҳуқуқшунос А. Ф. Қони ўз вақтида шундай бир чигал воқеа ҳақида ёзганди. Ҳарбий аёлнинг ички кийимлари ўғирланганлиги тўғрисидаги шикоят бўйича тинтув ўтказган пристав аризачининг ўзини ҳам тинтув қилади. Ундан бир парча «металл хоссаси» топиб, алоҳида иш очади. Қандай металл эканлигини аниқлаш учун экспертлар чақиради. Бир сўз билан айтганда, кўнглига келган ишнинг ҳаммасини қилади. Бундан фақатгина бир нарса истисно, у ҳам бўлса — реал содир этилган жиноятни очиш. Бу ҳам ҳали ҳолва.

Муаллифларга бизнинг ҳозирги кунимизда юз берган бошқа бир «саргузашт» маълум. Ҳаробазордан одам калласи топилган. Таъбир жоиз бўлса, ҳали янгигина, яъни ириб-чириб улгурмаган, мумиёланмаган. Жиноят қидирув бўлимнинг тезкор вакили милиция бўлими бошлигининг розилигини олиб, харобазор муқаддам қабристон бўлган, эҳтимол калла кўмилган мурданики бўлиши мумкинлигини баҳона қилиб, ушбу далил бўйича жиноят иши қўзғатишни рад этади. Прокурор ўтказган текширув натижасида маълум бўладигани, қабристон ёпилганига 30 йилдан ортиқ вақт бўлган экан. Табиийки, тезкор ходимнинг важи мутлақо эътиборга лойиқ эмас.

Бундай бемазагарчиликларнинг сабаблари турлича. Аксарият ҳолларда жиноятларни очиш борасидаги натижа-

лар реал кўрсаткичларни бўяб кўрсатишга, раҳбариятга панд етказмаслик учун статистикада имкон қадар «қора доғлар» камроқ бўлишига ҳаракат қилинади. Баъзида эса, чаласоводлик, лаёқатсизлик, фикрлашнинг торлиги ёки оддийгина дангасалик, хизмат вазифасини бажариш чоғидаги телса тебранмаслик иллатлари кўзга ташланиб қолади. Гаразли мақсадда муайян ҳақ эвазига жиноят иши қўзғатиш ноқонуний равишда рад этилган, жиноят иши тўхтатилган ҳолларда ҳам маълум.

Жиноятларни ҳисобдан яшириш ва бу билан боғлиқ ҳолда жиноятчиликка қарши фаол курашишга даъват этилган мансабдор шахсларнинг ношудлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг обрў-эътиборига, қонуннинг нуфузига қай даражада путур етказилганлиги; фуқароларга, жамиятга, давлатга қанчалик зиён етказаётганлиги; жавобгарликдан бўйинтовлаб, одатда, ўғирлик, босқинчилик, қотиллик хунарини давом эттираётган, жуда борганда йигирманчи, ўттизинчи ва ҳатто эллигинчи жиноятдан кейингина суд курсисига ўтираётган жиноятчиларга қанчалик қўл келаётганлигини тавсифлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Фикримизга далил сифатида биргина Чикатило воқеасини эслаб кўрайлик.

Жиноят-процессуал кодексида прокурор содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятларга доир аризалар ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш, тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини оинга камида бир марга текшириши шарт эканлиги кўрсатилган. Прокурорлик текширувининг даврийлиги, аниқ муддати бу қадар қатъий белгиланганлиги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларга муносабат билдиришни таъминлаш ишида прокурорлик назоратига қанчалик катта аҳамият берилганлигидан далолатдир. Бинобарин, бусиз жиноятчиликка қарши фаол кураш олиб бориш мумкин эмас.

Ҳар йили прокурорлар томонидан кўплаб жиноят иши қўзғатиш ноқонуний равишда рад этилганлиги, жиноятлар ҳисобдан яширилганлиги ҳоллари аниқланади. Ҳисобга олинган жиноятлар бўйича текширувлар ўтказилиб, кўпинча айбдорлар аниқланади ва жавобгарликка тортилади. Афсуски, тули ҳажмда адолат ўрнатилишига ҳаммиша ҳам муваффақ бўлишмайди. Бу ишда энг аввало, вақтни зое қилишни панд бериб қўяди.

Жиноятчиликка қарши ҳужумкор, фаол кураш олиб боришни таъминлаш учун прокурорнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатлари ҳам катта аҳамиятга эга. Тезкор ходимлар, сурштирувчилар ва терговчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари қонунга қай даражада мослигини текшириш мақсадида прокурор улардан тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар тўғрисидаги, уларни очиш ва тергов қилишнинг бориши тўғрисидаги жиноят ишларини, ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади. Айрим тергов ҳаракатлари юритилаётганлиги тўғрисида махсус маълумотлар ёки процессуал ҳужжатларнинг (иш қўзғатиш ва уни тўхтатиш, гумон қилинаётганини ушлаш ва бошқалар) кўчирма нусхаларини юбориш орқали прокурор албатта хабардор этилади. Прокурор шунингдек, жиноят жараёни қатнашчиларидан, мансабдор шахсларнинг тушунтиришлари ва бошқа манбалардан ҳам қонунийлик бузилганлиги тўғрисида маълумотлар олиб туради.

Прокурорлар эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга доир хулосаларга санкция беради. Бу эса, терговнинг бориши, иш бўйича ҳолис ҳақиқатни аниқлаш учун нормал шарт-шароитлар яратади, хусусан, гумон қилинаётганлар, айбланаётганлар гувоҳларни ўз томонларига «оғдиришга» уринишларига, далил-исботларни йўқ қилиб ташлашларига, тергов ва суддан яширинишларига, бошқа йўллар билан қонунда назарда тутилган жавобгарликдан бўйинтовлашларига тўсиқ қўяди. Прокурорнинг санкцияси билан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари чекланишига алоқадор жуда нозик тергов ҳаракатлари, масалан, тинтув, айбланувчини мансабидан четлатиш ва шу каби бошқа ҳаракатлар амалга оширилади.

Прокурор сурштирув ходимлари ва терговларнинг юқорида баён этилган ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги қарорларига санкция бериш билан чеклаиб қолмайди, балки ўзи ҳам ўз ташаббуси билан жиноят ишларни қўзғатади, жиноятларни тергов қилиш тўғрисида, хусусан, эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида ёзма кўрсатма беради, сурштирув органларига жиноят содир этган шахсларни ушлаш, келтириш, қамоққа олиш, қидириб топиш ва қонунда назарда тутилган бошқа чоралар тўғрисидаги қарорни бажаришни топширади.

Иш бўйича асл ҳақиқатни аниқлаш манфаатлари йўлида, тергов тўла-тўқис бўлишини таъминлаш, жиноят фаолиятининг барча элизодаларини аниқлаш учун прокурор-тергов муддатини ва эҳтиёт чораси сифатида қamoқда сақлаш муддатини узайтириши мумкин.

Жиноятларни тергов қилиш вақтида фаолиятсизлик, профессионализм савиясининг пастлиги далилларига тўқнаш келса, прокурор ишни бир терговчидан (суриштирувчидан) олиб, бошқа бир малакаси юқорирогига топшириш ҳуқуқига эга.

Суриштирув ва тергов сифатсиз ўтказилган, тўлланган далил-исботлар етарли бўлмаганлиги тақдирида ёки бошқа асосларга биноан прокурор жиноят ишини қўшимча терговга қайтаради.

Қонунга мувофиқ прокурор суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда бевосита иштирок этади, зарурат тақозо этса, айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки ҳар қандай иш юзасидан тўлиқ ҳажмда терговни амалга оширади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, прокурорларнинг аксарият кўпчилиги дастлабки тарздаги терговни, уни ташкил этишни, унинг тактикаси ва услубиётини бевосита ўзининг иш тажрибасидан яхши билади. Гап шундаки, одатда прокурорлар ўз иш фаолиятини терговчиликдан бошлаган бўлишади.

Таъкидлаш лозимки, жиноят судловининг кўриб чиқиладиган босқичидаги прокурорлик назорати моҳиятан олганда кенг миқёсли тусга эга бўлиб, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва тергов қилиш тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш, жиноят иши қўзғатишдан тортиб, абйлов хулосасини тасдиқлаш ва судга жўнатишгача бўлган мураккаб, серқирра фаолиятни қамраб олади.

Прокурор тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки терговнинг қай даражада қонунийлиги устидан назорат қилиш борасидаги ўз ваколатларини қандайдир органлар ва мансабдор шахслардан мустақил, фақатгина қонунга бўйсунган ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг кўрсатмаларига риоя этган ҳолда амалга оширади.

Буларнинг ҳаммаси прокурорлик назоратининг ушбу тармоғи жиноятчиликка қарши фаол курашнинг, фуқароларни, жамият ва давлатни ўғриллар, босқинчи, қотил-

лар, зўравонлар, фирибгарлар ва бошқа жиноятчиларнинг гайриқонуний тажовузларидан ҳимоя қилишнинг самарали воситаси эканлигидан далолат беради.

Бундан ташқари ишнинг яна бир бошқа, ўта муҳим томони ҳам, яъни, азалдан маълумки, ёзувликка ҳуқуқ йўли билангина барҳам бериш, қонунбузарликларга фақатгина қонуний услублар билан қарши курашиш мумкин. Моҳиятан олганда, гап тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органларнинг қонуларни қай даражада ижро этиши устидан прокурорлик назорати олиб боришнинг ягона мазмундаги иккита вазифаси ҳақида бормоқда.

Прокурор жиноят судловининг барча ҳолларида қонунбузар ним бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай қонунбузарликка барҳам бериш юзасидан қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни кўриши шарт. Бу ўринда нафақат пошуд, сусткаш ходимлар, суриштирувчи ва терговчилар, балки «Нима бўлса-да» жиноятни очишга, айбдорни фош этишга ва ушбу мақсадига эришиш учун процесуал қонуннинг нозик томонлари ва «расмийчилик»ларни инкор этадиган ўта «элчил» кишилар ҳам назарда тутилмоқда.

Прокурорлик назоратининг юқорида ажратиб кўрсатилган жиҳатлари бир-бири билан жипслашиб чатишиб кетишига мисол. Терговчилар ва суриштирувчи шахсларнинг ноқонуний ва асоссиз қарорларини бекор қилишга доир ўз ваколатларини амалга ошириш вақтида прокурор қандай ҳаракат қилишини тез-тез учрайдиган иккита вазият мисолида кўриб чиқамиз.

Биринчи вазият. Терговчи фуқаро А.нинг чорбоғидан шахсий мулки ўғирланганлиги тўғрисидаги аризасига муровофиқ қўзғатилган жиноят ишининг терговини олиб борар экан, ҳодиса рўй берган жойни шахсан бориб кўрмасдан бу вазифани милициянинг участка инспекторига топширган; бузиш изларини ўрганиш учун криминалистика экспертизаси тәйинламаган; ўғирланган мулкнинг қийматини белгиланган тартибда аниқламаган; жабрланувчининг аризасида кўрсатилишича жиноят аниқлангандан кейин дарҳол ғойиб бўлган гумон қилинувчинини қидириш чора-тадбирларини кўрмаган; бошқа бир қатор касбий хатоликларга йўл қўйган. Шундан кейин иҳтимолий камлиги мотиви бўйича «жиноят таркибининг йўқлиги сабабли»

ишни тўхтатган. Айни пайтда жабрланувчининг ўзи ҳам фаришта эмаслиги — муқаддам судланганлигини, спирт-ли ичимликлар суиистеъмол қилишини, милиция ҳисоб-ида турган ўғрининг ҳулқ-атворини назорат қилмаслигини киноя қилишни ҳам унутмаган. (Ҳарбий хизматдаги аёлнинг кийим — кечаклари ўғирланган ҳодисани эслайлик — вазият жуда ўхшаш). Прокурор ишни тўхтатиш тўғрисидаги аҳмоқона қарорни бекор қилиб, тергов олиб боришни тажрибали терговчига топширади. Пировард натижада жиноятчи аниқланиб, иш судга оширилган.

Иккинчи вазият. Иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлимининг тезкор вакили ички ишлар бўлими бошлигининг розилиги билан товламачилик қилганликда гумон этилаётган фуқаро В.ни ушлаган. Ушлаш баённомасида ушбу чора қўлланишига В. «оғир жиноят содир этганлиги, алоҳида катта миқдорда зиён етказганлиги ва эркинликда қолиб, терговнинг боришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин»лиги асос бўлганлиги кўрсатилган. Ушлаш тўғрисидаги хабарномани олгач, прокурор гумон қилинувчи билан суҳбатлашди, тўпланган материалларни ўрганиб чиқиб, уни дарҳол қамоқдан озод қилди. Сабаб-ки, баённомада кўрсатилган «асослар»нинг бирортаси ҳам процессуал мажбурлашнинг ушбу чорасига нисбатан қўлланиши қонунда қайд этилмаган.

Ҳар иккала вазиятда ҳам қонунбузарлик содир этилганлиги аниқ. Уларга прокурорнинг аралашуви туфайли барҳам берилган. Бироқ, ўртада фарқ ҳам мавжуд. Биринчи вазиятда ишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорнинг прокурор томонидан бекор қилинишига, энг аввало, оммавий қизиқиш сабаб бўлган — жиноятчи аниқланиши ва қилмишига яраша жазоланиши шарт эди. Тўғри, бу ўринда маълум даражада хусусий манфаат борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди; негаки, гал фуқаро А. ўғирлик туфайли зиён кўрганлиги, **м а з к у р з и ё н** жиноят содир этган шахс ҳисобидан қопланиши кераклиги ҳақида бормоқда. (Бироқ, дастлаб А. жабрланувчи сифатида эътироф этилмаганлигини ҳисобга олиш лозим, акс холда қандай қилиб иш «жиноят таркиби йўқлиги» туфайли тўхтатилиши мумкин).

Иккинчи ҳолатда прокурорнинг муносабати, энг аввало, хусусий манфаатни ҳимоя қилишга қаратилган. Бино-

барин, (айбланувчи ўтакетган фирибгар ёки мунофиқ бўлса ҳам) қонунда муфассал тарзда назарда тутилган асослардан бошқа ҳолларда фуқароларнинг ҳуқуқларини бузиш, эркинликларини чеклаш мумкин эмас.

«Биз ўз ҳуқуқларимиздан ёмон фойдаланмаслигимиз керак» дейилади қадимги Рим ҳуқуқшуносларининг формуласида. Бу барчага: жинойи-ҳуқуқий тақлиқларни инкор этиб, жиноят содир этаётган фуқароларга ҳам, жиноят тарзида жазоланиши лозим бўлган қилмишларнинг олдини олиш, аниқлаш, очиш ва тергов қилиш бўйича ишларнинг бориши жараёнида қонунбузарликларга йўл қўйган ҳокимият вакилларига, мансабдор шахсларга ҳам даҳлдордир.

Тезкор ҳодимларга, суриштирувни ўтказувчи шахсларга, терговчиларга катта ҳуқуқлар берилган. Уларни рўёбга чиқариш фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган: шахсий даҳлсизлик, эркин ҳаракат қилиш, уй-жой даҳлсизлиги ва шу каби бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликларига алоқадорлар. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар фақатгина қонунда бевосита назарда тутилган асослар ва сабабларга кўра, йўл қўйилган доиралардагина чекланиши мумкин.

Афсуски, йўл қўйилган доирага амалда ҳар доим ҳам риоя қилинавермайди. Ноқонуний ушлаш, тинтув ўтказиш, асоссиз айб эълон қилиш, қўрқитиш, таҳдид қилиш ва ҳатто мушт кўтариш, турли баҳоналар билан айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини чеклаш, далил-исботларни бузиб кўрсатиш, ушлаганлар ва ҳисобга олинганларни қамоқда сақлашнинг процессуал муддатларига қоидаларига риоя этмаслик — жиноятларни очиш ва тергов қилиш вақтида шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини бузишга энг кўп йўл қўйиладиган ҳолларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати. Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга барҳам бериш, қонунда назарда тутилган воситалар ёрдамида муносабат билдириш, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш — прокурорлик назоратининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу йўналишдаги прокуратуранинг иши у ёки бу тарзда жиноят судловига аралашиб қолган миллионлаб одамларнинг конс-

титуцион ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга кўмаклашади.

Жиноят статистикаси жиноятлар натижасида қурбон бўлганларнинг ҳисобини юритади. Қурбонларнинг сонини жуда кўп. Ушбу статистик маълумотларга айбланувчи ва гумон қилинувчиларнинг, жиноятдан жабр кўрганларнинг қариндошлари ва яқинларини ҳам қўшамиз. Шунингдек адвокатлар, экспертлар ва гувоҳларни ҳам рўйхатга киритамиз. Чунки улар ҳам кўпинча жиноятларни очиш ва тергов қилиш чоғида ўзларига нисбатан қилинаётган ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар устидан шикоят билан прокурорга мурожаат қиладилар.

Албатта, ҳамма жиноятчи ҳам ноқонуний ушланади, поймол этилган ҳуқуқлари ва манфаатлари тикланишида ёрдам сўраб милицияга мурожаат қилган жабрланувчиларнинг ҳаммаси ҳам «отанга бор, онамга бор» қабилада сарсон қилинади, деб бўлмайди. Адвокатлар одил судловнинг доимий ганимлари бўлишади, гувоҳлар тергов учун мақбул кўрсатмалар беришга таҳдид ва шантаж орқали мажбур этиладилар, дейиш ҳам тўғри эмас. Бироқ, қонунийликни юқоридаги қаби ва бошқа тарзларда бузиш эҳтимоли мавжуд. Воқелик шундайки, тезроқ-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов вақтида юзлаб одамларнинг ҳуқуқлари бузилади. Шунинг учун бу соҳада кундалик, янада аниқроқ қилиб айтганда, қаттиқ назоратни амалга оширувчи прокурорлар ўз «нонини ҳалол ейдилар».

Прокурор ўз тасарруфида тезроқ-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар йўл қўядиган ҳар қандай қонунбузарликка муносабат билдиришнинг анчагина таъсирчан воситаларига эга. Уларнинг айримлари (талабнома, топшириқнома ва бошқалар) юқорида эслатиб ўтилди. Қарор ва тоқдимнома дастлабки тергов вақтида қонунийлик бузилишига нисбатан прокурор муносабат билдиришнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Прокурор жиноят иши бўйича ҳар қандай шаклда кўрсатма беришида мустақил иш юритиб ҳеч кимга тобе бўлмайди. Прокурорнинг кўрсатмасини суриштирув ва дастлабки тергов органлари бажариши шарт.

Тезкор-қидирув фаолияти, сурштирув ва дастлабки тергов жараёнида қонунийликни бузувчи мансабдор шахсларга нисбатан прокурор интизомий иш. уларнинг ҳатти-ҳаракатида жиноят таркиби (айбсиз одамни била туриб жавобгарликка тортиш, кўрсатма беришга мажбур қилиш, ноқонуний ушлаш, далил-исботларни бузиб кўрсатиш, ноқонуний равишда жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва бошқалар) мавжуд бўлса, жиноий иш қўзғатади.

Прокуратура юқорида баён этилган назорат вазифаларини амалга ошириш билан бир қаторда жиноят-процессуал кодексида ўз ваколатига киритилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни тергов қилиш орқали жиноятчиликка қарши кураш ишига катта улуш қўшади. Унинг тузилмасида қуйидан юқоригача — туман прокуратураларидан тортиб, Бош прокуратурагача тергов бўлинмалари мавжуд. Уларда меҳнат қилаётган терговчиларнинг сони анчагина бўлиб, (техник ходимларни истисно қилганда) жами ходимларнинг тахминан чорак қисмини ташкил этади.

Жиноят-процессуал қонунда жиноятлар терговини амалга оширувчи турли органларга татбиқан кетма-кетлик аниқ чегараланган. Прокуратура терговчиларининг тасарруфига энг мураккаб ишлар, қоида тариқасида, энг оғир жиноятлар: одам ўлдириш, зўрлаш. Порахўрлик ва бошқа шу кабилар киритилган. Бундан ташқари, прокуратура терговчилари прокурорнинг кўрсатмасига биноан ҳар қандай жиноят иши билан ҳам шуғулланишлари мумкин. Прокуратуранинг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилари томонидан бевосита ёки уларнинг раҳбарлигидаги тергов бригадалари томонидан қотилликлар, бандитларнинг шафқатсиз ҳужумлари, йирик миқдордаги ўғирликлар ва талон-тарожликлар, коррупция, одамларнинг даҳшатли равишда қурбон бўлишига олиб келган авариялар ва фалокатларга доир ишлар тергов қилинган.

Умуман профессионал жиҳатдан олганда прокуратура терговчилари терговни амалга оширувчи бошқа тоифадаги мансабдор шахсларга қараганда анчагина пухта тайёргарликка эгадир. Бунга жумладан кўп йиллар давомида прокуратурада таркиб топган тергов ишларини малакали олиб бориш аъъанаси, профессионал тажрибани тергов соҳаси билимдонлари томонидан ёшларга бевосита

ўргатиш имконияти мавжудлиги сабабдир. Бу ўрнида «ўз терговчилари» устидан ҳам қаттиқ прокурорлик назорати ўрнатилганлигини унутмаслик керак. Прокуратура терговчилари олдига бошқа органлардагига нисбатан юқори профессионал талаблар қўйилади.

Прокуратуранинг жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш каби вазифаси ҳам ўта муҳимдир. Бундай вазифа объектив равишда прокуратуранинг «тийиб туриш ва қарама-қаршиликлар» тизимидаги муҳим бўғин эканлигидан, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, божхона хизмати ва бошқа айрим органлардан ташкил топадиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида тутган алоҳида ўрнидан келиб чиқади.

Жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолияти прокуратура томонидан мувофиқлаштириладиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳар бири ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг муайян йўналишига ихтисослашган: солиқ полиция — солиқларга доир жиноятларнинг; божхона хизмати — контрабанданинг, божхонага доир қонунларни бузиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, очиш ва тергов қилишга ихтисослашган. Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Ички ишлар органларининг жиноятларга қарши кураш борасидаги фаолияти маълум даражада универсалдир, бироқ у муайян доираларда чекланган, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг бошқа бўғинлари тасарруфига берилган ишларга аралашмайди. Бунинг устига, ички ишлар прокуратуранинг эмас, балки прокуратура ички ишлар органларининг фаолияти қай даражада қонуний эканлигини назорат қилади.

Прокуратура ҳуқуқий муносабатларнинг барча соҳаларида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, қонунийлик бузилишининг ҳар қандай ҳолларини аниқлайди ва уларга белгиланган тартибда муносабат билдиради, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш борасидаги фаолиятнинг, жиноятларнинг олдини олиш, сабаблари ва уларга йўл очиб бераётган шароитларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш каби муҳим ва натижадор йўналишини назорат қилади.

Юқорида қайд этилганидек, прокуратура ўзининг тергов аппаратига эга, у давлат қораловчиси вазифасини амалга оширади, судлар томонидан ишлар кўриб чиқиётганида иштирок этади. Прокуратура қонунийликнинг ҳолати, уни таъминлашдаги камчиликлар, жиноятчиликка қарши курашнинг бориши ва натижалари тўғрисида бошқа давлат органларига нисбатан кўпроқ ва яхшироқ ҳабардор, десак муболага бўлмайди. Бошқача айтганда, прокуратура ҳар қандай органга нисбатан ҳам ушбу соҳадаги вазиятни яхшироқ бошқара олади ва барча кўринишдаги жиноятчиликка қарши ҳаракат қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг куч-ғайратини бирлаштиришга қодир.

Фаолиятни уйғунлаштиришнинг амалиётда таркиб топган ва тегишли нормалар билан мустаҳкамланган турли йўналишлари мавжуд. Бу борада, энг аввало, жиноятчиликнинг ҳолатини, тузилмалари ва динамикасини, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва ечиш борасидаги ишларнинг бориши ҳамда натижаларини биргаликда таҳлил қилиш ҳақида гапириш лозим. Жиноятчиликка доир вазиятни чуқур ва атрофлича ўрганиш, қонунларни қўллаш амалиётини умумлаштириш асосида жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини яхшилаш юзасидан ўзаро мувофиқлаштирилган таклифлар ишлаб чиқилиб, Президентга, Ҳукумат ва давлат ҳокимияти органларига юборилади.

Мувофиқлаштириш фаолияти давомида жиноятчиликка қарши кураш дастурларининг бажарилиши текширилади, умуман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими фаолиятига, ҳам, унинг айрим бўғинлари фаолиятига ҳам зарур тузатишлар киритилади. Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан биргаликда ишлаб чиқиш амалиёти кенг тарқалган.

Жиноятчиликка қарши курашдаги ижобий тажрибани ўрганиш ва ёйиш, халқаро ҳамкорлик ва шу каби бошқа масалалар ҳам прокуратуранинг мувофиқлаштириш фаолиятига киради.

Мувофиқлаштириш шакллари ҳам турлича. Булар жумласига: жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича ахборотларни айирбош қилиш; мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш, текширишлар ўтказиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳаллий органларига ёрдам кўрсатиш учун биргаликда вилоятларга хизмат сафарларига бориш; конкрет жиноят ишларини тергов қилиш учун тезкор-тергов гуруҳлари тузиш; жиноятларга тўсиқ қўйиш ва уларни очиш, уларни юзага келтирадиган сабаблар ва шарт-шароитларга барҳам бериш юзасидан ягона режа бўйича аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар кўриш; биргаликда буйруқлар, кўрсатмалар чиқариш, шарҳлар, ахборот мактублари ва бошқа ташкилий-фармойиш тусидаги ҳужжатлар тайёрлаш; ахборот нашрлари чиқариш; ходимларнинг малакасини ошириш, семинарли, конференциялар ўтказиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг имкониятларидан биргаликда фойдаланиш киради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мувофиқлаштирувчи кенгашларини ўтказиш таъсирчан шакл ҳисобланади. Прокурорлар томонидан чақириладиган бундай кенгашларда уларнинг ўзлари раислик қиладилар. Сўнгги вақтларда ўтказилган кенгашларда қотиллик ва террорчиликка, коррупцияга, иқтисодий соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш масалалари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг бошқа долзарб муаммолари кўриб чиқилди.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги мувофиқлаштирув — бошқарув ва қўмондонлик қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилишнинг туб маънодаги демократик шаклидир, фаолияти мувофиқлаштирилаётган қатнашчининг ҳеч қайси бири ўз нуфузини йўқотмайди, уларнинг ҳар бири ўзига хос восита ва услублардан фойдаланган ҳолда ўз ваколатлари доирасида амал қилади. Прокуратура ўзи мувофиқлаштираётган органларнинг вазифаларини, бу вазифалар бажарилиши ва натижалари учун жавобгарликни сира ҳам зиммасига олмайди.

Прокуратуранинг жиноятчиликка қарши курашга қўшаётган улуши тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар қонунларни қай даражада ижро этаётганлигини назорат қилиш; жиноий ишларни тергов қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими барча бўғинларининг куч-райратини мувофиқлаштириш билангина чекланмайди. Судлар томонидан жиноий ишлар кўриб чиқилишида прокурорларнинг иштирок этиши, жазони ижро этадиган органлар ва муассасаларнинг, ушланганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари маъмурияти томонидан қонунлар қай даражада ижро этилаётганлигини назорат қилиш ҳам катта аҳамиятга эга.

4-БОВ

ҲАР КИМ ЎЗ ҚИЛМИШИ УЧУН ЎЗИДАН ЎПКАЛАШИ КЕРАК

Қонунни бузган киши ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан муайян даражада, баъзан эса, жиддий тарзда маҳрумликни, уларга қўйилган чекловларни бошдан кечириши лозим. Ушбу ахлоқий-ҳуқуқий қоида нафақат суд томонидан айбдор деб топилганларга нисбатан, балки жиноят содир этганликда гумон қилинаётганларга ҳам тааллуқли. Одил судловни таъминлаш мақсадида, уларга нисбатан ҳам у ёки бу даражада давлат мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси қанчалик ижтимоий зарурат бўлса, шунчалик адолатлидир. Қонунда жазолашдан кўзланган мақсадлар орасида биринчи навбатда ижтимоий адолатни тиклаш тилга олинганлиги бежиз эмас. Бунинг маъноси қадимги Рим ҳуқуқшунослари айтганидек: «Ҳар ким ўз қилмиши учун ўзидан ўпкалаши керак».

Айни бир вақтда маҳкумга нисбатан, дастлабки тергов вақтида ушланган, қамоққа олинган шахсга нисбатан радди марака, жамият инкор этган ҳуқуқсиз киши сифатида қаралиши мумкин, эмас. Бундай кишилар қонунда мукамал баён этилган юридик мақомга эгадирлар, айрим ҳуқуқлари чекланган-да, бошқалари сақлаб қолинади ва ҳатто қанчалик ғайритабiiй бўлмасин: бепул овқатланиш, кундалик сайр, қариндошлар билан ёзишмалар қилиш, кўришиш, кинофильмлар ва телекўрсатувлар тамоша қилиш, ёзма нашрлардан фойдаланиш ва шу каби бошқа ҳуқуқларни киритадилар. Булар ва шу каби бошқа специфик ҳуқуқлар фақатгина қамоқда бўлган кишиларга уларнинг алоҳида ҳуқуқий мақоми туфайли берилади...

Жинoий жазоларни ижро этиш, қамоқда сақлаш турлитуман, мураккаб ва ўта специфик ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирадими, улар жамият, давлат, инсон ва фуқаронинг жуда кўп ва муҳим манфаатларига даҳлдордир. Ана шулар туфайли ушбу соҳадаги прокурорлик назорати алоҳида аҳамиятга эга.

Суд ҳокимиятига даҳлдор айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, ҳозирги шароитларда прокуратура жамият-

Дай ажратилганлиги тугайли ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши нуқтаи назаридан энг кам ҳимояланган фуқаролар сақланадиган муассасаларда қонунийликка риоя этилишини назорат қилувчи ягона давлат органи ҳисобланади.

Прокурорлик назорати соҳасига қуйидагилар киради: жиноят содир этганликда гумон қилиниб, ушланганлар сақланадиган жой (вақтинча сақлаш изоляторлари — ВСИ, гауптвахталар); эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш қўлланган шахслар сақланадиган дастлабки қамоқ жойлари (тергов изоляторлари — ТИ); озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазоларни ўташ учун мўлжалланган ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари — АТМ (колониялар, турмалар, даволаш-ахлоқ тузатиш муассасалари); эркинлигини чеклаш тарзида маҳкум этилган шахслар жазони ўтайдиган ахлоқ тузатиш марказлари; (жиноий жазо чораси тарзида) қамоққа маҳкум этилган шахслар сақланадиган қамоқ уйлари.

Прокуратуранинг фаолияти, энг аввало, уңдирилиб ўтилган муассасалардаги шахслар қонунда белгиланган асосларда ва тартибда сақланишини таъминлашга қаратилган. Қонунда ушлаш, қамаш билан боғлиқ барча масалалар батафсил регламентланган. Қонун ўзларига берилган қаттиқ мажбурий чоралар қўллаш ҳуқуқини турли важдлар билан сунистеъмол қиладиган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига тўсиқ қўяди.

Қонун ҳужжатларида озодликдан маҳрум қилиш асослари шундай мукамал баён этилганки, умуман олганда бу борада ўзбошимчалик қилишга мутлақо ўрин қолмаган. Расмий ҳужжатлаштириш қоидалари ва тегишли процессуал қарорлар ижроси тартиботи аниқ белгиланган. Қамоқда сақлаш, ундан озод қилишнинг муддатлари кун-ма-кун эмас, соатма-соат кўрсатилган. Ушлаш амалга оширилганлиги ҳақида прокурорни хабардор этиш шартлиги, қамоқда сақлаш муддатларини узайтиришнинг қатъий тартиби белгиланган. Идоравий назорат, суд, жамоат назорати ва бошқа назоратлар амал қилади.

Шунга қарамай, айрим ходимлар қонун қоидаларига зид ўлароқ ноқонуний қамаш ва сақлаш ҳолларига йўл қўядилар. Ҳар йили прокурорлар тергов изоляторлари ва ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида ноқонуний сақланаётган кўплаб одамларни озодликка чиқарадилар.

Ушланганларни, қамалганларни сақлашнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби ва шарт-шароитларига риоя этилишини назорат қилиш прокуратура фаолиятининг бошқа муҳим йўналиши ҳисобланади. Қонунбузарлар (суд ҳукмига, прокурор санкция берган терговчининг қарорига ва шу кабиларга биноан) мажбурий тартибда сақлаш учун кўчирилган жойларда қонун билан регламентланган режим амал қилади. Колониялар ва турмаларда режим жазонинг моҳияти ва мазмуини ифода этади, жазо эса, доимо адолат билан йўғирилган бўлади, яъни унда маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқларни чеклашнинг жамламаси акс топади. ТИ, ВСИда режим гумон қилинаётганларнинг, айбланувчиларнинг одилсудловдан яшириниш, жиноят иши бўйича асл ҳақиқатни аниқлашга қаршилиқ кўрсатиш учун қиладиган уринишларига тўсиқ қўйиш, жинойи фаолиятни давом эттиришларига йўл қўймаслик мақсадини кўзлайди.

Қонунбузарлар сақланадиган жойлар бир-биридан фарқланишига қарамай улар учун умумий хусусият гумон қилинаётганлар, айбланаётганлар ва маҳкумларни жамиятдан ажратишдир. Бундай ажратишнинг мазмуни шундаки, қонунбузарлар қўриқланадилар, доимий назорат остида бўладилар, бўлиб туриш жойларини ўз хоҳишларига кўра эмас, балки ҳокимият тегишли вакилларининг қонун талабларига асосланган қарорларига мувофиқ ўзгартиришлари мумкин. Айни шу тарзда уларнинг шахсий эркинлик, ҳаракат эркинлигини, яшаш жойини танлаш ва шу каби бошқа ҳуқуқлари жиддий чекланади.

Буларнинг барчаси жуда таъсирчан чоралар бўлиб, жиноят учун маҳкум этилган ёки уни содир этишда гумон қилиниб, асосли равишда айбланаётган шахсларнинг умумфуқаровий мақомига жиддий даҳл қилади. Боз устига, қонунда назарда тутилган ҳодаларда режим талаблари янада кескинлаштирилиши мумкин. Масалан, АТМларда оммавий тартибсизликлар келиб чиққанида ва айрим бошқа ҳолларда муайян муддатга алоҳида шарт-шароитлар режими жорий этилади. Бундай пайтларда қариндошлар ва яқин кишилар билан кўришиш, телефон орқали гаплашиш, адвокатлар билан учрашиш бекор қилинади, маҳкумлар озиқ-овқатлар ва бошқа зарур буюмлар сотиб олиш, посылка ва бандероллар олиш ҳу-

қуқидан маҳрум этиладилар, қисқа муддатли сафар, соқчи назоратисиз ҳаракат қилиш учун рухсат бериш тўхта-тилади.

Ҳазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумлар жарима-изоляторларига кўчирилиши, камерага ўхшаш биноларга ёки камераларга ўтказилиши мумкин бўлиб, уларда кучли чекловларга дуч келади, масалан, ташқаридан озиқ-овқат олиш, яқинлари билан кўришиш, посылкалар ва бошқа нарсалар олиш, телефон орқали гаплашиш ва шу каби ҳуқуқлардан маҳрум этиладилар.

Ўзлари учун белгиланган мажбуриятларга риоя этмаётган ушланганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан ҳайфсан эълон қилиш, 15 сутнагача нарцер ёки гауптвахтадаги ёлғизлар учун мўлжалланган камерага кўчириш каби жазо чоралари тайинланиши мумкин.

Режим нормалари ушланганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкум этилганларни жамиятдан ажратиб қўйиш билан бир қаторда уларни сақлашнинг бошқа томонлари: моддий-маиший ва тиббий-санитария жиҳатидан таъминлаш, меҳнатга, тадбирларга, умумий таълим ва касб-ҳунар тайёргарлигига жалб этиш, хавфсизлик чоралари қўллаш, янги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда бошқа шу кабиларни тартибга солади.

Бошқача қилиб айтганда, АТМ, ТИ, ВСИларида режимни таъминлаш ижро этилиши шарт бўлган қоидаларнинг жуда кенг жамламасига риоя этилиши билан боғлиқ. Бу қоидалар, энг аввало, қамоқхона «сайлгоҳ» эмаслигини амалда тасдиқлаш мақсадини кўзлайди. Бу борада прокурорлик назорати учун битмас-туганмас иш бор. Прокурорлик текшируви натижасида маҳкум этилганлар, ушланганлар ва қамоққа олинганларни қўриқлаш ва уларга соқчилик қилишни ташкил этишдаги турли-туман камчиликлар, режимнинг бўшашганлиги далиллари аниқланади ҳамда уларга барҳам берилади.

Прокуратура органлари АТМларининг молиявий, хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилади, ушбу фаолият маҳкумлари тўғри йўлга солиш, мажбурий меҳнатга жалб этишдан (қариялар, ногиронлар ва бошқа тоифадаги кишилар учун берилган тартибни истисно қилганда) иборат асосий вазифага бўйсундирилганлигига доир талаблар ижроси устидан кузатув олиб боради. Қамоқда сақланаётган шахс-

ларга нисбатан интизомий амалиёт, уларни моддий ва бошқа жавобгарликларга тортиш, озодликдан маҳрум этиш жойларида жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга тўсиқ қўйиш масалалари ҳам прокурорлик назорати соҳасига киради.

Ушланганлар, қамалганлар ва маҳрум этилганларни сақлашнинг амалда бутун режимини, уни ташкил этувчи қоидалар, шарт-шароитлар, чекловлар прокурорнинг ўт-нир назорати остидадир. Масалан, қонунда прокурор кўриб чиқиладиган орган ва муассасада сутканинг исталган вақтида, қонунбузарликка даҳлдор маълумот бор-йўқлигидан қатъий назар, текширув ўтказиш ҳуқуқига эга эканлиги кўзда тутилган. Бу эса, юқорида гап борган мақсадларга эришиш учун ҳам, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши учун ҳам зарур.

Иқтисодий, молиявий ва бошқа қийинчиликларга қарамай секин-аста жазони ижро этиш жараёнини инсонпарварлаштириш, ушланганлар, қамалганлар ва маҳрум этилганлар ҳуқуқларининг мазмуни ва ҳажмини умум томонидан қабул қилинган жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш рўй бермоқда. Ўзбекистон қатор шартномалар ва битимларнинг, масалан, маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари. Қайси шаклда бўлишидан қатъий назар, ушлагга ёки қамоққа маҳрум барча шахсларни ҳимоя қилиш принципларининг жамламаси ва шу каби бошқа БМТ ҳомийлигида қабул қилинган ҳужжатларнинг иштирокчисидир.

Бу борада ижобий ўзгаришлар, айниқса ушланганлар, қамоққа олинганлар ва маҳрумларнинг ҳуқуқларига даҳлдор катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Сўнгги йилларда бундай ҳуқуқлар ҳажми, уларни рўёбга чиқаришнинг юридик кафолатлари анча кенгайди. Масалан, ҳозир гумон қилинувчилар ва айбланувчиларга, қамоқда сақланаётганларга қонун билан берилган маҳсус ҳуқуқлар рўйхатининг ўзигина бир неча бандни ташкил этади. Барча масалалар юзасидан олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси устидан назорат қилиш прокуратура зиммасига юклатилган.

Озодликдан маҳрум этилган, шу жумладан, суд ҳукмига биноан озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқу-

қий ҳолатини тавсифлаш учун улар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолишлари ҳамда тегишинча Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ олий қадриятлар ҳисобланган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига эга бўлиши принципиал аҳамиятга эгадир. Бироқ, мазкур ҳуқуқлар ва эркинликларнинг муайян қисми чекланади, бу эса, уларга нисбатан қўлланиладиган давлат мажбурлов чоралар табиатдан келиб чиқади.

Озодликдан маҳрум этилган (ушланган, қамалган, маҳрум қилинган) шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига келсак, уларни чеклашга фақатгина Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ йўл қўйилади. Бундай чекловлар қонуности, шу жумладан, идоравий норматив ҳужжатларга ёки озодликдан маҳрум этиш жойи маъмуриятининг кўрсатмасига биноан жорий этилишига сира ҳам йўл қўйилмайди.

Маълумки, жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахслар фақатгина озодликдан маҳрум этишга эмас, балки ахлоқ тузатиш ишларига, жарима ва бошқа жазоларга ҳам ҳукм қилиниши мумкин. Унчалик катта бўлмаган ёки ўртача оғирликдаги жиноятлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан тарбия тусидаги мажбурий чоралар назарда тутилган. Ва ниҳоят, ақли норасо кишиларга, жиноят содир этган ва алкоголизм, гиёҳвандлик бўйича даволанишга муҳтож деб этироф этилган кишиларга нисбатан тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланади. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган чоралар, шунингдек уқтириб ўтилган барча давлат мажбурлови чоралари ижросининг қай даражада қонунийлиги прокурорлик назорати соҳасига киради.

Қонунийлик бузилганлигини аниқлаш, унинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида прокурорларга жуда кенг ваколатлар берилган. Бу ўринда, энг аввало, шунни таъкидлаш лозимки, тегишли муассасаларнинг жуда кўни ёпиқ тусга эга бўлишига қарамай, прокурорлар уларга қандайдир махсус рухсатномасиз монеликсиз кириш ҳуқуқига эгалар. Шахсий ташрифи вақтида прокурор бевосита маъмуриятнинг фаолияти билан танишади, қамоққа олиш ёки бошқа мажбурий чора қўллаш учун асос бўлган ҳужжатларни текширади, ушланганлар, қа-

моққа олинганлар ва маҳкум этилганларни сўроқ қилади, уй-жойларни, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш бинолари ва бошқа биноларни кўздан кечиради, суриштирув, тезкор-қидирув фаолиятига доир материалларни, интизомий амалиётни, мансабдор шахсларнинг буйруқлари, фармойишлари ва қарорларини ўрганади. Прокурор номига мурожаатнома (шикоятлар ва аризалар) жўнатишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган. Хусусан, АТМ маъмурияти маҳкум этилганнинг шикояти ёки аризасини бирор бир цензурасиз бир суткадан кечиктирмай прокурорга жўнатиши шарт.

Маъмуриятнинг айрим ҳатти-ҳаракатлари, хусусан, АТМда алоҳида шарт-шароитлар режимини жорий этишга, фақатгина прокурорнинг розилиги билан йўл қўйиладди, бу эса, қонунийлик бузилишининг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Назоратнинг бошқа тармоқларида бўлгани каби кўриб чиқиладиган соҳада ҳам аниқланган қонунбузарликка нисбатан прокурор муносабат билдиришининг энг кенг тарқалган шакли — протест ва тақдимнома, жиноят иши ёки маъмурий иш қўзғатиш тўғрисидаги қарордир. Муҳим жиҳати шундаки, муассаса маъмуриятининг протестга сабаб бўлган ҳужжатни протест кўриб чиқилгунга қадар ҳаракатдан тўхтатилади.

Прокурор қамоққа олинган, маҳкум этилган шахсларга нисбатан ноқонуний интизомий чора кўрилганлигини аниқлагач уларни дарҳол жарима изоляторида, камерага ўхшаш бинодан, якка одамга мўлжалланган камерадан, интизомий изолятордан озод қилади.

Қизиги шундаки, прокурорнинг АТМ, ТИ, ВСИларда, тиббий тусдаги ва бошқа мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларда фуқароларнинг ноқонуний сақлалиши далилларига нисбатан муносабат билдириши билан боғлиқ ваколатлари ҳуқуқ эмас, балки вазифа сифатида таърифланган.

Прокурорнинг ушланган, қамоққа олинган, маҳкум этилган мажбурий тусдаги чоралар қўлланилган шахсларни сақлашнинг қонунда белгиланган тартиби ва шарт-шароитларига даҳлдор қарорлари ва талабларини тегишли муассасаларнинг маъмурияти бажариши шарт.

ҲУҚУҚ-ЯХШИЛИК ВА АДОЛАТ САНЪАТИДИР

Қадимги Рим ҳуқуқшуносларининг ҳикматларидан бири ана шундай ифодаланади. Прокурорнинг суддаги фаолиятига бағишланган бобни бундай номлаш ғалати туюлса, ажаб эмас. Суд хайрия ташкилоти эмас, прокурор халқ оммаси онгида яхшилик тушунчасини англамайди. Нима бўлганида ҳам, суд шундай давлат муассасасики, унинг учун яхшиликни, адолатни қарор топтириш манфаатлари асосий вазифа ва ўзгалардан фарқловчи белгидир. Маълумки, яхшилик ва адолатни қарор топтириш турлича бўлиши мумкин. Суд ушбу мақсадга эришиш йўлида жиноят бўладими, қонун билан ҳимоя қилинган ижтимоий қадриятларга нисбатан фуқаролар ёки ташкилотларнинг ҳуқуқларини бузиш тарзидаги тажовуз бўладими, бундан қатъи назар, мунофиқлик ва адолатсизликка қарши кураш олиб боради. Прокурор эса, бу ишда суднинг энг фаол ёрдамчиси ҳисобланади.

Судда ишларнинг кўриб чиқилишида прокурорнинг иштирок этиш унинг фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. ишларнинг муҳокамасида иштирок этиш суд тизимининг барча бўғинларида, турли асослар бўйича ва турли шаклларда амалга оширилади. Шулардан бири судда жиноятни таъқиб қилиш бўлиб, унда прокурор давлат айбловчиси сифатида иш кўради.

Прокурор, яъни давлат айбловчисининг иши ўзигача хусусиятга эга. Унинг вазифаси жиноят қонунини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича чора-тадбирлар кўриш орқали давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Жиноят содир этганларни таъқиб қилар экан, давлат фуқаролар, жамият ва ўз мулкдорларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадига асосланади. Давлат ҳимоя қиладиган манфаатлар доимо оммавий, яъни ижтимоий аҳамиятга моликдир.

Прокурорлар соф кўринишдаги оммавий манфаатларнинг бузилиши билан боғлиқ ишларда иштирок этиш билангина чекланишмайди. Улар хусусий тусдаги оммавий манфаатларга даҳлдор айбловни ҳам қўллаб-қувватлашга ҳақлидирлар ва қўллаб-қувватлашлари шарт. Бундай вазиятлар учун хос хусусият — бузилган манфаат-

ларнинг бутун жамият учун аниқ ифода этилган Ижтимоийлиги, аҳамиятлигидир. Бироқ, жиноятдан жабр кўрган шахслар учун ёмон оқибатлар келиб чиқиши эҳтимоли мавжудлиги туфайли жиноят иши уларнинг розилиги билангина қўзғатилиши мумкин.

Масалан, қонун чиқарувчи хусусий тусдаги оммавий айблов тоифасига киритган номусга текканлик тўғрисида жиной иш қўзғатиш масаласи юқорида баён этилгани тарзида ҳал этилади. Бундай ишлар жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатилади, бироқ, жабрланувчининг айбланувчи (судланувчи) билан келишувига биноан тўхтатилмайди. Шикоят тушгани тақдирда жабрланувчи муайян сабабларга кўра мустақил равишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга шикоят топширишга қодир бўлмаганида жиноят иши қўзғатилади.

Ва ниҳоят, прокурор бўҳтон, камситиш, муштлашиш каби хусусий айблов деб аталмиш ишлар бўйича ҳам ишда иштирок этиш ва айбловни қўллаб-қувватлаш имкониятидан маҳрум эмас. Умумий қоидага мувофиқ бу каби ишларда прокурорнинг иштирок этиши талаб қилинмайди. Бундай ишларни қўзғатиш ва тўхтатиш тартиботи ҳам шундан далолат беради. Хусусий айблов ишлари фақатгина жабрланувчининг шикоятига асосан қўзғатилиб, жабрланувчи айбланувчи (судланувчи) билан келишган тақдирда тўхтатилиши керак.

Уқдириб ўтилган ишлар бўйича айбловнинг асослилиги кўп жиҳатдан жабрланувчининг ўзини хафа қилган кишининг ҳатти-ҳаракатларини қандай қабул қилганлигига боғлиқ. Бироқ, айрим ҳолларда бундай ишлар оммавий аҳамият касб этиб, кенг ижтимоий тус олади. Бу ўринда нафақат хусусий манфаатларни, балки жамият ва давлат манфаатларини, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тақозо қилинади. Прокурор бундай ишлар бўйича судда айбловни қўллаб-қувватлашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори прокурорларга уюшган гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар, бандитизм, қасддан одам ўлдириш, порахўрлик, контрабанда ва бошқа хавфли жиноятлар каби ўта муҳим тоифадаги ишлар бўйича, вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар бўйича, шунингдек прокурорнинг иштироки зарурат бўлган бошқа ҳолларда айбловни

имкон қадар тўла-тўқис қўллаб-қувватлаш тўғрисида йўлланма беради.

Суд муҳокамасида қатнашаётган прокурор эътиборли шахсдир. Суд мажлислари залида ҳозир бўлган жараён қатнашчилари, одатда, прокурор ҳатти-ҳаракатларини ниҳоятда диққат билан кузатадилар ва унинг берадиган баҳосига ўта талабчанлик билан ёндошадилар. Судда прокурорнинг, алмисоқдан қолган гап-сўзлари кескин таъқидга дучор бўлади. Прокурор ортиқча фаоллик кўрсатса, ҳужумкорлик қилса ҳам унга шавқат йўқ. Ўзбекистонда прокурор деганда одамлар кўз ўнгида судни эҳтимол тутилган турли хатоликлардан огоҳ қилувчи, кўриб чиқиляётган иш ҳолати тўғрисида ҳолис фикрни юзага келтирувчи суднинг энг яқин ёрдамчиси гавдаланади. Прокурордан доимо босиқлик, сабр-бардошлилик, ишни икир-чикиригача батафсил билиш, суд ҳал этиши лозим бўлган масалаларни аниқ ва лўнда ўртага қўйиш, баҳо беришда етти ўлчаб, бир кесиш талаб қилинади. Одатда, бундай талаб ўзини оқлайди. Бироқ, шони курмаксиз бўлмаганидек, баъзи ачинарли, аниқроқ қилиб айтганда, йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Суд вақтида прокурор ўз ҳатти-ҳаракатининг йўналишини белгилаш ва қарор қабул қилишда мустақил иш кўради. Ҳеч ким, ҳатто Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ҳам, давлатнинг олий мансабдор шахслари ҳам прокурорга судда қандай мавқени эгаллаши тўғрисида кўрсатма ёки «маслаҳат» бера олмайдилар. Прокурорнинг суддаги ҳатти-ҳаракатлари учун қонун ва иш материаллари асосий, белгиловчи манба ҳисобланади. Унинг айблов хулосасига, ҳатто уни ўзи тасдиқлаган бўлса ҳам алоқаси бўлмайди. Башарти, тергов органлари келтирилган айблов судда ўз тасдиғини топмаса, прокурор уни рад этишга ҳақли.

Иш бўйича прокурорнинг мавқеи турли шаклларда ўз ифодасини топиши мумкин. Хулоса — энг кенг тарқалган шакл ҳисобланиб, у прокурорнинг қонунда назарда тутилган ҳолларда судда баён этадиган фикридан иборат бўлади. Бундан ташқари у судга суд муайян ҳаракатларни бажариши (гувоҳларни чақириши, ҳужжатларни ишга илова қилиши ва бошқа шу кабилар) тўғрисидаги илтимос-аризаси билан мурожаат қилишга, судга (қонунни

қўллаш, жазо чораси юзасидан) ўз фикрларини айтишга, (суд тергови тартиби, айбловнинг моҳияти бўйича суд қарорини таърифлаш тўғрисидаги) ўз таклифларини баён этишга ҳақли.

Таъкидлаш лозимки, суд учун прокурорнинг аризаси ва хулосаси мажбурий тусга эга эмас. Бу борада прокурорнинг ролни ошириб юбормаслик керак. Бироқ, прокурорнинг қудрати ўз мавқеини қонун қоидалари бўйича асослаб беришида эканлигини ва башарти, тутган мавқеи қонун нуқтаи назаридан бенуқсоқ бўлса, суд прокурорнинг фикрини рад эта олмаслигини ҳам унутмаслик керак.

Ўз фикрлари асосли ва қонуний эканлигига судни ишонтириш учун прокурор зиёда воситаларга эга. Ишнинг прокурор иштирокида кўриб чиқилишида бир марта бўлсагина ҳам қатнашган киши суд мажлисининг очилишидан бошлаб то яқунлангунича прокурор бир сония бўлса ҳам фаолиятини тўхтамаслигини ўз кўзи билан кўради.

Маълумки, қонунга биноан суд мажлиси тайёргарлик кўриш қисми, суд тергови, суд музокаралари, қарор қилиш ва ҳукмни эълон қилишдан иборат. Мажлисда юзага келадиган масалаларни суд прокурорнинг хулосасини албатта инobatга олган ҳолда ҳал этади. Тайёргарлик босқичида асосий эътибор суд чақирган кишилارнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлигини аниқлашга, жараён қатнашчиларининг ҳуқуқларини тушунтириш ва аризаларини кўриб чиқишга қаратилади. Суд чақирган кишилардан бирортаси ҳозир бўлмаса, мушкуллик пайдо бўлади. Афсуски, бундай ҳолат тез-тез учраб туради. Бунда юзага келадиган вазиятни прокурор ўз хулосасида ҳозир бўлмаган кишиларнинг процессуал ҳолати ва ҳозир бўлмаганлик сабабларининг асосларига, суд муҳокамаси иштирокчиларининг фикрига қараб, турлича баҳолаши мумкин.

Умумий қоидага мувофиқ судланувчининг судга келмаслигига йўл қўйиб бўлмайди. Бу борада қонунда иккита истиснога йўл қўйилган. Яъни, асл ҳақиқатни аниқлаш учун тўсқинлик қилмаса (судланувчи мамлакат ташқарисида бўлиб, судда ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган бўлса) ёки судланувчи (озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин бўлмаган жиноят иши юзасидан) ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқиш илтимоси билан мурожаат қилган бўлса, ишнинг муҳокамаси

судланувчининг иштирокисиз ўтказилиши мумкин. Шундай қилиб, судланувчининг судда ҳозир бўлмаслиги амалда ишни кўриб чиқиш имкониятини истисно қилиб, муҳокамани бошқа кунга кўчириш учун асос бўлади. Ҳимоячи ҳозир бўлмагани тақдирда ҳозир бўлмаганликнинг сабаблари, ушбу суд мажлисида ҳимоячини бошқаси билан алмаштириш имкониятининг бор-йўқлиги, бундай алмаштиришга судланувчининг рэзи бўлиши-бўлмаслиги принципиал аҳамиятга эгадир. Прокурор айтиши ана шу вазиятлардан келиб чиққан ҳолда ўз хулосасини тузади.

Башарти, судланувчи айтиши дастлабки адвокат ҳимоя қилишини қатъий талаб қилса, ҳимоячининг узрли сабабларга кўра ҳозир бўлмаслиги (бетоблиги, узоқ муддатли хизмат сафарида эканлиги, навбатдаги таътилга чиққанлиги) сўзсиз, иш кўриб чиқилишини кейинга қолдириш заруратини келтириб чиқаради. Агар ҳимоячининг ҳозир бўлмаслигига судланувчи унинг хизматини рад этиб, ўрнига бошқа одам тонганлиги сабаб бўлса, суд мажлиси давом эттирилиши мумкин.

Зарурат тақозо этса, суд ишга янгидан киришга ҳимоячи суд муҳокамасида иштирок этиши учун тайёрланишига кетадиган вақт баробарида танаффус эълон қилиши мумкин. Башарти, судланувчи ҳимоячини рад этиб, судда ўзини ҳимоя этишга қарор қилган ҳолларда ҳам суд мажлиси бошқа вақтга кўчирилмайди. Ҳимоячининг ҳозир бўлмаслиги, одатда, узрли сабаблар билан боғлиқ бўлади, аксарият ҳолларда прокурор ишнинг кўриб чиқилишини бошқа вақтга қолдириши заруратини асословчи мавқеда туради. Бундай мавқе қонуннинг судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш, иш ҳолатини тўлиқ ва холис ўрганиш тўғрисидаги талабларига асосланади.

Жараён қатнашчиларининг ҳуқуқларини тушунтириш, аризалар бериш ва уларни ҳал этиш тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилишини таъминлашда ҳам прокурор жиддий роль ўйнайди.

Жараён қатнашчиларининг ҳуқуқларини тушунтириш суд вазифаларининг энг муҳимларидан биридир. Бироқ, бу вазифа кўпинча расмиятчилик учунгина бажарилади. Оқибат натижада жараён қатнашчилари суёт иштирок этадилар, суёт муҳокамаси бир томонлама тус касб этади, ишни судда тўла-тўқис ва холис кўриб чиқишга путур

етади. Ваҳоланки, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида жараён қатнашчиларининг ҳуқуқларига катта эътибор қаратилганлиги бежиз эмаслигини унутмаслик керак. Бундай ҳуқуқларга риоя этилиши, энг аввало, жиноят судловида шахс манфаатларини ҳимоя қилишга, судда асл ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун қонуннинг матнига мурожаат қилиш kifоя.

Унда судланувчининг ҳуқуқлари тўғрисида қуйидагилар айтилган. Судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга, нима учун айбланаётганлигини билишга, қўйилган айблов бўйича тушунтиришлар беришга, далил-исботлар тақдим этишга, аризалар бериш ва рад этишга, прокурор ва суднинг ҳатти-ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоят қилишга, қонунга зид бўлмаган бошқа воситалар ва усуллар орқали ўз ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақли.

Судланувчи ҳуқуқларининг мазмуни унга қўйилган айбга нисбатан ўз мавқеини фаол қилиш, ҳолис баҳо берилишига, башарти, айбдор бўлмаса, ўзининг оқланишига эришиш имконини беради. Худди шу каби жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакилларига ҳуқуқлар ҳам ўз манфаатлари тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш имконини беради. Уларнинг ҳуқуқларини чеклаш, камситиш иш натижасига салбий таъсир этиши мумкин. Ишни объектив кўриб чиқиш учун суд мажлисида иштирок этадиган экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга берилган ҳуқуқларнинг рўёбга чиқарилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Башарти, суд ўз зиммасидаги суд муҳокамаси қатнашчиларига уларнинг ҳуқуқларини тушунтириш борасидаги вазифаларини лозим даражада бажармаган бўлса ёки расмиятчилик учунгина бажарган бўлса, прокурор бу ҳолга суднинг эътиборини қаратиши ва йўл қўйилган хатоини тузатишни таклиф қилиши керак. Суд жараёни — ҳатто профессионал юристлар учун ҳам ҳаракатларнинг мураккаб тизимидир. Шунинг учун суднинг ролини унутмаслик керак, бинобарин, қонун унинг зиммасига юридик жиҳатдан яхши тайёргарликка эга бўлмаган бир пайтда судлов ишларига аралашиб қолган киши толиқиб ва довдираб қолмаслиги, ўз ўрнини тўғри англаб етиши, ўзига бе-

рилган ҳуқуқларни билиши ва улардан фуқаро сифатида масъулият билан фойдаланиши, бўйнидаги мажбуриятларни ҳалол бажариши учун имкон қадар тўла-тўқис ша-роит яратиб бериш мажбуриятини юклайди.

Суд мажлисига тайёргарлик кўриш даврида тушган аризаларни суд томонидан кўриб чиқилиши тартиботи ҳам прокурор учун кенг фаолият майдонидир. Эслатиб ўта-миз, прокурор, яъни давлат айбловчиси қонунга биноан ўзи ҳам судга ариза билан мурожаат қилишга, бундан ташқари суд муҳокамасининг бошқа иштирокчилари то-монидан баён этилган аризалар тўғрисида ўз фикрини баён этишга ҳақли.

Судга берилган аризаларда баён этилган илтимослар жуда кенг қамровли бўлади. Уларда янги гувоҳларни чақириш, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни сўраб олиш ёки ишга илова қилиш, экспертизалар ўтказиш ва шу каби бошқа масалалар ўртага қўйилиши мумкин. Акса-рият ҳолларда аризалар асосли бўлиб, ўзига хос равиш-да жиноятларни дастлабки тарзда тергов қилувчи орган-лар йўл қўйган нуқсонлар ўрнини тўлдириш имконини беради. Бироқ, шундай ҳоллар ҳам бўладикки, улар жи-ноят ишига доир материаллардан хабарсизлик оқибатида ёзилган бўлиб, ишга алоқадор бўлмаган ҳолатларга таал-луқли бўлади. ёки қўшимча бирор-бир маълумот бермай-ди.

Аризаларнинг шундай бир тури ҳам мавжудки, улар иш кўриб чиқилишини чўзиш, ишни қўшимча терговга жўна-тиш, иш асоссиз равишда тўхтагилишига эришиш мақ-садини кўзлайди. Табиийки, прокурор адолатли ариза-ларни қўллаб-қувватлаши керак, бироқ айни бир вақтда ундан рад этилиши лозим бўлган аризаларга аниқ баҳо бериш талаб қилинади.

Судьяларни, жараённинг бошқа қатнашчиларини рад этиш ва ишни тўхтайтиш тўғрисидаги ишларни кўриб чи-қиш прокурорлар учун айниқса мураккаб. Қонунда суд муҳокамасининг у ёки бу қатнашчисини рад этиш асос-лари аниқ таърифлаб берилган бўлса-да, кўп ҳолларда ариза муаллифлари баён қилган ҳолларни қонун талаб-ларига мослаштириш қийин кечади. Дейлик, судья муай-ян ишдан шахсан, тўғридан-тўғри ёки бевосита манфаат-дор деб ҳисоблаш учун асос бўладиган «бошқа ҳолатлар»-

Ий судъяни рад этиш учун сабаб сифатида қандай тушуноқ керак. Агарда у сал олдиноқ судланувчининг қариндошларидан бирини суд қилган бўлса ёки бир неча йил муқаддам у билан бир мактабда ўқиган ёхуд судланувчи хизмат бўйича тез кўтарилаётганлигига ёинки турмушининг моддий жиҳатдан фарвонлигига ҳасад қилаётган бўлса-чи?

Аслида буларнинг ҳаммаси ҳам осон гап эмас. Бу ўринда гап нафақат жараён бошқа қатнашчиларининг рад этиш тўғрисидаги аризаси хусусида прокурор қандай фикрга келганлиги ҳақида эмас, балки кўпроқ тегишли асослар мавжуд бўлгани тақдирда рад этиш тўғрисида ариза бериш мажбурияти ҳақида бормоқда. Ушбу масала қораловчи томонидан мавжуд далилларга вазминлик билан, ҳар томонлама баҳо бериш асосида ҳал этилади. Эътибор беринг-а, миш-мишларга эмас, айна далилларга баҳо бериш асосида ҳал этилади.

Баъзида баён этилган рад этишни суд томонидан ҳал қилинишида прокурор рад этиш қай даражада мақсадга мувофиқлигига асосланади, рад этилиши лозим бўлган шахсинг ўрнига одам топиш қийинлигини назарда тутди. Амалиётда турли ҳоллар учрайди. Масалан, муайян жойда малакали таржимоннинг йўқлиги сабабли таржимонлик вазифаси тегишли тилни билладиган суд мажлисининг котибига, маслаҳатчига топширилади, жараён қатнашчиларининг қариндошлик алоқалари инкор қилинади. Барча ҳолларда бўлгани каби бошқа шахсларнинг ҳагти-ҳаракатларига баҳо беришда прокурор учун асосий мезон қонундир. У юқоридаги каби вазиятларда айна қонун талабларига асосланган ҳолда иш кўриши керак.

Ишни тўхтатиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш вақтида прокурорнинг зиммасида катта масъулият ётади. Ушбу масала суд томонидан муҳокама қилинишида моҳиятан олган прокурорнинг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Агарда жиноят иши юритишни истисно қилладиган вазиятлар мавжуд бўлса, прокурорнинг ишни тўхтатиш тўғрисидаги таклифга қўшилишдан бошқа иложи қолмайди, албатта.

Бироқ, ҳаракат содир бўлаётган жой суд мажлиси эканлигини унутмаслигимиз керак. Бу вақтга келиб, суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказилган бўлиб, судланувчи

айбдорлигидан далолат берувчи далил-исботлар тўпланган ва эҳтимол унинг айбсизлиги тўғрисидаги ўз важлари кўриб чиқилган бўлади. Далил-исботлар базиси айблов хулосасини тасдиқланган прокурор томонидан таҳлил этилган бўлади. Ариза қанчалик ишончли тарзда ёзилган бўлмасин, фақат муайян томоннинг фикрини ифода этади, шунинг учун унда баён этилган фикр-мулоҳазалар текшириб чиқишни тақозо қилади.

Бундай аризаларни муҳокама қилиш вақтида иш ҳолатининг аниқ тавсифидан келиб чиқиб, прокурор тўлатўкис салбий мавқеда бўлиш ҳуқуқига эга бўлади. Фикримишча, бу борада хусусий ва хусусий-оммавий тусдаги жиноятлар тўғрисидаги ишларга муносабат истиснога эга бўлиши мумкин. Башарти, хусусий айблов тўғрисидаги ишни тўхтатиш ҳақидаги ариза томонларни келиштириш тўғрисидаги ариза билан мустаҳкамланган бўлса ёки бундай ариза жабрланувчининг шикоятини йўқ бўлган иш хусусида бўлиб, иш фақатгина унинг аризага мувофиқ қўзғатилиши мумкин бўлса, табиийки, бундай аризалардаги талаблар қондирилиши лозим ва прокурорда бошқача фикр бўлиши мумкин эмас.

Ишни тўхтатиш қонунга зид бўлган бир пайтда жиноятни тергов қилган органлар қўпол хато ва нуқсонларга йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолганлиги каби мураккаб вазиятларда прокурор, одатда, ишни қўшимча терговга жўнатиш ташаббуси билан чиқади.

Давлат айбловчиси судда олиб борадиган ишининг энг қизгин палласи суд тергови даврига тўғри келади. «Суд тергови» деб аталишининг ўзи бежиз эмас. Бу жараён дастлабки терговга хос бўлган изларни қидириб топиш, далил-исбот материалларини тўплаш ва текшириш, жиноят воқеасининг ҳолатларини ва уни содир этган шахснинг қай даражада айбдорлигини тадқиқ этиш жараёнининг худди ўзгинаси бўлиб, унда фарқи суд томонидан амалга оширилишидадир.

Дастлабки тергов судга ўз материалларини тақдим этади, унинг фикр-мулоҳазалари узил-кесил тусга эга бўлади. Барчага маълумки, шахснинг жиноят содир этишдаги айбдорлигини аниқлаш, одамни жиноятчи сифатида эътироф этиш фақат суд зиммасидаги вазифадир. Суд

тергови исботловчи маълумот олиш мақсадини кўзлайди. Бундай маълумот пировард натижада судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги тўғрисида узил-кесил хулоса чиқариш учун асос бўлади.

Дастлабки тергов аксарият пайтларда далил-исботлар тақчил бўлган бир вазиятда бошланади. Жиноятни очиш — жуда кўплаб мавҳумликларга тўқнаш келаётган вазифадир. Кўпинча нолдан иш бошлаган терговчи жиноят содир этилган вазиятга тааллуқли маълумотлар доирасини секин-аста кенгайтириб боради. Бунда терговчи оқибат-натижада фақат биттасигина тасдигини топаётган турли таҳминларни текширар экан ишга алоқадор маълумотлар доирасидан анча четга чиқади.

Бу жиҳатдан олган суднинг вазияти афзал даражада. У таҳминий айбловларни биледи, унинг қай даражада асослиги эканлигига баҳо беришнинг реал имкониятларига эга. Терговчининг, суриштирув органининг меҳнатлари эвазига суд аҳамиятга эга бўлмаган маълумотларни аниқлашга куч ва вақт сарфламайди. Суд дастлабки тергов материалларига боғланиб қолмаган ва у бажарган барча ишларни такрорлаши шарт эмас.

Суднинг вазифаси — ишга доир далил-исботларни тўлиқ ва атрофлича ўрганиб, уларга ҳолис баҳо бериш. Шундан келиб чиққан ҳолда айблов версиясини якнаю-ягона тўғри таҳмин деб ҳисобламайди ва ўзи илгари сураётган суд версияларини текшириш асосида суд терговини ўтказиши. Суд версияларини текшириш қонунда назарда тутилган процессуал ҳаракатлар орқали амалга оширилади.

Суд тергови ўтказилиши вақтида прокурорнинг роли жуда масъулиятлидир. Суд тергови айблов хулосасини ўқиб эшиттириш билан бошланади. Шундан кейин судланувчининг (судланувчиларнинг) қўйилган айбга нисбатан муносабатини аниқлаб олинган, Суд терговини юриштириш тартибининг белгиланишига киришилади. Суд бундай ҳолатда суд муҳокамаси қатнашчиларининг таклифларини назарда тутган ҳолда қарор қабул қилади. Биринчи бўлиб давлат айбловчисининг таклифлари эшитилади.

Бундай пайтда айбловни қўллаб-қувватлаётган прокурор ҳаракатларини кузатиб бораётган киши кўпинча унинг ўз таклифларини осон, лўнда ва ҳақ эканлигига комил ишонч билан баён этаётганлигини кўриб қойил қолади.

Аслида эса, бу иш фақат ташқаридангина енгил ва осон кўринади. Прокурор таклифларининг замирида чуқур мушоҳада, суд тергови юритишнинг эҳтимол тутилган барча вариантларининг синчковлик билан ўтказилган таҳлили, асл ҳақиқатга эришиш йўллари ва воситаларининг таҳлили ётади.

Суд тергови давомида далил-исботларни тадқиқ этиш тартибини белгилаш — осон иш ҳам эмас, техник вазифа ҳам эмас. Бу, энг аввало, суд муҳокамасининг тактик масалаларидир. Суд тергови бир текис, олдиндан режалаштирилган сценарий бўйича ўтадиган фаолият эмас. Бу жараёнда доимо кескин зиддиятли вазиятни юзага келтириш мумкин бўлган қарама-қарши манфаатлар тўғри келади.

Суд фаолиятининг асосий йўлини, процессуал ҳаракатларнинг мақбул кетма-кетлигини тўғри танлай билишнинг аҳамияти кўпинча асл ҳақиқатни аниқлашда тегишли далил-исботлар мавжудлигининг аҳамиятидан кам бўлмайди. Қўмондон ғалабага олиб борадиган ҳаракат вариантини танлаганидек, прокурор ҳам далил-исботларни тадқиқ қилиш тўғрисидаги таклифини баён этар экан, судлов вазифаларини ҳал этиш учун далил-исботларни таҳлил этишнинг энг мақбул схемасини назарда тутаяди.

Суд тергови юритиш тартибига нисбатан ўз мавқеини шакллантиришда прокурор жуда қўплаб омилларни назарда тутаяди. Башарти, судланувчи ўз айбини эътироф этса ва унинг айби иш бўйича тўплаган бошқа далил-исботлар билан ўз тасдиғини топса, муҳокамани судланувчини сўроқ қилишда бошлаш, шундан кейин жабрланувчиларни, гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертларнинг хулосасини ўқиб эшиттириш, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни ўрганиш, бошқа ҳаракатларни бажариш мантиқан тўғри бўлади.

Мураккаброқ вазиятларда, яъни судланувчи (улар бир неча киши бўлса, судланувчиларнинг барчаси ёки айримлари) ўз айбини инкор этса, тадқиқот тартиби бошқача бўлиши мумкин. Бундай ҳолда жиноятнинг ҳолатлари тўғрисида ҳаққоний гапириб беришга қодир бўлган судланувчиларни, жабрланувчиларни, (хабардорлиги нуқтаи-назаридан) энг муҳим гувоҳлар ва бошқаларни сўроқ қилиш биринчи ўринга чиқади.

Бошқа вариантлар ҳам бўлиши мумкин. Суд тергови тартиботини белгилашга нисбатан тактик жиҳатдан синовдан ўтган ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги эканлигига прокуратура ва суд амалиётидаги кўплаб далиллар мисол бўла олади. Масалан, гуруҳ бўлиб номусга текканлик тўғрисидаги иш бўйича тўрт нафар судланувчидан фақат биттасигина айбига иқдор бўлган. Дастлаб судланувчиларнинг қайси бири жиноят содир этилишида қандай роль ўйнаганлигини ҳисобга олмаган ҳолда алфавит тартибида сўроқ қилинди. Кейин гал жабрланувчига келди, шундан сўнг ашъвий далиллар кўздан кечирилди, суд-тиббиёт экспертизасининг хулосаси ўқиб эшиттирилди, гувоҳлар сўроққа тутилди. Тўғри, гувоҳлар жиноят воқеасининг бевосита шоҳидлари эмасди. Шунинг учун уларнинг кўрсатмалари тўғридан-тўғри далил-исбот аҳамиятига эга бўлмаган.

Суддаги муҳокама шундай тарзда борди-ки, айбига иқдор бўлмаган судланувчилар айбини эътироф этган судланувчи ва жабрланувчи ўз мавқеини ўзгартиришига муваффақ бўлишга. Бу ҳол судга жиноят содир этилишида ҳар бир судланувчининг ролини узил-кесил аниқлаш учун тўсқинлик қилади.

Ишни янгидан кўриб чиқиш вақтида прокурорнинг таклифига биноан биринчи навбатда ўзининг дастлабки кўрсатмаларига қайтган судланувчи, жабрланувчи сўроқ қилинди. Кейин эса, қолган суд ҳаракатлари амалга оширилди. Ишни кўриб чиқишни аввалги ўзанга буриб юборишга бўлган уринишларга қарамай прокурор саволларнинг ўйлаб тузилган тизими ёрдамида дастлаб биринчи судланувчининг, кейинчалик эса, бошқа судланувчиларнинг номусга тегиш ташаббускори ким бўлганлиги, жиноятга тайёргарлик кўришда судланувчилар қандай режага асосланганликлари, жабрланувчига нисбатан қандай таъсир воситаси назарда тутилганлиги, жинойи режани амалга оширишда кимга қандай роль тақсимланганлиги, ҳар бир судланувчи жиноят давомида қандай конкрет ҳаракатлар содир этганлиги тўғрисидаги саволларга жавоб олишга муваффақ бўлган. Суд жараёни адолатли, айблов ҳукми билан ниҳояланган.

Далил-исботларни ўрганишда прокурор зиммасига жиддий юк тушади. Прокурор судланувчини, гувоҳларни сўроқ қилиш вақтида фаоллик кўрсатиши шарт. Бунда суд муҳокамасининг бошқа қатнашчиларига нисбатан дастлабки тергов материалларини анча тўлиқ биладиган прокурорнинг (суд назарда тутилмаяпти) саволлари сохта кўрсатмалар бераётган шахсларни хушёр торттиради, суд терговини керакли ўзанга буриб имконини туғдиради.

Шахсий мол-мулк ўғирланганлиги ишларнинг бири юзасидан прокурор айбини рад этаётган унинг ўз алибидан келиб чиққан ҳолда ўртоғининг тўйига борган-бормаганлиги ҳақида сўраган. (Тўй воқеа содир бўлган аҳоли пунктида бўлиб ўтиб, судланувчи ўз алибисини исботлаш мақсадида ана шу тўйни тилга олганди). Бир қарашда савол унчалик ҳам аҳамиятли туюлмайди. Судланувчи ўз жавобида тўйга бормаганлигини айтган. Кейинги берган туркум саволлари ёрдамида давлат айбловчиси судланувчини ўғирлик содир этилишида иштирок этганлигига иқдор бўлишга мажбур этган.

Прокурор ҳужжатлар устида ишлай билиши, керакмансаб жиноятлари, иқтисодий ва бошқа кўплаб жиноятлар бўйича ҳужжатлар асосий далил-исбот манбаларидан бири сифатида хизмат қилади. Ҳойда тариқасида, суд томонидан ҳужжатлар ўрганилишида прокурорлар иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни аниқлаш учун ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида яхши хабардор эканликларини намоён этадилар. Давлат мулкани талон-тороғ қилиш тўғрисидаги иш бўйича прокурор касса ҳисобларидан қайд этилган тушум миқдори билан банкка топширилган пул миқдори ўртасидаги тафовутга эътиборни қаратди. Ўртадаги фарқ айрим пулларнинг ўн баробарни ташкил этарди. Бундай номувофиқликнинг сабабларини аниқлаган прокурорга шу нарса маълум бўлдики, тушум энг кам бўлган кунлар унинг бир қисмини жиноятчилар ўзлаштириб боришган.

Чамаси, инкор этиб бўлмайдиган далил. Бироқ, тергов бунга эътиборни қаратмаган, прокурор эса, ундан судланувчининг айбини исботлаш воситаси сифатида фойдаланган. Прокурор судланувчига шундай саволлар бердики, олинган жавоблар шубҳали пуллар тушум миқдори камайишига сабаб қилиб кўрсатиладиган барча вариант-

ларни йўққа чиқарди. Прокурор ишни судланувчи айбига иқроф бўлишига олиб келди. Хужжатларни, масалан, мулкдорнинг (пировард натижада ўлдирилган) хусусийлаштирилган ўз квартирасини ўзгалаштиришга доир хужжатларни малакали таҳлил қилиш ғаразгўй қотилларни фош этишда жиддий роль ўйнаши мумкин.

Ҳозирги шарт-шароитларда жиноятчилар барча жойларда техника билан яхши жиҳозланганлиги, махсус билимлардан кенг фойдалана олиши прокурордан экспертлар ва мутахассисларнинг хулосаларидан моҳирона фойдаланишни талаб қилади. Бу аксиомани давлат айбловчиларнинг аксарияти яхши ўзлаштирган. Бироқ, бу — улар барча қийинчиликларни ҳам енгиб, ўтмоқдалар, дегун гап эмас, албатта. Шундай бўлса-да, экспертларнинг хулосалари ишларни судда муҳокама этишда борган сари кўпроқ аҳамият касб этиб бормоқда.

Суд жараёнининг чўққиси — томонларнинг музокаралари бўлиб, бу музокаралар айбловчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар (ёки уларнинг вакиллари), ҳимоячи ва агар, мажлисда ҳимоячи иштирок этмаётган бўлса, судланувчининг нутқларидан ташкил топади. Давлат айбловчиси ҳисобланмиш прокурор ўз нутқида далил-исботларни чуқур таҳлил этиши, содир этилган жиноятга ҳуқуқий баҳо бериши. Судланувчининг шахсини ахлоқий-психологик жиҳатдан таърифлаши, жиноят содир этган шахсининг ҳатти-ҳаракатини квалификация қилиши, жазо чораси тўғрисида фикр билдириши лозим. Судда иш кўриб чиқилишининг чўққиси (ҳукм эмас, балки) суд музокаралари дейишимизга сабаб шуки, айбловчи ва ҳимоячининг нутқлари иш бўйича ҳукм чиқарилишида суднинг мавқеига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Айблов нутқини сўзлар экан, прокурор ҳолис ва одил бўлиши, қонун мавқеида қатъий туриши, ҳеч кимнинг шахсиятини камситишга йўл қўйилмаслиги керак.

Умумий қондага биноан, айблов нутқи сўзлаш суд томонидан жиноят иши кўриб чиқилишида прокурор иштирок этишининг якуний босқичини англатади. Бироқ, давлат айбловчисининг (ҳимоячининг ҳам) яна бир муҳим ҳуқуқи — луқма ташлаш ҳуқуқи бор. Бошқача қилиб айтганда, у ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар (уларнинг вакиллари), судланувчи (башарти, ишда

ҳимоячи иштирок этмаётган бўлса) нутқларида баён этилган фикр-мулоҳазалар юзасидан қўшимча равишда сўзга чиқишга ҳақли. Малакали, ишга масъулияг билан ёндашадиган айбловчи ҳимоячи нутқининг эҳтимол тутилган барча вариантларини олдиндан кўра билади ва ўз нутқида бўлиб ўтган нохуш гап-сўзларга барҳам беради.

Прокурор ўзининг алоҳида мавқеига эга буни доимо ёдда тутиши керак. У давлат вакили ҳисоблангани ва шунинг учун давлат сингари доно ва адолатли, фикр-мулоҳазалари жўяли бўлиши, ўзининг барча ҳатти-ҳаракатлари билан судда заррача бўлса ҳам қонунбузарликка йўл қўймаслик муҳитини яратиши керак.

Айбловни қўллаб-қувватлаш қанчалик муҳим бўлмасин, прокурорнинг умумий юрисдикциядаги судлар томонидан ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятининг фақат бир қисминигина ташил этади. Бошқа қисми эса, прокурорнинг фуқаролик жараёнидаги иштирокидан иборатдир.

Фуқаролик жараёни — фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш шаклини рўёбга чиқариш борасидаги фаолият, янада аниқроқ қилиб айтганда, суд томонидан фуқаролик ҳуқуқи тўғрисидаги низоларни ҳал этиш тартиботидир. Низоларни суд тартибида қараб чиқиш ҳозирги пайтда умум томонидан эътироф этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир киши ҳимоя қилиш илтимоси билан судга мурожаат этиши мумкин. Фуқаролик судлов ишлари энг кенг доирадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш амалиётининг самарадорлиги ҳам, умуман жамиятдаги ҳуқуқ-тартиботнинг ҳолати ҳам суд ишининг савиясига боғлиқдир.

Фуқаролик жараёнидаги прокурорнинг роли ўзига хос хусусиятга эга. Фуқаролик ишларининг хос хусусиятлари нимада? Бу хусусият шундаки, фуқаролик ишларида шахсий, хусусий манфаат ҳақида гап боради. Жараёнда ўз ҳуқуқлари бузилганлигига барҳам беришни илтимос қилган даъвогарнинг ва фикрича, ҳуқуқлар бузилишида айбдор бўлган жавобгар иштирок этади. Бошқача қилиб

айтганда, гап низо тўғрисида, хусусий ҳуқуқ ҳақида, томонлар ўзларининг ҳақ эканликларини исбот қилиши шартлиги, суд эса, тақдим этилган далил-исботларга асосланган ҳолда қонунга мос келадиган қарорга келиши ҳақида бормоқда.

Бундай вазиятларда прокурорнинг иштироки шарт эмасдек туюлади. Бироқ, ҳаётда эса, фуқаролик ишлари кўриб чиқиладиган вақтда давлат ва жамият манфаатларини (оммавий манфаатларни) ҳимоя қилиш учун давлат томонидан вакилликни талаб қиладиган вазиятлар учраб туради. Бу ўринда давлат вакили сифатида зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқилганидан айтиш прокурор қатнашиши керак.

Мантиқан қуйидаги саволлар пайдо бўлади: қандай вазиятлар назарда тутилмоқда ва прокурор ўзининг суддаги иштирокини қай тарзда амалга оширади? Бу саволларга жавоб қайтариш учун биров бўлса-да, фуқаролик ишлари бўйича судловнинг моҳияти нимада эканлигини тасаввур қилишга ҳаракат қиламиз. Шу муносабат билан энг аввало таъкидлаш лозимки, ишларнинг асосий қисми туман судлари томонидан кўриб чиқилади. Ишлар ҳажми жуда катта ва турли-туман бўлади. Нима учун ишлар ҳажмининг катта эканлиги, чамаси, тушунарли; ҳар бир фуқаро, ҳар бир ташкилот потенциал даъвогар ва жавобгар ҳисобланади, низо пайдо бўлиши сабаблари ҳозирги замонамизда керагидан ҳам кўп.

Фуқаролик-ҳуқуқий бижноятлар турли-туманлигининг сабаблари устида бош қотиришга ҳам ҳожат йўқ. Биринчидан, уларда турмушимизнинг ранг-баранглиги, исдалган пайтда юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар ўз аксини топган. Одамни кўчада ҳақорат қилишлари, унга нисбатан ишхонада адолатсизлик қилишлари мумкин. Оиласида ҳам уни низолардан ҳоли, оила аъзолари унга нисбатан сира эътироз билдиришмайди, деб бўлмайди. Фуқарога уй-жой эгаси сифатида тегишли органлар томонидан эътирозлар бўлиши мумкин. Мол-мулк бешикаст сақланишидан манфаатдор шахс сифатида у сугурта компаниялари билан ҳуқуқий муносабатларга киришади, мулкдор сифатида эса, олди-сотди, ижарага бериш, ҳақ қилиш каби турли битимлар тузади. Бундай фаолиятларни санашни чексиз давом эттириш мумкин, бинобари,

инсон тўқнаш келадиган у ёки бу даражадаги ҳар қандай жиддий иш ҳуқуқ орқали тартибга солинади, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимида қайд этилади.

Ушбу хос хусусият қонун ҳужжатларида яққол кўзга ташланади. Қонун талаблари бузилганлигига доир низолар фуқаролик ишлари сифатида кўриб чиқилади. Қонун ҳужжатларида фуқаролик, меҳнат, ер, уй-жой, онла ҳуқуқлари ва ҳатто маъмурий ҳуқуқ нормалари қамраб олинган.

Судларда кўриб чиқиладиган фуқаролик ишларининг катта қисми уй-жой қонунларининг бузилиши билан боғлиқ. Низолар уй-жойни бўлиш, алмаштириш, уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Алдаш йўли билан, сотилаётган уй-жойда яшовчиларнинг розилигини олмаган ҳолда, таҳдид қилиш ва бошқа шу кабилар орқали содир этилган хусусийлаштирилган квартираларнинг олди-сотдисига доир шартномаларни ноқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги давволар ҳозирги вазият учун хос хусусиятлар бўлиб қолди.

Судлар муаллифлик ҳуқуқлари, ихтиро учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқадилар, онлавий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ва шу каби бошқа кўплаб ишларни ҳал этадилар. Фуқаролик низоларининг барча турларини санаб ўтиш, анча мураккаб.

Фуқароларнинг, ташкилотларнинг аксарият кўпчилиги ўз ҳуқуқларига тажовуз қилинганида қонун орқали берилган барча воситалардан, шу жамладан суд ҳимояси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ўзларини муҳофаза қилишга қодирлар. Аҳамият қилинг-а, аксарият кўпчилиги, лекин ҳаммаси эмас.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож, муайян сабабларга кўра амалда мустақил равишда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайдиган тоифадаги фуқаролар бор. Булар жумласига вояга етмаганлар, етимлар, ногиронлар, пенсионерлар, руҳияти носоглом одамлар, беморлар, оғир хасталикка дучор бўлганлар кирди. Бундай одамларнинг суд томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун давлат прокурор тимсолида уларга ёрдамга келади.

Юридик тилда айтганда, прокурор ушбу вазиятда **ИД** ошкор деб аталмиш манфаатни ҳимоя қилади. Прокурор қонунга биноан ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш мақсадида судга даъво билан мурожаат қилади. Судга жўнатилган даъво аризасида барча даъво аризаларида бўлгани каби конкрет вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўз талабларини асослаб беради.

Прокурордан судга даъво аризаси билан мурожаат қилишни талаб этадиган бошқа вазият шахси йўқ манфаатни, яъни муайян шахснинг эмас, балки каттагина гуруҳни ташкил этувчи одамлар — корхона жамоаси, фуқароларнинг муайян ижтимоий қатлами ва бошқаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ.

Фуқаролик-процессуал қонуни прокурорга даъволар унинг ташаббуси билан берилмаган ҳолларда ҳам фуқаролик ишларининг кўриб чиқилишида иштирок этиш ҳуқуқини беради. Бунда прокурор, башарти, давлат ёки жамият манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларининг муҳофазаси тақозо этилса, жараённинг исталган босқичида ишга киришади.

Фуқаролик ишлари кўриб чиқилишида прокурорнинг иштирок этиши зарурати суд томонидан белгилаши мумкин ва прокурор бундай қарорни бажариши шарт. Қатор ҳолларда жараёнда прокурор иштирок этишининг шарт эканлиги қонунда назарда тутилган. Бундай талаб асосан алоҳида юритишдаги ишларга, яъни фуқарони номаълум сабабга кўра ҳозир бўлмаган деб эътироф этиш ва фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишларга, фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги ишларга даҳлдор.

Прокурорнинг фуқаролик ишида самарали иштирок этиши унга қонун йўли билан берилган ваколатлар комплекси орқали таъминланади. У иш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга. Башарти, у иш муҳофазасида иштирок этишга жараённинг энг бошидан киришмаган бўлса, иш материаллари билан танишиш учун етарлича вақт берилади.

Прокурор судьяни, маслаҳатчиларни, экспертларни, таржимонини, суд мажлиси котибини рад этиш ҳуқуқига эга. Унинг судда далил-исботлар, ёзма ва ашёвий далиллар тақдим этиш имконияти чекланмаган. Далил-исботларни таъминлаш мақсадида прокурор ўзининг ариза баён этиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Бу ҳуқуқни рўёбга чиқариш йўлида, масалан, судга гувоҳларни чақириш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш, ҳам даъвогарлар ва ҳам жавобгарларни, учинчи шахсларни жалб этиш илтимоси билан мурожаат қилади.

Прокурорнинг амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган фуқаролик жараёнидаги ҳолати унга судда қонунга аниқ ва оғишмай риоя этиш йўлини изчил амалга ошириш имконини беради. Ҳар қандай низоли масала юзасидан суд прокурорнинг хулосасини эшитишга ҳақли. Суд мажлисининг охирида прокурор иш бўйича умумий хулоса беради. Бунга қадар суд даъвогарнинг даъво талабларини, жавобгарнинг фикрини эшитади, тақдим этилган далил-исботларни ўрганиб чиқади. Прокурор ишнинг моҳияти бўйича умумий хулосасида прокурор ўз фикрича қонун ҳужжатларининг нормаларига мос ва иш материалларига асосланган қарор лойиҳасини баён этади.

Прокурор фуқаролик ишларини моҳиятан кўриб чиқишида иштирок этишдан ташқари кассация ва назорат инстанцияларида иш юритилишида ҳам қатнашади. Бу инстанцияларда ҳам жиноят ишларига нисбатан татбиқ этиладиган қоидалар амал қилади: кассация инстанциясида қонуний кучга кирмаган қарор ва ажрим, назорат инстанциясида қонуний кучга кирган қарор ва ажрим кўриб чиқилади.

Хўжалик судлари томонидан ишлар кўриб чиқилишида иштирок этиш прокурор ишидаги мустақил йўналиш ҳисобланади. Хўжалик судлари иқтисодий низоларни ва амалдаги қонун ҳужжатларида ўз тасарруфларига бериладиган бошқа масалаларни ҳал этадилар. Иқтисодий низолар жумласига юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар ўртасидаги низолар киради. Бундай низолар шартнома юзасидан тафовутлар, мажбурият шартларининг

ўзгариши, мулк ҳуқуқини эътироф этиш ва шу кабилар ҳақида бўлади. Юридик шахслар (ташкилотлар) ва фуқароларнинг банкротлиги, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолият соҳасида ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари пайдо бўлиши, ўзгариши ёки тўхтатилиши учун аҳамиятга молик фактларни аниқлашга доир ишлар бошқа тоифага киради.

ЧИҚАРИЛИШИ МАҚСАДГА МУВОФИҚ БЎЛГАН ҚОНУН НУҚТАИ НАЗАРИДАН

Қонунлар одамларга хизмат қилади, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва муҳофаза қилишга бўлган объектив эҳтиёжларга асосланган ҳолда қабул қилинади. Тўғри, бемазагарчиликларни йўқотганча топиш мумкин-ку, ammo заррача бўлса-да, соғлом фикр баён этилмаган қонунлар мавжуд бўлганлиги тарихдан яхши маълум. Масалан, далил-исботсиз аҳмоқона фаразлар асосида қабул қилинган қондалар, қонун чиқарувчиларнинг тийиб бўлмас маъмурий иштиёқи, золимлик майли, ўжарлиги, баъзида эса, ҳокимият вакилларининг ошкора телбалиги фикримизга далил бўлади. Ҳуқуқий тизимлар қуришнинг бош йўли шундан иборатки, қонунлар фуқаролар, жамият, давлат манфаатларига мос муносабатларни мустаҳкамлайди, уларнинг ривожланишига кўмаклашади. Бироқ, ҳаёт бир жойда депсиниб турмайди. Қонун ҳам шундай, кечагина тараққиётни ҳаракатга келтириб турган бўлса, бугун унга тўсиқ бўлиб қолиши мумкин. Бинобарин, ҳаётни тўхтатиб бўлмас экан, вазиятдан чиқиш йўли қонунни ҳаётга мослаш: унга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, уни қисман ёки бутунлай бекор қилиш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва муҳофаза кечаги эмас, балки бугунги ва эртанги талабларига жавоб берадиган янги шарт-шароитларга мос ҳуқуқий нормалар яратишдир. Нафақат эскириб қолган нормаларнинг мавжудлиги, балки қонундаги нуқсонлар, вақт тақозоси билан ҳуқуқий тартибга солишда пайдо бўлган бўшлиқ ҳам қонуннинг ҳаётдан орқада қолганлиги кўрсаткичи ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, де-факто билан де-юре ўртасидаги тафовут умуман олганда муқаррар. Ҳуқуқнинг барқарорлиги ва динамизми ўзаро нисбати диалектикасининг мураккаблиги ҳам худди ана шунда. Улар ўртасидаги номувофиқликка, айниқса ўтиш босқичида яққол кўзга ташланадиган қарама-қаршиликка давлат томонидан ўз умрини ўтаб бўлган юридик нормалар ва ҳужжатларни бекор қилиш, янгиларини чиқариш ёки қонун ҳужжатларига тузатишлар ва қўшимчалар киритиш орқали бар-

ҳам берилади. Айни шу йўл билан қонунлар долзарб ижтимоий талаб-эҳтиёжларга мувофиқлаштирилади.

Бу ниҳоятда мураккаб иш бўлиб, ҳуқуқий билимлар асосларини ва умуман ҳуқуқ тизимини, уни ташкил этувчи элементларнинг қонуниятлари ва иерархиясини, мамлакат ва чет элларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни татбиқ этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётини батафсил билишни, амалда қонунларнинг самарадорлигини мос равишда баҳолай олишни, қонунлар бекор қилиниши, ўзгартирилиши, тўлдириши қандай иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тахмин қила билишни, фақат мутахассислар тушуниши мумкин бўлган яна бошқа кўплаб нарсаларни билишни талаб қилади.

Прокуратура қонунийлик устидан назорат қилишнинг универсал органи бўлиб, унинг фаолияти ҳуқуқий муносабатларнинг барча соҳаларига татбиқ этилади. Амалдаги қонун ҳужжатларидаги камчилик ва нуқсонларни кўриш, уларни жамият тараққиётининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мувофиқлаштиришда иштирок этиш, таъбир жоиз бўлса, прокуратуранинг пешонасига ёзилган. Қонунлар жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга ёки иқтисодий фаолиятни, молияни, ижтимоий соҳани, ердан фойдаланишни, табиатни муҳофаза қилиш ёки бошқа соҳаларни регламентлашга қаратилган бўлгани, бундан қатъи-назар, прокурор уларни пухта ўрганиши керак.

Албатта, қонун такомилига етмаганлигини аниқлаган прокурор уни четга суриб қўя олмайди, бекор қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш ҳам унинг ваколатидаги иш эмас. Тўлдиришлар киритиш ҳам бошқалар зиммасидаги иш. Боз устига, прокурор қонундаги нуқсонларни билса ҳам, унинг ҳаётдан орқада қолганлигини ва янги шарт-шароитларга мос эмаслигини сезиб ҳам, унга риоя этилишини талаб қилган ҳоллари амалиётдан маълум. Бу сиз қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мумкин эмас. Қадимги Римликлар айтганидек, *Dura lex, sed lex* яъни қонун талаблари қанчалик қаттиқ бўлмасин, у қонун. Қонун бекор қилинмаган экан, унга оғишмай риоя этилиши шарт.

Бироқ, бу прокурор фақатгина * *delece lata* (амалдаги қонун ниқтан назаридан) принципига амал қилади деган гап эмас. Прокурорнинг *delece ferenda* (чиқари-

лиши мақсадга мувофиқ бўлган қонун нуқтаи назаридан) мавқеида туриб, фаоллик кўрсатиши нафақат мумкин, ўринли, балки ижтимоий зарурат ҳамдир.

Қонун ижодкорлиги фаолиятида прокурорнинг иштироки қандай конкрет кўринишга эга бўлади? Бу энг аввало, кундалик прокурорлик фаолияти жараёнида қонунларга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритишни, уларни бекор қилишни, янги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишини тақозо этадиган муаммоли вазиятларни аниқлашдир. Назорат ва бошқа вазифаларни амалга ошириш вақтида прокуратура қонунлар қандай амал қилаётганлигини, ҳаётга қандай татбиқ этилаётганлигини, уларни рўёбга чиқариш механизмлари қанчалик пухта эканлигини кузатиб боради. Ҳуқуқий нормаларнинг жамият эҳтиёжларига, ижтимоий амалиётга мос эмаслигининг ҳар қандай кўриниши: қонун ҳужжатларидаги зиддиятлар, нуқсонлар, унинг ҳаётдан ортда қолиши ёки аксинча, асоссиз равишда илгарилаб кетиши, ҳуқуқий нормаларнинг қуруқ гапдан иборат эканлиги, уларнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ва шу кабиларни реал ҳимоя қилолмаслиги олдиндан аён эканлиги прокурорнинг кўз ўнгида бўлиши керак.

Амалиёт эҳтиёжлари билан амалдаги қонунлар ўртасидаги тафовут прокуратура тизимида ўтказиладиган долзарб муаммолар, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш масалаларини илмий тадқиқот қилиш вақтида ҳам аниқланади.

Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш заруратининг «индикаторлари» прокуратура томонидан қиёсий ҳуқуқшунослик, чет эл тажрибасини ўрганиш орқали ва бошқа йўллар билан ўрганилади.

Ҳуқуқий тизимнинг, унга тааллуқли айрим элементларнинг жамият манфаатлари ва эҳтиёжларига қай даражада мувофиқлиги диагностикаси реал қонун ижодкорлигининг бошланғич нуқтаси, ўзига хос старт майдончаси ҳисобланади. Шундан кейин қонун ижодкорлиги ишининг мақбул шакллари, изчиллиги, муддатлари, қатнашчилари ва бошқа томонларини белгилаб олиш, энг асосийси — эскириб қолган қонунларни бекор қилиш, янгиларини иш-

лаб чиқиш ва қабул қилиш (ёки амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш) лозим бўлади. Бу борада прокуратура муҳим ишларни бажаради.

Чунончи, асосий вазифалардан бири — назорат фаолиятини амалга оширар экан, прокуратура қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни рад этади, улар бекор қилинишига эришади. Ана шу тариқа нормал, амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ келадиган ҳуқуқ ижодкорлиги иши учун «беғона ўтлардан тозаланган майдон» вужудга келтирилади.

Прокурорларнинг қонунда назарда тутилган қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти органларининг мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш орқали қонун ижодкорлигининг боришини бевосита кузатиш имкониятлари қонун ижодкорлиги жараёнини ташкил этиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Прокурорнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашда (амалдаги қонунларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишда) бевосита иштирок этиш ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида прокурор иштирок этишининг амалда энг фаол ва натижадор шакли бўлса, ажаб эмас.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа давлат органлари билан биргаликда норматив ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш прокуратуранинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятидаги иштирокининг специфик шаклидир.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда прокуратуранинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этишини амалга ошириш учун барча зарур ташкилий шарт-шароитлар яратилган.

Прокуратура амалдаги қонунлар рўёбга чиқарилишини таъминлабгина қолмай, уларга оришмай рия этилишини кузатиб ҳам боради. Шунингдек, ҳуқуқ ижодкорлигига, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга катта улуш қўшади.

ХИЗМАТ ТАҚОЗОСИГА КЎРА

Яхши прокурор бўлиш учун жуда кўп нарсани билиш ва удалай олиш керак. Бу фақат ҳуқуқшунослик соҳасига тааллуқли эмас. Башарти, фаолиятнинг турли соҳаларида касбий вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур интеллектуал билим «...дан тортиб» «...гача» мазмунидаги аниқ чегарага эга бўлса, прокурор касби бу жиҳатдан алоҳида ўзига хос хусусиятга эгадир.

Суд-тиббиёт экспертизаси, суд-бухгалтерия экспертизаси, ҳужжатларнинг техник экспертизаси, ўқотар қурол-аслаҳаларнинг экспертизаси, қўл (шунингдек, оёқ, тиш, соч, чанг, лой, бузиш қуроллари ва шу кабилар) изларининг криминалистик экспертизаси, суд-техника экспертизаси, ветеринария ва зоотехника экспертизаси, суд-иқтисодиёт экспертизаси — 1949 йилда прокурорлар ва терговчилар учун нашр этилган ўқув қўлланмаси ана шундай номлардаги бўлимларга эга бўлган.

Ярим асрдан кўпроқ вақт ўтганидан кейин эса, жинойатларни очиш ва уларнинг олдини олиш мақсадларида фойдаланиладиган махсус билимларнинг доираси анча кенгайди. Масалан, ҳозир психологик, санъатшунослик, генетик, видеофоноскопик, одорологик ва бошқа янги турлардаги экспертизалар ҳам ўтказилади.

Демакки, прокурор ишнинг моҳиятига қараб, тиббиёт ва бухгалтерия, иқтисодиёт ва пиротехника, бошқа кўплаб тармоқларга доир билимлар ва амалиётни пухта ўзлаштирган бўлса, терговни, тергов ёки суриштирув устидан назоратни, давлат қораловини малакали тарзда, ишнинг кўзини билган ҳолда боради, тегишли соҳа мутахассислари билан тенг муомала қилиши мумкин. Бунда ҳаёт прокуратура ходими олдида «кўндаланг» қўядиган вазифалар стандарт эмас, балки конкрет, тўла маънодаги эвристик вазифалар қўяди-ки, улар прокурор ва терговчи учун фақат кутилмаган, балки сифат жиҳатидан мутлақо янги бўлиб, у ўз фаолиятида бундай муаммога муқаддам тўқнаш келмаган бўлади.

Умумий назоратни, шунингдек прокурорлик фаолиятининг жуда кўп қирраларини амалга ошириш вақтида нафақат ҳуқуққа доир, балки бошқа махсус соҳаларга, ай-

ниқса иқтисодиёт, молия соҳаларига деяр жуда кенг билимларга эга бўлиш зарур.

Мутахассислар томонидан прокурор ходимларининг турли тоифалари учун профессиограммалар ишлаб чиқилган. Бунда интеллектуал соҳага татбиқан, сдатда, ақл билан иш юритиш, соҳани чуқур ва кенг билиш, тезкорлик масалани мустақил ҳал этиш аниқ мақсадни кўзлаш, танқидий нуқтаи назардан қараш, мослашувчан бўлиш каби касб учун зарур бўлган ҳислатлар алоҳида таъкидланади.

Прокуратура ходими эга бўлиши тақозо этилган маънавий пок, кучли ирода хислатлари орасида адолатни ўткир ҳис қилиш фазилати алоҳида ўрин тутаетди. Бусиз Қонунга сидқидилдан хизмат қилиш, унинг талабларини оғишмай бажарилишини таъминлаш мумкин эмас. Табиатан адолатсиз, ноҳолис, нотўғри фикрловчи одам прокурорлик иши учун касбий жиҳатдан номуносиб.

Прокурор кўпинча зиддиятли вазиятларда қарама-қаршилиқларга, очиқ ва яширин ғанимлик шароитларида ишлашга, турли хил, айниқса ноқонуний тазйиқ ва таъсирларни енгиб ўтиш муаммосига дуч келаетди. Бу ҳол прокуратура ходимларининг маънавиятини, иродасини алоҳида синовдан ўтказаетди. Энг аввало, уларнинг принципиаллиги муҳим роль ўйнаетди. Чунки, принципиал одам эҳтимол тутилган ҳар қандай тўсиқларга, осойишталигига бўлган таҳдидларга қарамай адолатни рўёбга чиқариш учун қатъий ишонч билан фаол интилиши тайин.

Принципиал, қатъий, метин иродали, агар вазият талаб қилса, жасур прокурор — жуда кўплар учун нобол одам ҳисобланади. Афсуски, бу ўринда биз учига чиққан калла-кесарлар ёки инсонийлик қиёфасини мутлақо йўқотган товламачиларнинг ўзинигина назарда тутаётганимиз йўқ.

Прокурорнинг иши — давлат хизматининг алоҳида туридир. Прокурор нафақат давлат ва жамиятнинг, балки фуқароларнинг ҳам қонуний манфаатларини ҳимоя қилар экан, у ўз мижозига, ўзига ишонч билдирган шахсга хизмат қилмаетди. Негаки, касбий вазифаларини бажарар экан, у шак-шубҳасиз давлат номидан иш кўради, ёки Қадимги Римликлар айтганидек, *ex officio* яъни «томонларнинг мавқеи ва илтимосларидан қатъи назар» хизмат тақозосига кўра амал қилаетди. Бу эса прокурор-

лик касбийи ихтиёр қилган ҳар бир киши зиммасига барча қабул қилаётган қарорлари ва амалга ошираётган ҳатти-ҳаракатлари учун алоҳида масъулият юклайди.

Прокурорлик ишининг спецификаси, бу ишни бажарувчилар олдига қўйиладиган алоҳида талаблар — прокурор кадрлар тайёрлаш ва уларни танлашда, уларнинг хизмат вазифасини ўташида, уларни моддий ва ижтимоий таъминлашда, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш чора-тадбирларини белгилашда кўп нарсаларни ҳал этади.

Прокурорлар ва терговчиларга уларнинг эгаллаган лавозимлари ва иш стажига қараб, даража унвонлари берилади.

Прокуратура ходимларининг пул таъминотини мансаб оклади, даража унвони, иш даври, алоҳида иш шароитлари учун қўшимча тўлов, илмий даражаси учун фойзалардаги устама ҳақ, йил чораги ва якунидаги иш натижаларига қараб, рағбатлантириш тариқасида тўланадиган пул ташкил этади. Прокурорлик-терговчилик борасидаги иш стажи учун қўшимча равишда ҳақ тўланадиган таътилар назарда тутилган. Даража унвонига эга бўлган прокуратура ходимларининг пенсия таъминоти армияда, ички ишлар органларида хизматни ўтаган шахслар учун қонунда белгиланган шарт-шароитлар, нормалар ва тартибга биноан амалга оширилади.

Даража унвонларига эга прокуратура ходимлари хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида жамоат транспорти, шаҳар атрофи ва маҳаллий жой транспортидан (такси бундан истисно) bepул фойдаланишга ҳақлидирлар.

Прокурорлар, терговчилар ва прокуратуранинг бошқа ходимлари учун уй-жой олиш ва унга ҳақ тўлашда, коммунал хизматлар ва тиббий хизмат кўрсатилиши борасида ҳам имтиёзлар белгиланган. Прокурорлар ва терговчилар доимий равишда ўқотар қурол олиб юриш ва уни сақлаш ҳуқуқига эгалар. Улар шахсий суғурта қилинишлари шарт ва доимо давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўладилар. Буларнинг ҳаммаси прокуратура ходимларининг машаққатли меҳнати ижтимоий жиҳатдан қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини, бу фаолиятнинг жамият, давлат ва барча фуқаролар учун нақадар зарур ва фойдали эканлигини эътироф этишнинг далилидир.

8-БОБ

ПРОКУРАТУРА-ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида қонунлар аниқ ва бир хилда ижро этилиши ва бажарилиши устидан назоратни Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар.

Прокуратура органлари ўз ваколатларини назорат объекти қандай давлат органи, жамоат ташкилоти ва мансабдор шахс бўлишидан қатъий назар, фақат қонунга бўйсунган ҳолда рўёбга чиқарадилар.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мамлакатнинг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат назорати органлари, ҳокимликлар, бўйсунуви, тааллуқлилиги ва мулк шаклидан қатъий назар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек ҳарбий қисмлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар қонунларни аниқ ва бир хилда бажаришлари устидан кузатиб борадилар.

Прокурорлар давлат номидан назорат қиладилар. Улар ким томонидан содир этилганлигидан қатъий назар, ҳар қандай қонунбузарликни ўз вақтида бартараф этиш учун чора-тадбирлар кўришлари шарт.

Прокуратура органларининг фаолиятини ташкил этиш ва унинг тартиби ҳамда прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган бошқа қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилади. Прокуратура зиммасига «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилмаган вазифаларни бажариш юклатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ягона марказлашган тизимдан иборат бўлиб, унга мамлакатнинг Бош прокурори раҳбарлик қилади. Қуйи турувчи прокурорлар юқори турувчи прокурорларга бўйсунадилар.

Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармоилари билан лавозимга тайинланадилар ва ундан озод қилинадилар. Бу ҳақдаги Фармон чиқарилиб кейинчалик Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши шарт. Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори Қорақалпоғистон Республикасининг олий вакиллик органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори билан келишилган ҳолда тайинланади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар прокурорларини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори тайинлайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар прокурорларининг ваколат муддати — беш йил.

Прокуратура органлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Президентини, Олий Мажлисни, Қорақалпоғистон Республикаси Олий давлат ҳокимияти органини, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон ҳукуматларини, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини, ҳокимларни ва жинойтчиликнинг ҳолати ҳамда асосий тамойиллари тўғрисида, бошқарув органлари томонидан қонунларга риоя этилиши, давлат ва жамоат тартиби сақланиши, фуқаролар ҳуқуқларини таъминланиши бўйича вазифалар бошқарув органлари томонидан қандай бажарилаётганлиги ҳақида хабардор қилиб турадилар. Прокурорлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг, худди шунингдек давлат сири ва қонун билан муҳофаза этиладиган бошқа сирларни сақлаш тўғрисидаги қонунлар талабларига зид келмаган даражада ошқора амал қиладилар.

Прокуратура фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Олий Мажлисининг назорати остида бўлади. Қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш, жинойт ишларини тергов қилиш, шикоятлар, аризалар ва маълумотларни ҳал этиш, кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш борасидаги прокуратура ишига бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, жамоат бирлашмаларининг, оммавий ахборот воситалари ва улар вакилларининг, шунингдек мансабдор шахсларнинг аралашуви тақиқланади.

Прокуратура органлари партиядан ҳоли қилинган бўлиб, уларда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкилий бўлинмалари тузилишига йўл қўйилмайди. Прокурор ноқонуний қарор қабул қилиш ёки ўз фаолиятини юқори турувчи прокурорнинг розилигисиз амалга оширишига қаршилик кўрсатиш мақсадида прокурорга қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, тазйиқ кўрсатиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори белгиланган тартибда тегишлича мамлакат ва Қорақалпоғистон Республикасининг барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эгалар.

Вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг прокурорлари, шунингдек уларга тенглаштирилган прокурорлар белгиланган тартибда ҳокимият ва бошқарувнинг тегишли ҳамда қўйи органларининг мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Олий Мажлисда қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Прокуратура органлари тизими Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар, туманлараро ва бошқа ҳудудий прокуратуралардан ташкил топади. Ушбу тизимга, шунингдек транспорт, ҳарбий, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа ихтисослашган прокуратуралар ҳам киради.

Қуролли Кучлар ҳарбий прокуратураларининг фаолиятини ташкил этиш ва унинг тартиби «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланган Қуролли Кучлардаги ҳарбий прокуратура тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Ҳарбий прокуратура Қуролли Кучларда жиноятчиликка ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиб боради. Унинг зиммасига жиноят содир этган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги бўйича дастлабки тергов ишларини ўтказиш, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррар эҳдо

лигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга йўл қўйиб берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш юклатилади.

Қонунийликни мустаҳкамлаш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш бир неча босқичга эга бўлиб, бу иш турли органлар томонидан ташкил этилади. Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш бўйича барча давлат ва жамоат органларининг фаолиятини олий даражада ва кенг қамровли ташкил этиш Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилади.

Прокуратура мувофиқлаштирувчи ролининг асосий вазифаси — мамлакатимиз раҳбариятига жиноятчилик даражасини пасайтириш, имкон қадар жиноятчиликка ва уни келтириб чиқараётган сабабларга барҳам бериш мақсадларига эришишда ёрдам кўрсатишдир.

Шаҳар, туман, вилоят ва республикада мувофиқлаштиришнинг асосий вазифаси — ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳаракатлари ўзаро келиштирилишига, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг бошқа турлари миқдорини камайтиришга, шунингдек маъмурий бирлик ҳудудида ва транспортда қонунийлик мустаҳкамланишига кўмаклашишдан иборат.

Прокуратура органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг олдинга қўйилган яқин истиқболдаги ёки оралиқ вазифага қараб, бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи билан амалга ошириш мумкин. Бироқ, барча ҳолларда ҳам мувофиқлаштириш жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очиш бўйича барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун умумий бўлган мақсад ва вазифалар доирасидагина амалга ошириш мумкин.

Фаолиятни мувофиқлаштириш муносабати билан прокурорлар:

— мувофиқлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқишида қонунларнинг талабларига қатъий риоя этилишини ва режага қонун билан асосланмаган чора-тадбирлар киритилмаслигини кузатиб боришлари;

— бундай чора-тадбирлар ҳуқуқни қўллаш ваколатларига эга давлат органлари ва жамоат бирлашмалари (масалан, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича комиссия) вазифаларини такрорлайдиган тарзда бўлиб қолишига йўл қўймасликлари;

— мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш вақтида унинг талаблари бузилишига йўл қўйилмаслигини кузатиб боришлари, бундай қондабузарликка йўл қўйилганлигини аниқлаганликлари тақдирида унга барҳам бериш ва айбдорларни — жазолаш юзасидан чора-тадбирлар кўришлари;

— жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш жараёнида фуқаролар, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилмаслигини назорат қилиб боришлари шарт.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида баён этилган ҳолларда прокурорларнинг «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан келиб чиқадиган вазифаларни тўлиқ, мунтазам ва принципиал даражада бажарилиши лозим.

ХУЛОСА.

Мустақил Ўзбекистонда Конституция асосида инсон ҳуқуқлари босқичма-босқич тикланмоқда.

Бу фаолият учун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир халқаро нормалар муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон учун халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигини эътироф этиш, демократия ғояларига садоқат, миллий тинч-тотувликни таъминлаш — ўта муҳим принципдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Мажлис сессиясида таъкидлаб ўтганларидек, мамлакатимизнинг Конституция халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган энг демократик нормалар ва талабларга мос келади, деб айтишимиз учун ҳамма асослар бор.

Мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга даъват этилган давлат органлари тизимида прокуратура органлари жуда муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Мамлакатимизда ушбу вазифаларни амалга оширувчи ягона давлат органи — прокуратурadir.

Давлатда қонун устуворлигини таъминлаш учун қарг-шароитлар яратиш нима учун бу қадар муҳим аҳамиятга эга? Жавоб битта: фақатгина қатъий интизом ва ҳар бир кишининг интизомли бўлиши, топширилган иш учун юксак масъулият, қонун кўрсатмаларига оғишмай риоя этиш орқали ўз мустақиллигини ҳимоя қила оладиган, ўз фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, фаровон турмушини таъминлай оладиган кучли, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш мумкин.

Башарти, қонун ҳаётга татбиқ этилмай, қогозда қолиб кетадиган бўлса, қонун чиқарувчининг хоҳиш-иродаси яхши тилак бўлиб, ундан нарига ўтолмай қолмади. Шунинг учун ҳар бир давлат қонун ижросини таъминлайдиган кафолатлар тизимини яратади. Шулардан бири, таъкидлаш жоизки, энг муҳими қонунлар аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан прокурорлик назоратини ташкил этишдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, 1996 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонунда эълон қилинган барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи мустаҳкамлаб қўйилган (18-модда).

Прокуратура органларининг фаолияти қонун устуворлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларининг ғайриқонуний таҳдидлардан ҳимоя қилинишини таъминлашга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган давлат мустақиллигини, жамият ва давлат қурилишини, сиёсий ва иқтисодий тизимини, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларининг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Прокурор томонидан қатъий риоя этиладиган шахснинг даҳлсизлиги энг муҳим конституцион принцип ҳисобланади. Фуқароларга шахс даҳлсизлиги кафолатланар экан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек: «Ҳар бир киши шахс эркинлиги ва даҳлсизлиги ҳуқуқига эга». Қамоққа олишнинг қай даражада қонунийлиги устидан назоратни амалга оширар экан, прокурор ЖПКнинг, Бош прокурорнинг буйруқлари ва кўрсатмаларининг талабларига асосланади. Қонун прокурорлардан фуқароларни ушлаш фақатгина Қонунда белгиланган тартиб ва асосларда (120, 121-моддалар) амалга оширилиши устидан назоратни ташкил этишни талаб қилади. Ушлашнинг қай даражада қонуний эканлиги ва ушланганларнинг вақтинча сақлаш изоляторларидаги аҳволни мунтазам равишда текшириб бориш — ушлашнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан прокурорлик назоратининг, бундай қонунбузарликларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олишнинг энг таъсирчан воситаларидан бири ҳи-

собланади. Вашарти, прокурор шахс асоссиз ушланган ёки ушлаш учун процессуал эҳтиёж йўқ деб топса, ушланган шахсни озод қилади.

Гумон қилинувчини ушлашдан олдин, унга нисбатан эҳтиёт чораси танланади. Қонунда белгиланган эҳтиёт чораларининг энг қатъийси ҳисобга олиш — қамаш бўлиб, айбланувчининг ҳуқуқларини жиддий равишда чеклаб қўяди.

Айбланувчининг қамоққа олиш учун бериладиган прокурор санкцияси — жуда масъулиятли процессуал ҳаракатдир. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ўзига бўйсунувчи прокурорларга қамоқда сақлашнинг қай даражада қонунийлиги ва асослилигини мунтазам равишда тенгириб бориш тўғрисида кўрсатма беради. Таъкидлаш зарурки, Бош прокурор инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича прокурорлик назоратининг амалиётини ўрганиб чиқиб, 1998 йил 20 сентябрида «Ушлаш, қамаш ва жиноий жавобгарликка тортиш вақтида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни устидан прокурорлик назоратини кучайтириш тўғрисида»ги 25-буйруқ чиқарилди. Бош прокурор ўзига бўйсунувчи прокурорлар зиммасига Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларига даҳлдор талабларини оғишмай бажариш вазифасини юклайди.

Прокурорлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига оғишмай риоя этишлари, айниқса ушлаш ва қамоққа олиш вақтида қатъий риоя этишлари шарт.

Ноқонуний тинтувлар ўтказилиши оқибатида фуқаролар ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари жиддий чеклаб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида фуқаролар уй-жойларининг дахлсизлиги кафолатланади. Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қи-

лиши мумкин эмас. Тинтув ўтказишнинг асослари ва тартиби ЖПКда белгилаб берилган. Терговчи бирор тундир жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир (ЖПК 158-модда). Прокурор тинтув ўтказиш мавжуд асосларнинг қай даражада етарли эканлигини, шунингдек тинтув ўтказишнинг қонунда белгиланган тартибига риоя этилишини ва тинтув натижаларини текшириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида фуқароларнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқи кафолатланган. Фуқароларнинг ушбу ҳуқуқлари Қонун билан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 116-моддасига мувофиқ почта-телеграф муассасаларида хат-хабарларни хатлаш ва олиб қўйиш фақатгина прокурорнинг санкцияси ёки суднинг ажрими ёхуд қарорига биноан амалга оширилади.

Жиноят жараёнининг энг муҳим принципларидан бири — айбсизлик презумпцияси бўлиб, прокурор ушбу қонундаги риоя этилиши устидан жиддий назорат олиб боради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига қўйидагилар баён этилган. «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шавқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тайзиққа дучор этилиши мумкин эмас».

Ушбу принциплар риоя этилиши зарур ҳуқуқий асослар дастлабки тергов вақтида вужудга келтирилади. Дастлабки терговнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширувчи прокурорлар судга ҳар томонлама, тўла-тўқис ва ҳолис ўрганиб чиқилган жиноий ишларгина жўнатилишига эришишлари зарур.

Прокурорнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу моддасидан келиб чиқадиган вазифаларидан

яна бири — суриштирув ва тергов органлари томонидан айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш бора-сидаги талаблари бажарилиши устидан назоратни амалга оширишдир.

Прокурор ҳимоячи дастлабки терговга ЖПК нормаларига риоя этилган ҳолда жалб этилиши устидан назорат қилиб боради.

Прокуратура органларининг кундалик фаолиятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланган бўлимида ифода этилган талаблар ва принципларга риоя этилишига қаратилган.

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
1. БОБ. «PROCURO» демакки, «жонкуярлик қиламан», «Бошқарман» (Тарихга саёҳат)	6.
2. БОБ. Амалдаги қонун нуқтаи назаридан	19
3. БОБ. Биз ҳуқуқларимиздан ёмон фойдаланмаслигимиз керак.	38.
4. БОБ. Ҳар ким ўз қилмиши учун ўзидан ўнқалашни керак	53
5. БОБ. Ҳуқуқ — яхшилик ва адолат санъатидир	60
6. БОБ. Чиқарилиши мақсадга мувофиқ бўлган қонун нуқтаи назаридан	80
7. БОБ. Хизмат тақозосига кўра	84
8. БОБ. Прокуратура -- Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида	87
ХУЛОСА	92.

Наманган вилояти Ибрат номли босмахонасида
чоп этилди. Бичими 60x84, 1/16. Ҳажми 6,25 Босма
табоқ. Адади 1000 нусха. Буюртма 3031, 2003 йил.